

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

М.К.НАЖИМОВ

**ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА
МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент-2019

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилди (2019 йил 19 апрель, 4-сонли баённома).

УДК: 34(035.3)(575.1)

Нажимов М. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2019. – 122 б.

Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор
Х.Т.Маматов

Такризчилар: юридик фанлари доктори, доцент
Э.О.Қодиров

юридик фанлари номзоди, доцент
Ф.П.Ҳайитбоев

Мазкур монографияда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар мавжуд адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёритиб берилган.

Ушбу монография ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларига оид илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга, олий юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларга мўлжалланган.

© М.Нажимов, 2019

© Тошкент давлат юридик университети, 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 4

I БОБ. ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1. Ҳуқуқий онг тушунчасининг назарий методологик асослари..... 6

1.2. Ҳуқуқий маданият: тушунчаси, тузилиши, даражалари..... 26

1.3. Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга оид ташкилий ҳуқуқий асосларнинг ривожланиши 37

II БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ – ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

2.1. Ҳуқуқий тарбия тушунчасининг назарий-методологик асослари таҳлили..... 48

2.2. Ҳуқуқий тарғибот – ҳуқуқий тарбиянинг муҳим воситаси 57

2.3. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва аҳамияти 73

III БОБ. ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий нигилизм ҳолатларини бартараф этиш масалалари..... 82

3.2. Ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда оила, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги..... 89

3.3. Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги муаммолар ва ечимлар 106

ХУЛОСА 114

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 117

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар, жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланиши, аввало, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва ўз фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Бунда жамиятнинг тараққиётини таъминловчи шахснинг ижтимоий фойдали, фаол хулқ-атвори ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги мазкур жараённинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу ўринда гап инновацион сиёсий-ҳуқуқий дунёқараш, меъёрлар ва кадриятларнинг манбаи бўлган шахснинг янги ижтимоий типлари вужудга келиши ва шу асосда сиёсий онг ва маданият, шу жумладан ҳуқуқий онг ва маданиятда сифат ўзгаришлари яшаш лозимлиги ҳақида бормоқда.

Ҳуқуқий онг қонунларни нафақат билишни, балки қонун талабларига итоат этишни ҳам англатади. Албатта, инсон ҳамма қонунларни билиши мумкин эмас, аммо у энг муҳим қонунларни билишга мажбур. Бу конституциявий мажбуриятдир. Жамиятда аҳоли, айниқса, ёшлар ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт. Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни бузишдан кўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим”¹.

¹ Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир// Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали сиёсий-ҳуқуқий фаол шахсни шакллантириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий нигилистик тенденцияларга барҳам бериш мумкин. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Республикаимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларни модернизациялаш, замон талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берувчи янги типдаги ҳуқуқ тизимини шакллантиришга йўналтирилган. Мамлакатда демократиянинг ривожланиши, тартиб ва қонунчиликнинг мустаҳкамланиши аввало жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Ваҳоланки, модернизациялаш ва демократик жараёнлар фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини тақозо этади. Шу муносабат билан бугунги кунда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси ўткир ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқий маданият бу ҳар бир жамиятда ҳуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишида ифодаланадиган ҳуқуқий онг ва қонунийлик ҳамда юридик амалиётнинг чинакам аҳволи, қонунчиликнинг сифат даражаси бўлиб, у мазкур жамиятнинг ўзига хос юридик бойлиги ҳамдир. Ёшларнинг ҳар бир янги авлоди олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

I БОБ. ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1. Ҳуқуқий онг тушунчасининг назарий-методологик асослари

Ҳуқуқий онг билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, энг аввало, мазкур ҳодисага оид тушунчаларнинг мазмунини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, “онг”, “ижтимоий онг” каби категорияларнинг моҳиятини англаш орқали ҳуқуқий онг тушунчасининг юридик табиатини аниқлашга эришиш мумкин.

Онг деганда, борлиқни руҳий акс эттириш, воқеликнинг объектив мазмунини субъектив мазмунга айлантириш, шунингдек унинг турли босқич ва даражаларида бундай инъикос эттиришнинг ўзига хос социал-психологик механизмлари, шакллари тушунилади.

Онг деганда, оддий руҳий инъикос эмас, балки ижтимоий ривожланган инсон томонидан воқеликни руҳий акс эттиришнинг олий шакли тушунилади. У инсон миясининг шундай функциясики, унинг моҳияти ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттиради. Онгга тегишли белгилардан унинг қуйидаги таърифи келиб чиқади: онг фақат инсонгагина хос бўлган, миянинг тил ва нутқ ёрдамида воқелик аксини умумлаштирадиган, мақсадга мувофиқ, конструктив ҳамда ижодий намоён бўладиган олий функциядир.

Шу ўринда ижтимоий онгнинг ўзи нима, деган савол туғилиши табиий. А.Иброҳимов, Ҳ.Султонов, Н.Жўраевларнинг фикрича, одамнинг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати унинг онгида юз беради. Сиёсий онг, ижтимоий онг иборалари ана шундан келиб чиққандир. Воқеликнинг киши миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва, албатта, маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши онгнинг зуҳуридир. Онг, шунингдек кишининг руҳий, сиёсий, фалсафий нуқтаи назарлари, диний, бадий қарашларининг ҳам мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий онг деганда мана шулар тушунилади². Дарҳақиқат, шахснинг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати унинг онгида юз беради. Сиёсий

² Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.30-31.

онг, ижтимоий онг тушунчалари ана шундан келиб чиқади. Ўз навбатида, ижтимоий онгнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, кишилар улар ёрдамида ижтимоий ва табиий борлиқни ўрганадилар. Шу жиҳатдан олганда, тегишли адабиётларда сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний, ҳуқуқий онг шакллари ажратиб кўрсатилади.

Ҳуқуқшунос олим С.С.Алексеев ҳаётга позитив (ижобий) ҳуқуқни жорий қилган – кишилар ҳаётида етакчи мазмун касб этган ижтимоий тартибга солишнинг махсус тури бўлмиш қатъий талаб (императив)лар тўғрисидаги масалага мурожаат қиларкан, улар ижтимоий онг, хусусан, ҳуқуқий онг маҳсули эканлигига ишора қилади ҳамда унинг анчайин мураккаб муаммолардан бири эканлигини алоҳида уқтиради. У шундай ёзади: “Ахир инсон зоти пайдо бўлишининг илк даврлариданоқ табиий зарурат тақозосига кўра тартибга солиш кўринишлари (мононормалар, уларнинг ажралиб турадиган таркибий қисмлари – ибтидоий ахлоқ, диний ақидалар, тақиқлаш ва ман этишнинг бутун тизими) ибтидоий жамият шароитида кишиларнинг ҳамжамияти – уруғ, жамоа, жамоалар иттифоқи, жамоалараро муносабатларда бир меъёрдаги, тартибли ҳаётни таъминлашнинг тўлиқ уддасидан чиққан.

Шу тариқа инсон зоти цивилизация шароитига кирди, кишиларнинг ҳаёти нафақат шафқатсиз табиат зарурати ва ибтидоий жамиятнинг баъзи ижтимоий ташкилий унсурлари асосида, балки шахсий асосда (вақт ўтиши билан янада кўпроқ) қурила бошлаган. Ҳаётнинг янги шароитлари самараси бўлган ва аксар кишиларнинг ўзлари яратган хусусий мулк, бозор иқтисодиёти, илмий-техник тараққиёт, сиёсий ҳокимият, маънавий ҳаёт институтлари сингари ижтимоий ҳодисалар негизида барпо этилмоқда. Бунда жамиятнинг мураккаб ва жўшқин ўзгаришларга бой тизим сифатида мавжуд бўлиши, ўз вазифасини бажариши ҳамда ривожланишини таъминлаш индивидлар, уларнинг бирлашмаларининг мустақил ақлий фаолияти билан боғланган ва ибтидоий жамиятга нисбатан беқиёс даражада юқори, анчайин мураккаб (унча мустаҳкам бўлмаган) тартибдаги бир бутун организм эҳтиёжларидан келиб чиқадиган шароит назарда тутилмоқда”³.

Ҳуқуқий онг тушунчасига оид манбалар ва фикрлар кўплигига қарамасдан, ушбу масалага ёндашувда муайян ноаниқликлар, турли хил фикрлар мавжудлиги, баъзан эса уларнинг бир-бирига зидлигини кузатиш мумкин.

³ Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия. – М., Статут, 2000. – С.15-16.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шаклларида бири эканлиги барчага маълум. Ижтимоий онгнинг шакли сифатида ҳуқуқий онг ҳам унга хос бўлган хусусиятларга эга. Ушбу ҳуқуқий категорияни таҳлил этишга киришар эканмиз, мавзуга оид илмий изланишлар олиб бораётган муаллифлар қарашларида ва юридик манбаларда унинг хилма хил талқинлари мавжуд эканлигини кўрамиз.

Юридик қомусий луғатда “ҳуқуқий онг давлат ва ҳуқуқ назарияси ва криминологиянинг категорияси бўлиб, у ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларни ўзида акс эттириши билан боғлиқ бўлган ҳамда ҳуқуқий аҳамиятли қадриятлар, ҳуқуқни тушуниш, зарурий ҳуқуқий тартибот тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланадиган ижтимоий, гуруҳий ва индивидуал онг соҳаларини англатади” дейилган. Луғатда берилган таъриф ўзига хос бўлиб, унда ҳуқуқий онгнинг шаклланиш омиллари ҳам ўз ифодасини топган, яъни ҳуқуқий онг (инглизча “legal awereness”) “ҳуқуқий аҳамиятли қадриятлар, ҳуқуқни тушуниш, зарурий ҳуқуқий тартибот тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланадиган” ҳодисалиги қайд этилади.

Мазкур масала бўйича монографик тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Э.Ҳ.Халиловнинг фикрича, “ҳуқуқий онг ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуқга, ҳам уларнинг ўзлари исталган ҳуқуқга муносабатини ифода этадиган тасаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир. У табиатан ҳуқуқ билан муштаракдир ва шу сабабли мавжуд иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчидир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг объектив равишда келиб чиққан эҳтиёжлари ҳамда манфаатларининг бевосита таъсирида шаклланади, ўзгариб турадиган объектив шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий ривожланиб боради. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг бир қисмидир ва шу сабабли унга фалсафий, мафкуравий ҳамда сиёсий қарашлар таъсир этиб туради”⁴.

Юқоридаги таърифдан фарқли ўлароқ, ҳуқуқшунос олим З.М.Исломов ҳуқуқий онг тушунчасига нисбатан қуйидагича ёндашади: “Ҳуқуқий онгни мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий сезгилар, ғоялар,

⁴ Халилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.12

баҳолар, тасаввурлар тизими сифатида таърифлаш мумкин”⁵. Бунда З.М.Исломов мазкур ҳодисани анча кенг таърифлаб, унинг таркибига фуқароларнинг нафақат амалдаги ҳуқуққа, балки мавжуд юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига бўлган қарашларини ҳам киритади. Шунга ўхшаш таърифни ҳуқуқшунос олимлар А.Х.Саидов ва У.Тожиҳоновлар ҳам илгари сурадилар. Яъни уларнинг фикрича, ҳуқуқий онг – ҳуқуқий ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги ҳуқуққа, ҳуқуқий амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларига нисбатан, шунингдек бошқа орзу қилинган ҳуқуқларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимидир⁶.

Ҳуқуқшунос олимлар Н.Сабуров ва Ш.Сайдуллаевларнинг фикрича, “ҳуқуқий онг – бу ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлиб, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ тартиботга ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндисидир”⁷.

Ҳуқуқий онгни ижтимоий онгнинг бошқа соҳаларига (сиёсий, ахлоқий, эстетик ва б.) нисбатан ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ҳуқуқий онг инсонларнинг ижтимоий ҳаётнинг юридик аҳамиятли ҳодисаларга (амалдаги қонунчиликга, юридик амалиётга, инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига) нисбатан баҳоловчи руҳий муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий тасаввурлари, қарашлари, ғоялари, ҳислари, ҳаяжонлари мажмуи сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, ҳуқуқий онг фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнлари натижаларини, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолатини, жорий ҳуқуқ тизимининг алоҳида қисмларини ёки тўлалигича ўзини ўзгартиришга бўлган эҳтиёжни ўзида ифода этадиган ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим кўрсаткичи вазифасини бажаради.

Ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онгнинг юридик табиати юзасидан юқоридаги қисқача таҳлил асосида унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

– унда фақатгина жамият ҳаётининг ҳуқуқий томонини ташкил

⁵ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Адолат, 2007. – Б.537

⁶ Саидов А., Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.324.

⁷ Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б.74.

этувчи ҳодисалар акс этади. Шу билан бирга, ҳуқуқий онгнинг шаклланишига сиёсий, ахлоқий, диний ва бошқа қарашлар ҳам фаол таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди;

– ҳуқуқий онгда жамият ҳаётининг махсус юридик тушунчалари ва категориялари (ҳуқуқий хулқ атвор, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик ва б.) орқали акс этиш усули намоён бўлади;

– ҳуқуқий онг, биринчидан, ҳуқуқнинг жамият эҳтиёжларини ифодаловчи манбаидир, иккинчидан, ҳуқуқни ижтимоий воқеликка татбиқ этишнинг зарур омилларидан биридир, учинчидан, у шахсларнинг хулқ-атвори ҳуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини тушуниб олишга кўмаклашади ва уларни баҳолаш воситаси сифатида хизмат қилади;

– ҳуқуқий онгнинг шаклланишида расмий ва норасмий субъектларнинг фаолияти муҳим ўрин тутди. Бунда расмий субъектлар доирасига давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, таълим ва тарғибот муассасалари, оммавий ахборот воситаларини киритиш мумкин. Норасмий субъектлар қаторига эса диний конфессиялар, турли хил ижтимоий гуруҳлар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоалар (оила, меҳнат жамоаси ва бошқалар), лидерлар (ўз фаолияти орқали ўрнатқувчи шахслар) киради.

Ҳуқуқий онг – бу ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлиб, кишиларда ҳуқуқга, қонунчиликга, ҳуқуқ-тартиботга ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси.

Ҳуқуқий онг:

биринчидан, ҳуқуқнинг жамият эҳтиёжларини ифодаловчи манбаидир;


иккинчидан, ҳуқуқни ижтимоий воқеликка татбиқ этишнинг зарур омилларидан биридир;

учинчидан, шахсларнинг хулқ-атвори ҳуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини тушуниб олишга кўмаклашади, баҳолаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Ўз навбатида, ҳуқуқий онгсиз ҳуқуқий ижодкорликни ҳам, ҳуқуқнинг ўзини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, бу фикрдан ҳуқуқий онг ҳуқуқни яратади деган маъно келиб чиқмайди. Ҳуқуқ ҳуқуқий онг томонидан эмас, балки ҳаётдаги муайян иқтисодий шарт-

шароитлар негизда яратилади. Ҳуқуқий онг эса бу жараёнда фақат воситачи, янги ғоялар асоси вазифасини бажаради.

Албатта, амалдаги ҳуқуқ ҳуқуқий онгга ўз таъсирини кўрсатади. Зеро, бу ҳол фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги, ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиради. Айни пайтда ҳуқуқий онг ҳам жамият манфаатлари йўлида ҳуқуқни қўллаш тажрибасини белгилаб бераркан, амалдаги ҳуқуққа таъсир кўрсатади, давлатнинг норма яратиш фаолиятини тақозо этади. Ҳуқуқий онг ҳар бир халқнинг маданияти, ҳаёт тарзининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқнинг маънавий моҳиятини энг тўла ва ҳар томонлама акс эттиради. Зеро, цивилизациянинг турли кўринишларида ва хилма-хил маданий-тарихий ҳамжамиятларда хулқ-атвор нормалари, зарурат ҳақида, у ёки бу вазиятларни тартибга солиш усуллари ва бошқалар тўғрисида хилма-хил, кўпинча ўзаро жиддий фарқланувчи тасаввурлар мавжуд бўлади.



Айни пайтда ҳуқуқий онг – бу инсон ўзини қуршаб турган ҳуқуқий оламини ўрганиш, англаш қобилияти сифатида


тушуниладиган онг шаклларида биридир. Моддий оламнинг предмет ва ходисаларидан фаркли ўлароқ, онг натижалари бир қатор хусусиятларидан айрилган ўзига хос ажиб кўринишдаги тафаккур ифодаси саналади. Билимлар ўзига хос шаклларда: сезги, тасаввур, тушунча, категория, объектив қонуният ва назариялар тўғрисидаги мулоҳазалар сифатида мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, онг инсоннинг ўзини қуршаб турган оламни инъикос этиш (билиш) шаклини, шунингдек инсоннинг муайян ижтимоий ва табиий ходисалар, жараёнларни ўзгартириш, такомиллаштириш, янги моддий ҳамда маънавий бойликларни яратиш бўйича ушбу дунёга нисбатан турли шаклдаги баҳолаш ва таклифлар кўринишида муносабат билдиришини ўзида акс эттиради.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири бўлиб, тўлиқ унинг хусусиятларига эга. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ тузилишини, унинг бошқа ижтимоий ходисалар билан, шу жумладан қонунчилик ва ундаги ҳуқуқий нормалар; юридик амалиёт, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолияти, муайян ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш бўйича давлат идоралари, фуқаролар ва бошқа шахсларнинг фаолияти, қонунни бузишга қарши курашиш бўйича давлат ва жамият фаолияти кабилар билан турли алоқа ва муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари, онг ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида вужудга келиш ва ривожланиш тарихини, унинг тараққий этиш жараёнида босиб ўтган босқичларини гавдалантиради⁸.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий руҳият (психология) ва ҳуқуқий мафкура (идеология) каби асосий таркибий элементлардан ташкил топган.

ҲУҚУҚИЙ ОНГНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ



⁸Социология права. –М., «Юстицинформ», 2004. –С.80-82.

Ҳуқуқий руҳият (психология)нинг моҳиятини англашда, аввало, психология тушунчасининг мазмунини кўриб чиқиш лозим бўлади. Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади. Инсон онгли мавжудот. Онгли шартли равишда икки катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси, инсоннинг руҳий олами; иккинчиси, фикрий олам, яъни тафаккур оламидир.

Руҳий олам (бу соҳани руҳшунослик илми – психология тадқиқ этади) ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, ҳукм ва хулоса киради (буларни логика, яъни мантиқ фани ўрганади).

Инсоният тараққиётининг тарихий даврларида кишиларда ички руҳий имкониятлар юзага чиқа бошлаган, туғма майл ва лаёқатлар аломатлари аста-секин истеъдодга, қобилиятга айлана борган. Аммо бу жараён бирининг ўрнига иккинчиси механик равишда юзага келганлигини билдирмайди, аксинча, мураккаб сифат ўзгаришлар, органларнинг такомиллашуви, тажрибаларда тўпланган татбиқий билимлар тартибга солинаётганлигини ифодалайди. Инсоннинг жисмоний, руҳий, ижтимоий ривожланиши натижасида ер куррасида моддий дунё, маънавият, ёзув, санъат, адабиёт, фан, техника яратилган. Буларнинг замирида инсон тафаккури, онгли, ақл-заковати, кучли иродаси, мустаҳкам характери, ижодиёти ётади.

Инсоният тараққиётининг муайян босқичида одам ўзини ҳаяжонлантирган, таажжубга солган саволларга жавоб излаш имконияти вужудга келган. Бунинг натижасида инсон қандай фикрлайди, одам қандай янгилик яратиши мумкин, ижод қилиш қай йўсинда пайдо бўлади, моддий дунёни қай тариқа бўйсундириш мумкин, ақл-заковатнинг ўзи нима, инсонга унинг ички руҳий дунёси қайси қонунлар асосида бўйсунди, инсон ўзига ўзи таъсир ўтказа оладими, ўзгаларгачи каби турли-туман муаммолар ечимини қидиришга ҳаракат қилади. Мана бунинг барчаси психологик билимлар туғилиш нуқтасини вужудга келтиради ва ана шу дақиқадан бошлаб инсон ўзини ўзи англайди. Бинобарин, психологик билимлар намоён бўлиши ўзини ўзи англашни омилига айланади, бунинг натижасида инсониятнинг буюк ютуғи, яъни тафаккурнинг кашф қилинишига олиб келади.

“Психология” (юнонча psychelogos) сўзини ўзбек тилига таржима қилсак, у “жон, рух ҳақидаги фан, таълимот” деган маънони англатади.

Авваллари унинг фикри, хаёли ташқи дунёни эгаллашга қаратилган бўлса, тафаккур кашф қилинган даврдан бошлаб субъект-объект муносабати ўрнини субъект, яъни инсоннинг фикри ўзини ўзи англашга йўналтирилган муносабат эгаллай боради. Демак, инсон объектив дунёни субъектив тарзда акс эттириш орқали ўзини ўзи тадқиқ қилишдек мураккаб ишни амалга оширишга қарор қилади. Ана шу боисдан психология фанининг вазифалари кўлами кенгайди, ички таркибида кескин бурилиш ясаб, ўз предметига инсонни илмий жиҳатдан ўрганишдан ташқари ўзини ўзи англашни ҳам киритди.

Психиканинг таркибий қисмлари фаолият, ҳулқ, муомала яққол намоён бўлиш хусусиятига эга бўлса, билиш жараёнлари, руҳий ҳолатлар, ички кечинмалар, ижодий режалар, илмий фаразлар мияда мужассамлашгани учун улар кўзга кўринмайди. Руҳият ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун даставвал руҳий ҳодисалар моҳияти билан танишамиз. Одатда руҳий ҳодисалар деганда ички, субъектив тажриба фактларнинг намоён бўлиши тушунилади, бошқача сўз билан айтганда руҳият ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларида иборатдир. Ички, субъектив тажрибанинг ўзи нимани англатади? Инсондаги қувонч ёки зерикаш туйғулари, унинг нималарнидир эсга тушириши, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш, ҳадиксираш ҳисларининг барчаси шахс ички дунёсининг таркибий қисмларидир, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив руҳий ҳодисалар саналади.

Психологиянинг 300 га яқин соҳалари мавжуд. Ҳозиргача 20 дан ортиқ соҳалари тараққий этиб келмоқда. Жумладан, умумий, ёш, педагогик, тиббиёт, савдо, спорт, меҳнат, ижтимоий (социал), оила, методика, махсус, менежмент, психоллингвистика, парапсихология, мулоқот, экспериментал, психодиагностика, тараққиёт кабилар.

Ҳуқуқий психология психологиянинг фаолият мезони бўйича ажратилган соҳаларидан биридир. Давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш самарадорлигини оширишда ҳуқуқий психология муҳим аҳамият касб этади. Психология билимларини ҳар томонлама чуқур эгаллаш ва кўникмалар ҳосил

қилиш ҳуқуқшуноснинг юксак муомала маданиятини таъминлайди. Психологик маданият ҳуқуқшунослик фаолияти самарасини оширибгина қолмай, унинг инсонпарварлик моҳиятини намоён этади.

Ҳуқуқий психология (руҳият) – бу алоҳида ижтимоий гуруҳ, шахс ёки бутун жамиятда стихияли равишда вужудга келадиган ҳуқуқий туйғулар, ҳиссиётлар, кайфиятлар, фикрлар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқий онгнинг таркибий элементи.

Ҳуқуқий руҳият жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий муҳитнинг бевосита таъсири остида вужудга келади ва ҳуқуқий онгнинг бошланғич поғонаси ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг айнан шу даражасидан ҳуқуқий реалликни англаш, у билан дастлабки танишув бошланади. Жумладан, янги қонуннинг қабул қилиниши ёки эскисининг бекор қилиниши муносабати билан қувониш ёхуд дилсиёҳлик, юридик нормаларни қўллаш тажрибасидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатларидан кўнгил тўлиши ёки норозилик, юридик тақиқларнинг бузилишига муросасиз ёхуд лоқайд муносабат – буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий ҳиссиётлар (эҳтирослар) бўлиб, улар жамланиб, ижтимоий онгда ҳуқуқий руҳият муҳитини ташкил этади.

Лекин ҳуқуқий руҳият ҳаётнинг одатий даражаси ифодаси сифатида ҳуқуқий онг таркибида иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлар экан-да, деган хаёлга бориш ноўриндир. Зеро, ҳуқуқий руҳият – юридик унсур иштирокида юзага келадиган барча ижтимоий муносабатлар учун муайян даражада хос бўлган ҳуқуқни англашнинг энг оммавий шаклидир.

Айнан шундай ҳолатда ҳуқуқ ўзининг ижтимоий моҳиятини – инсонпарварлик, адолат, субъектларнинг расмий тенглиги ва ҳоказоларни намоён этади. Ҳуқуқнинг бу тавсифлари инсон ҳиссиётлари ва баҳоларини ифодалайди. Бинобарин, улар қонунларда қанчалик ўз ифодасини топиши, одамларнинг руҳий кайфиятларига қай даражада мос келишига қараб амалдаги қонунлар, бутун ҳуқуқни қўллаш тажрибаси самарадорлиги белгиланади.

Айни пайтда ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий таъсирнинг кўпинча пинҳоний, энг чуқур, бевосита идрок этиш қийин бўлган соҳасидир. Шунинг учун ҳам у кўп ҳолларда ҳуқуққа, қонунларга нисбатан шундай жавоб ҳаракатини тақозо этадики, бу билан бирон-бир қонун чиқариш дастурининг муваффақиятини белгилаб беради ёхуд унинг

инқирозига сабабчи бўла олади. Давлатнинг ҳуқуқий сиёсатида аҳолининг юридик руҳиятини инкор этиш кўплаб давлат тадбирларининг барбод бўлиши билан тугаганлигини кўрсатувчи далиллар мавжуд.

Бундан ташқари, таркибий жиҳатдан ғоят мураккаб бўлган юридик руҳият беихтиёр, англашмаган хатти-ҳаракатларнинг каттагина соҳасини – руҳий ҳодисалар ва жараёнларнинг бутун бир оламини ўз ичига оладики, улар таъсирини субъект ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Ҳуқуқий руҳиятнинг бир кўриниши сифатида англашмаган ҳаракат воқеликни билишнинг ички ҳиссиёт, руҳий жазавалар, ижтимоий асабийлашув (саросима) каби шаклларида, шунингдек сабаблари инсон томонидан идрок этилмайдиган интилишлар, хатти-ҳаракатлар ва мақсадларда ўз аксини топади.

Ҳуқуқий онг тузилишида ҳуқуқий психология дастлабки элемент вазифасини ўтайди, чунки инсонлар яратган ҳуқуқий ғоя ва назариялар дастлаб ҳис-туйғу ва кечинмалар босқичидан ўтиши аниқ. Ҳуқуқий онг таркибидаги ҳуқуқий психология стихияли тарзда, бир тизимга солинмаган қисм бўлиб, ҳар қандай инсоннинг ҳуқуқий борлиқ воқеа ва ҳодисаларига нисбатан бўлган муносабати, реакцияси сифатида намоён бўлади. Масалан, инсонларнинг янги қонунга нисбатан муносабати ёки одил судлов адолатлилик даражасига нисбатан бўлган муносабат.

Демак, ҳуқуқий руҳият ижтимоий онгнинг ҳуқуқий тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳасидир. Ҳуқуқ назарийгчилари ҳам, шунингдек тармоқ юридик фанлари мутахассислари ҳам уни ўрганиш билан доимий шуғулланиб келадилар⁹.

Ҳуқуқий онгнинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлган ҳуқуқий мафкура ҳақида сўз очишда, аввало, мафкура тушунчасининг мазмун моҳиятини ёритиб бериш муҳимдир.

Мафкура (арабча – “фикрлар мажмуи”) муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад – муддаолари ифодаланган ғоявий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимини ифодалайди.

⁹ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 916 б.

Хўш, мафкура нима, у қандай ғоялар асосида шаклланади ва қай тарзда жамиятни ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафкуралар баъзи миллатларнинг юксалишига сабаб бўлса, айримлари бутун-бутун халқларни инқироз ва таназзулга дучор этади?

Шу боис мафкура билан маънавият бир-бири билан узвий боғлангандир. Мафкура одамлар, халқларнинг мақсадини ифодалайдиган, уларни уюштириб, олға бошлайдиган ғоялар тизимидир. Бу ғоялар тизими тўла шакланса, мафкурага айланади.

Илмий адабиётлар ва амалиётда, “идеология” тушунчаси кенг тарқалган. Идеология ва мафкура шаклан фарқлансада, мазмунан синоним тушунчалардир. Мафкура ва ғоя ўртасидаги умумийлик – мақсад муштараклиги бўлса, жузъийлик – мақсад ва восита фарқидадир. Бу ўринда ғоя мақсадни, мафкура эса мақсадга эришиш воситасини ифода этади.

Мафкура назарий онгнинг бир кўринишидир, у мутафаккир, донишманд, сиёсатчилар томонидан кашф қилинмайди. Мафкуранинг пайдо бўлиши учун жамиятнинг ўзида эҳтиёж, талаб бўлиши шарт. Ушбу талаб, эҳтиёжсиз илм-фан ҳам, мафкура ижтимоий эҳтиёжлар маҳсули ҳамдир¹⁰. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг Асосий Қонунида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси)¹¹.

Мафкура жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий қарашларни шакллантириб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

биринчидан, давлат ва жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги фикр ва ғояларини ўзида мужассамлаштиради;

иккинчидан, фуқароларни, турли миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларни бирлаштиради;

учинчидан, давлат олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат ғояларини ўзида жамлаб, уларни фуқаролар орасида тарғиб этади;

¹⁰ Демократия: савол-жавоб/ Ўқув методик қўлланма. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.36.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.

тўртинчидан, мамлакат доирасида яшаётган кишиларнинг яратувчанлик, ижодкорлик фаолиятини ривожлантиради ва уларни жамият мақсадларига йўналтиради;

бешинчидан, халқнинг орзу-умидларини ўзида ифода эттиради, жамиятда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун жамият аъзоларини ҳаракатга келтиради.

Ғоя ва мафкуранинг фарқи: ғоя маълум бир мақсадга олға бошласа, мафкура бу мақсадни эътиқодга айлантиради, шу эътиқод асосида янгича дунёқарашни шакллантиради. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари ғоят муҳим аҳамиятга эга: “Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шону-шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб

Ҳуқуқий мафкура (идеология) – бу муайян ижтимоий гуруҳларнинг, жамиятнинг ҳуқуқий қарашлари, ғоялари, тасаввурлари ва талабларининг илмий тизимлаштирилган ифодасидир.

борадиган ғоялар тизимидир”¹².

Ҳуқуқий мафкура ғоялар, концепциялар, ҳуқуқий тамойиллар, ҳуқуқни ривожлантириш истиқболларини баҳолаш, ҳуқуқий актларни қабул қилишнинг мақсадлари, вазифалари кўринишида намоён бўлади. Ҳуқуқий мафкура ҳуқуқни билиш даражаси ва табиатига кўра ҳуқуқий руҳиятдан анча юқори туради. Агар ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий ҳодисаларнинг ташқи, кўпинча ҳиссий жиҳатини, муайян бир қисмини қайд этадиган бўлса, ҳуқуқий мафкура ҳуқуқнинг моҳиятини, ижтимоий мазмунини, табиатини очиқ беришга, уни мукамал маданий-тарихий фалсафа ва ақида кўринишида тақдим этишга интилади. Шу жиҳатдан Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси, давлат ва ҳуқуқнинг табиий-ҳуқуқий, позитивистик, марксистик таълимотлари, бошқа кўпгина ҳуқуқий концепциялар ҳуқуқий мафкурага ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистонда барқарор бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси ҳуқуқий мафкурага яққол мисол бўла олади. Бундай давлат ва жамият

¹² Миллий истиқилол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (ўрта махсус, касб-хунара таълим муассасалари учун дарслик). –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2003. – Б.86.

демократия, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инсонпарвар ва адолатли ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги ҳам умуминсоний, ҳам миллий тасаввурларга мос келиши керак. Мазкур ҳолатда ҳуқуқий давлат таълимоти миллий давлатчилигимизни ривожлантиришнинг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилади¹³.

Сиёсий-ҳуқуқий мафкурасиз ҳозирги замон юксак маданиятли жамиятини тасаввур этиб бўлмайди. АҚШ Конституцияси, ГФР Конституцияси, Франциянинг 1789 йилдаги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси юксак ғоявий-мафкуравий ҳужжатларга ёрқин мисол бўла олади. Улар Ғарб мамлакатлари демократик ва ҳуқуқий тизимларининг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий мафкура ҳуқуқий онг таркибида бош ва фаол элемент сифатида намоён бўлади, чунки унга тизимлашганлик, назарийлик, илмий жиҳатдан асосланганлик, кенг миқёслилик каби жиҳатлар хос. Демак, жамият ҳуқуқий онгининг муҳим таркибий қисмлари сифатида ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкуранинг ҳар бири ўз воситалари билан ҳуқуқий тартибга солишга ва умуман жамият ҳуқуқий маданиятида ҳуқуқий онг функциясини амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий онгнинг турлари ва даражалари. Ҳуқуқий онгнинг моҳиятини тўла тушуниб олиш учун унинг тузилишига эътибор қаратишимиз зарур бўлади. Айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқий онгнинг тузилиши масаласида илмий ва ўқув адабиётларда ўзига хос вазият мавжуд. Назарийётчилар ҳуқуқий онг тузилишида анъанавий равишда икки элементни: ҳуқуқий психология ва ҳуқуқий мафкурани ажратишларида бир фикрлиликни кузатиш мумкин. Бироқ ҳуқуқий онгнинг бу икки элементини ажратиш асослари ва мезонлари бўйича фикрлар турличалигини қайд этиш жоиз. Айрим олимлар ҳуқуқий онг элементлари билан ҳуқуқий онг даражалари ва турларини аралаштириб, уларни турли мезонлар асосида таснифланган ҳуқуқий онг турлари деб ҳам ҳисоблайдилар. Масалан, А.Н.Головистикованинг ёзишича, ҳуқуқий онгни турларга ажратиш бир қанча мезонлар асосида амалга оширилади. Шундай мезонлардан бири ҳуқуқий борлиқни ифода этишнинг характери ҳисобланади. Мазкур муаллифнинг ёзишича, ҳуқуқий онг субъектлари таркибига кўра, ижтимоий, жамоавий, гуруҳий ва индивидуал турларга ажралади. Ҳуқуқий онгни яна инсонлар томонидан қонун ва бошқа

¹³ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 916 б.

ҳуқуқий ҳодисаларни билишнинг чуқурлиги ва ҳар томонламалигига боғлиқ ҳолда одатий, касбий ва илмий ҳуқуқий онгга бўлиш мумкин¹⁴.

Ҳар бир инсон турли билиш қобилиятлари, шахсиятининг турли психологик кўринишлари оқибатида амалдаги ҳуқуқни ўзича қабул қилади, уни баҳолайди, қонуний ёки қонунга зид равишда хатти-ҳаракат қилиш истагини билдиради. Индивидуал ҳуқуқий онг фуқаролар томонидан юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар содир этилганда, ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилганда, қонуний манфаатлар ҳимоя қилинганда, турли кўринишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашда намоён бўлади.

Алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онги кўп жиҳатдан моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқишда иштирок этишига, ушбу неъматларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш усулларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг ижтимоий ҳуқуқий онги фаол ҳаётда жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар томонидан қабул қилинадиган мурожаатнома, декларация, дастурларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ижтимоий қатлам мафкурачиларининг илмий ва илмий-оммабоп нашрларида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Ижтимоий ҳуқуқий онг – бу жамият ёки унинг алоҳида ижтимоий табақалари, тоифалари томонидан илгари суриладиган ҳуқуқий тасаввурлар, тамойиллар, тушунчалар, назариялар, ҳиссиётлар йиғиндиси дир.

Ҳозирги жамиятнинг асосий ҳуқуқий тамойиллари сирасига мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, илмий, ижодий ва бошқа фаолият турларининг тенг ҳуқуқлилиги, инсонпарварлик, эркинлик, қонун устуворлигини тан олиш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий онг савиясига, яъни даражасига кўра одатий ҳуқуқий онг, илмий ҳуқуқий онг, профессионал (касбий) ҳуқуқий онгларга таснифланади.

¹⁴ Головистикова А.Н. Правосознание и правовая культура. / Проблемы теории государства и права. – Москва: Изд.ЭКСМО, 2005. –С.664-665

Одатий ҳуқуқий онг бевосита кишиларнинг ҳаётӣ шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётӣ тажрибалари асосида шаклланади. Унда руҳӣ элементлар, яъни ҳиссиётлар, эҳтирослар муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир инсон турли билиш қобилиятлари, шахсиятнинг турли психологик турлари оқибатида амалдаги ҳуқуқни ўзича қабул қилади, уни баҳолайди, қонуний ёки қонунга зид равишда хатти-ҳаракат қилиш истагини билдиради. Ҳатто бир хил шароитда ўқийдиган юридик олий ўқув юртлари талабалари турли ҳуқуқий онгга эга. Масалан, баъзи талабалар чуқур билимга эга бўлса, бошқалари ўртача билимли бўлади, айрим талабалар жамиятда амал қилаётган ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватласа, бошқалари бетараф ёки тескари муносабатда бўлади, учинчилари эса танқид остига олади ва ҳоказо.

Индивидуал ҳуқуқий онг фуқаролар томонидан юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар содир этилганда, ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилганда, қонуний манфаатлар ҳимоя қилинганда, турли кўринишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашда яққол намоён бўлади.

Илмий ҳуқуқий онг – ҳуқуқни тизимга солиб, назарий ўзлаштиришда ифодаланувчи ғоялар, концепциялар, қарашлардан иборат.

Ҳуқуқшунослар учун ҳуқуқий билимларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу билимлар фуқаролар даражасидан анча юқори бўлиши, ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари юзасидан маълумотларнинг кўлами, теранлиги, расмийлаштирилган моҳияти билан ажралиб туриши, энг муҳими улар ҳақиқатан ҳам шу билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Профессинал ҳуқуқшунослар онги сиёсий, ҳуқуқий қарашлар, билимлар, ҳис-туйғулар, қадриятлар ва ҳуқуқий онгнинг бошқа таркибий қисмларини ташкил қилувчи тизимлари сифатида намоён бўлади. Касб-кори ҳуқуқшунос бўлганларнинг ҳуқуқий онги қарор лойиҳалари, буйруқ, ҳукм, ажрим каби ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаганда рўёбга чиқади.

Профессинал (касбий) ҳуқуқий онг – ҳуқуқшунослар, яъни махсус юридик маълумот ва тайёргарликнинг амалий тажрибаси талаб қилинадиган касб эгалари ҳуқуқий онгидир.

Бундай ҳуқуқий онгга эга шахслар сифатида юридик йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари, олий юридик ўқув юртлари тизимида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқшунос олимларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳуқуқшунос олимларнинг индивидуал ҳуқуқий онгларини рўёбга чиқариш шакли монография ва рисоалар, мақола ва диссертация ишлари, ҳисоботлар саналади.

Ҳуқуқий онгнинг функциялари. Ҳуқуқий онгнинг аҳамиятини чуқур англаш учун унинг функциялари мазмунига эътибор қаратиш зарур. Шу ўринда функция категориясига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Функция сўзи инглизчадан “function” – “ижро” маъносини англатади.

Ҳуқуқ функциялари – бу ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларга ўтказадиган таъсирининг асосий ва бош йўналишларидир.

Илмий адабиётларда анъанавий тарзда ҳуқуқий онгнинг қуйидаги функциялари ажратилади: билиш-баҳолаш функцияси (гносеологик функция); ҳуқуқий моделлаштириш функцияси (прогностик-башорат қилиш функцияси); тартибга солиш функцияси (регулятив функция); ғоявий-тарбиявий функция¹⁵.

Ҳуқуқий онг функциялари – бу ҳуқуқий онгнинг инсон хулқ-атворини белгилашда тутадиган ўрнидан келиб чиққан ҳолда шаклландиган инсонларнинг ҳуқуқга нисбатан фаолияти ва муносабати, ҳуқуқий онгнинг ижтимоий ҳаёт, инсонлар фаолиятига ўтказадиган таъсирининг асосий ва бош йўналишларидир.

Ҳуқуқий онг функциялари ҳақида фикр юритганда, бошқа муаллифлар билиш функциясини баҳолашдан алоҳида қилиб кўрсатганлигини айтиб ўтиш лозим. Масалан, В.Н.Протасов ҳуқуқий онг функцияларини қуйидагича таснифлаган. Асосий функцияларга қуйидагилар киритилган: билиш функцияси; баҳолаш функцияси; тартибга солиш функцияси. Муаллиф асосий функциялардан ташқари

¹⁵ Дмитриев Ю.А. Правосознание и правовая культура. / Теория государства и права. Под. ред. А.С.Пиголкина. – Москва: Юрайт-Издат, 2006. – С.548; Головистикова А.Н. Правосознание и правовая культура. / Проблемы теории государства и права. – Москва: Изд.ЭКСМО, 2005. – С.660-661

яна ҳуқуқий моделлаштириш, прогностик ва тарбиявий функцияларни кўрсатиб ўтади¹⁶.

Энди ҳуқуқий онгнинг юқорида қайд этилган функциялари мазмунига эътибор қаратамиз. Ҳуқуқий онг функциялари ичида даставвал унинг билиш функциясини таҳлил этишни мантиқийлик қоидалари тақозо этади. **Ҳуқуқий онгнинг билиш функцияси** амалдаги ҳуқуқни, яъни ҳозирги замон ҳуқуқини ҳар тарафлама ўрганишни, унинг хусусиятларини, принципларини, асосий институтларини ҳамда жамиятдаги мавжуд бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро алоқасини ўрганишдан иборатдир. Айни пайтда ҳуқуқий онгнинг билиш функцияси амалдаги ҳуқуқни ўрганиш билан чекланмайди. У ўтмишдаги ҳуқуқни ҳам ўрганишни ўз ичига олади. Масалан, Хаммурапи қонунлари, Наполеон кодекслари, Темур тузуклари ҳақида ҳам муайян қараш, билимга ва муносабатга эга бўлинади.

Ҳуқуқий онгнинг билиш функцияси билан унинг баҳолаш функцияси узвий боғлиқ. **Баҳолаш функцияси** умумий тарзда амалдаги ҳуқуқга баҳо беришда ифодаланиб, у ўз ичига ҳуқуқнинг, унинг алоҳида институтларининг, алоҳида нормаларининг самаралилиги ҳақидаги баҳони, уларнинг аҳамияти, ҳаётда кераклиги, фуқаро манфаатига мослиги ё мос эмаслиги, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши, ўзида адолат, тенглик, эркинлик каби умуминсоний қадриятларини ифодалаганлиги нуқтаи назаридан бериладиган баҳоларни олади.

Билиш-баҳолаш функцияси бошқа ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатини, фаолиятини ҳуқуқга мослиги нуқтаи назаридан баҳолашни ўз ичига олади. Одамлар доимо амалдаги ҳуқуқга, атрофдагиларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвориға, ҳуқуқ муҳофаза қилувчи органлар, суд, прокуратура, нотариат, адвокатура, жамоат бирлашмалари, давлатнинг мансабдор шахслари, тadbиркорлар фаолиятига ижодий-танқидий баҳо бериб келадилар.

Ҳуқуқий онгнинг **ҳуқуқий моделлаштириш функцияси**¹⁷. Уни прогностик функция ҳам дейишади. Маълумки, ҳуқуқнинг яратилишида ҳуқуқий онгнинг ўрни жуда аҳамиятли. Шу боис ҳуқуқий онг ҳуқуқ яратишнинг бир инструменти, воситаси сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ яратиш жараёнида ҳуқуқий онгнинг роли бу

¹⁶ Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. – М.: Новый юристь, 1999. – С.90.

¹⁷ Головистикова А.Н. Правосознание и правовая культура. / Проблемы теории государства и права. – Москва: Изд.ЭКСМО, 2005. – С.660-661.

билан чекланмайди. Ҳуқуқий онг амалдаги ҳуқуқни такомиллаштириш, уни замон талаб ва эҳтиёжлари асосида мукамаллаштиришда йўлланма, мўлжал, белгилловчи ролини ўтайди.

Ҳақиқатан, янги ҳуқуқ яратиш ёки амалдаги ҳуқуқ нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, уларни такомиллаштириш ҳақидаги фикрлар, қарашлар дастлаб ҳуқуқ ижодкорлик жараёнида бевосита ва билвосита қатнашадиган тегишли субъектларнинг ҳуқуқий онгида вужудга келиб, шаклланади. Сўнгра ҳуқуқий онг орқали ўтган фикрлар тегишли тартиб ва асосларда ҳуқуқий нормаларда ўзининг ифодасини топади. Шу тариқа ҳуқуқий онг яхлит ҳуқуқий тизимнинг, унинг тармоқлари ва институтларининг келгуси ривожланишини олдиндан кўра билади ва йўналтиради. Масалан, ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги фикрлар дастлаб жамият аъзоларининг онгида, илмий фикрларда, монография ва мақолаларда, турли илмий анжуманларда қайта-қайта мушоҳада этилиб, қонун яратувчига етиб боради ва у тегишли тартиб ва жараёнлардан сўнг амалдаги ҳуқуқ тизимида ўзининг норматив ифодасини топади.

Шу ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг барча жараёнларида, барча ҳуқуқий воситалари ҳаракати давомида ҳуқуқий онг пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини бир организмга ўхшатсак, ҳуқуқий онгни “қон-томир” тизими дейиш мумкин. Чунки ҳар бир ҳуқуқий воситанинг самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳуқуқий онга боғлиқ бўлади. Шу боис, айтиш мумкинки, ҳар бир жамиятда амалдаги ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлиги бу жараённинг амалга ошишига дахлдор субъектларнинг ҳуқуқий онгига, умумий ва юридик маданиятига боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий онг функциялари ичида **тартибга солиш функцияси** ўзига хос ўрин тутади. Зотан, амалдаги ҳуқуқ нормаларига фуқароларнинг риоя этишларида юқори даражадаги ҳуқуқий онгнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қонун нормаларида мустаҳкамланган қоидалар ҳар бир ҳуқуқ субъектининг онгли иродавий фаолияти орқали рўёбга чиқади. Фуқароларда қонун нормаларига, унинг талабларига ҳурмат ҳисси, уларнинг тўғри ва зарурий қоидалар эканлигига ички ишончи қанчалик юқори бўлса, уларнинг ижро этилиши даражаси ҳам ўшанга монанд равишда бўлади. Жамияда ҳуқуқий онг даражаси қанчалик баланд бўлса, шунчалик қонунийлик кучаяди, инсонларда қонунларнинг зарурлиги

ва фойдалилиги ҳақида фикрлар мустаҳкамланади, уларда ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик ёндашуви мустаҳкамланади.

Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқ қўллаш жараёнидаги аҳамияти ҳам каттадир. Чунки ҳуқуқ қўллаш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатлари, кундалик эҳтиёжлари, турмуш ташвишлари ўзининг ечимини топади. Шу боис ҳуқуқ қўллаш субъектлари, давлат органларининг хизматчилари, суд, прокуратура, милиция ходимлари қўлларидаги ишни ҳал этишда қонунга асосланиб, мурожаат қилган фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор эканлигини назарда тутиб, қонуний йўл билан олинган далилий ашёлар асосида масалани ҳал этишлари керак. Мана шу жараёнда ҳуқуқ қўлловчи субъектнинг ҳуқуқий онги масаласи йўналтирувчилик ролини ўйнайди.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор бериш зарур бўлади. Ҳуқуқ қўлловчи амалдаги қонунлар ва уларнинг ҳаракат механизмини яхши билгани боис унинг имкониятларидан салбий мақсадларда фойдаланмай, балки айнан қонунларга мувофиқ унинг асосида ва доирасида ҳаракат қилиши, ишларни ҳал этиши талаб этилади. Шу боис ҳуқуқий онг ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга, қонунийликни мустаҳкамлашга давлат органлари ходимлари томонидан Конституциямизнинг 13-моддасида мустаҳкамланган “инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият” – бош қоидага риоя этишлари керак.

Ҳуқуқий онгнинг яна бир муҳим функцияси **ғоявий-тарбиявий функция**дир. Ҳуқуқий онг ҳаракати доирасида мазкур функциянинг аҳамияти эътиборга лойиқ. Чунки ҳуқуқий инсонда қонунга итоаткорликни, амалдаги ҳуқуқий норма ва қоидаларга риоя этиш зарурлигини, бундай хулқ-атвор нафақат ҳуқуқ субъекти учунгина эмас, балки жамият учун ҳам фойдали эканлигини чуқур англаб етиш ва ичдан ишониш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фуқаролар қонун нормаларига риоя этишлари учун улар қонуннинг жамият учун керак, зарур ва фойдали эканлигини, унда умумий манфаатлар мужассамлигини чуқур тушуна билишлари керак. Башарти, фуқарода қонунларнинг кераклиги, кадр-қиммати ҳақидаги фикри, ички ишончи чуқур бўлмаса, бу ҳолда турли ҳаётий ҳолатлар ва

вазиятларда қонунга итоаткорлик доирасидан чиқиб кетиш хавфи мавжуд бўлади¹⁸.

Ҳуқуқий онгнинг ғоявий-тарбиявий функцияси учун бутун инсоният учун қадрли бўлган умуминсоний кадриятларни тарғиб этиш хос. Адолат, қонунга итоаткорлик, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, муҳтожларга ёрдам каби асрий кадриятлар халқимизнинг азалий кадриятлари ҳисобланади ва улар бугуни кун ҳуқуқий тизимида ўзининг ифодасини топган.

1.2. Ҳуқуқий маданият: тушунчаси, тузилиши, даражалари

Адабиётларда маданият тушунчаси турлича талқин қилинади. Уларни умумлаштирадиган бўлсак, маданият кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимини билдиради.

Кўринадики, маданият инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва ўзлаштиришдаги фаолиятини ифодалайди. У инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Албатта, маданият жуда мураккаб, кўп қиррали маънавий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларини, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Умуман, халқ оммаси томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар маданиятга киради.

Маданият дейилганда меҳнат қуролларини яратиш, улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўникмалари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида турли билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий мажбурий ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий, фалсафий, диний ғоялар ва шу кабилар назарда тутилади.

Кишилик жамиятида ишлаб чиқаришнинг икки асосий тури: моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга – моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий

¹⁸ Қаранг: Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 48 б.; Дмитриев Ю.А. Правосознание и правовая культура. / Теория государства и права. Под. ред. А.С.Пиголкина. – Москва: Юрайт-Издат, 2006. – С.548.

маданият деганда ишлаб чиқариш жараёнида инсон томонидан яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча моддий бойликларни англаймиз. Моддий маданиятнинг ўзи бир қатор турларга: ишлаб чиқариш ва техника маданияти, деҳқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, муҳандислик маданияти, пазандачилик маданияти ва бошқаларга бўлинади.

Маданиятнинг иккинчи тури – бу маънавий маданиятдир. Унга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолияти натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳият оламидир.

Маданият – умуминсоний ҳодиса, у барчага баробар. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчага тегишли.

Маълумки, жамиятнинг маънавияти, маданияти, шу жумладан ҳуқуқий маданияти ниҳоятда мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодисадир. Жамиятнинг маданияти умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тарихан шаклланган тизими бўлиб, унга мувофиқ равишда ҳаёт тарзи қарор топади ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Ҳуқуқий маданият алоҳида муҳим ижтимоий ҳодисадир. Уни ташкил этувчи аниқ жиҳатларни тасаввур этмоқчи бўлсак, бу моҳиятан, ҳуқуқий тафаккур, юридик техника ва ҳуқуқий амалиёт ютуқларини қамраган ҳаракатдаги барча ижобий ҳуқуқий ҳаёт ҳодисаларнинг йиғиндиси эканлигини англаш лозим¹⁹.

Ҳуқуқий маданият деганда, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти, унинг ҳуқуқий воқелиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг ривожига эришилган маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими ҳамда унга мувофиқ тарзда қарор топадиган қонунга итоатгўйлик ва мамлакатда ҳуқуқий-тартибот муҳитини ўрнатиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг амалга оширилиши тушунилади.

¹⁹ Сальников В.П. Правовая культура / Общая теория права. Под общ.ред. проф. В.К.Бабаева. – Ниж. Новгород, 1993. – С.500-502.



“Хуқуқий устқурма”, “хуқуқ тизими” ва “хуқуқий маданият” тушунчаларини уларнинг назарий юки ва белгиланган ижтимоий вазифасига кўра фарқлаш зарур. Хуқуқий устқурма категорияси хуқуқий ҳодисаларнинг ижтимоий тузумдаги ўрнини, биринчи навбатда, жамиятнинг иқтисодий негизига нисбатан муносабатини очиб беради. Хуқуқ тизимининг тушунчаси эса, аввало, хуқуқий ҳодисаларнинг ички боғланишларини, уларнинг вужудга келишини, тузилишини ифодалаш учун ҳамда хуқуқий устқурма элементларининг яхлитлиги ва уни узвий тизим деб ҳисоблаш имкониятини берадиган ички алоқалар зарурлигининг кўрсаткичи сифатида қўлланилади. “Хуқуқий маданият” тушунчаси эса кўпроқ хуқуқий воқеликнинг аҳамиятлилики даражасини, унинг тобора ривожланиш ҳолатини, унга маданий тараққиёт ютуқлари сингиб боришини тавсифлайди. Зеро, фуқаролик жамиятининг хуқуқий маданияти шахс эркинликлари ва хавфсизлигини, инсон хуқуқларини таъминлаш шарти, унинг хуқуқий ҳимояланганлиги ва фуқаровий фаоллигининг кафолати ҳисобланади, ҳокимиятни инсоннинг хуқуқий мақомини таъминлашга сафарбар этади. Шунингдек, хуқуқ тизими, хуқуқий маданият ва хуқуқий тартибга солиш механизми категорияларини улар ҳажмининг қамровига қараб фарқлаш керак бўлади.

Хуқуқий маданият кенг қамровли, серқирра, сермаъно ҳодиса бўлганлиги боис, уни биргина таъриф доирасига сиғдириш мушкул. Юқорида таъкидланган белги ва хусусиятлардан ташқари хуқуқий маданият қуйидаги жиҳатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради:

– хуқуқий воқеликни англаш, яъни хуқуқий онгнинг муайян ҳолати;

– умумий маданий шарт-шароитлар, жамиятнинг маърифийлик даражаси;

– аҳолининг ҳуқуқни, қонунларни билиш даражаси, ҳуқуқ нормаларига юқори ҳурмат даражаси, уларнинг нуфузи;

– ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларининг юқори сифати;

– ҳуқуқий фаолиятнинг, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, бошқарув ва бошқа фаолиятнинг самарали усуллари;

– фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга сўзсиз итоаткорлиги.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий маданият амалдаги қонунчилик асослари борасидаги муайян билимни, ундан фойдаланиш кўникмасини назарда тутати. Жамият ҳуқуқий тизими ҳамда амалдаги қонунчилик ҳақида зарурий билимларга эга бўлмасдан туриб, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошира олмайдилар ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдилар.

“Ҳуқуқий маданият” ибораси жамият ҳуқуқий тизимини, ҳуқуқий усткурмасини тавсифлаш учун қўлланилади. Жамият ҳуқуқий маданиятини таҳлил этишда асосий эътибор ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланиш даражасига, ҳуқуқий кадриятларнинг, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таърифи ва изоҳига, жамиятда фуқаронинг муҳофазаланганлик ҳолатига қаратилади. “Ҳуқуқий маданият” тушунчаси муайян жамиятда ҳуқуқий ҳаётнинг “сифатига” бериладиган баҳони, уни бошқа илғор ҳуқуқий андозалар, идеаллар ва кадриятлар билан қиёслашни назарда тутати.

Академик Ш.З.Ўразаевнинг талқинига кўра, “ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий тизимнинг етуқлигини, ривожланганлигини, қонунийликнинг ҳолатини, кишиларнинг ҳуқуқий талабларга, қонунга муносабатини, аҳоли кенг оммасининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини, уларнинг ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини қамраб олувчи кенг тушунча” дир²⁰.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш, ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқий талабларни билиш ҳамда уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга оид барча масалалар кишиларнинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир.

Юқорида эътироф этилганидек, жамиятнинг ҳуқуқий усткурмасида ҳуқуқий маданият ҳодисаси, ҳуқуқий ҳаётнинг

²⁰ Уразаев Ш.З. Перестройка и правовая культура. – Ташкент: Фан, 1988. – С.5-6.

даражаси алоҳида муҳим ўрин тутлади. Юридик, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий адабиётда ҳуқуқий маданиятнинг кўпгина таърифлари келтирилади. Уларнинг талқини ва таҳлилига эътибор қаратиш тадқиқот мавзуси бўйича методологик ўзакни белгилаб олиш имконини беради. Хусусан, В.И.Каминская ва Р.А.Ратиновлар ҳуқуқий маданият тушунчасига “ҳуқуқнинг амал қилиш жабҳасига дахлдор бўлган моддий ва идеал элементлар тизими, уларнинг одамлар онги ва хулқ-атворидаги инъикоси”²¹, деб таъриф берадилар. В.П.Сальников ҳуқуқий маданиятни шахс ва жамиятнинг ҳар хил ҳолатларга кўра тизимга солиниши лозим бўлган ҳуқуқий ҳолати сифатида идрок этилиши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодиса, деб тавсифлайди²². Р.И.Хачатуровнинг фикрича, ҳуқуқий маданият деганда жамият ҳуқуқий ҳаётининг бутун ижтимоий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузум билан белгиланган, ҳуқуқий фаолият, юридик ҳужжатлар, ҳуқуқий онгининг эришилган ривожланиш даражасида ва умуман субъект (инсон, турли гуруҳлар, бутун аҳоли)нинг ҳуқуқий ривожланиш даражасида, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва фуқаролик жамияти томонидан қафолатланганлик даражасида ифодаланувчи ҳолати тушунилади²³. Ҳуқуқшунос олима Е.В.Аграновскаянинг фикрича, ҳуқуқий маданият – бу юридик ҳуқуқлар ва бурчларнинг муҳимлиги, зарурлиги ва ижтимоий аҳамияти хусусида ҳуқуққа, қонунийликка, ҳуқуқий тартиботга нисбатан ижобий муносабатни шакллантирувчи, ҳуқуқий жабҳада ижтимоий фойдали хулқ-атвори таъминловчи қарашлар, баҳолар, эътиқод ва мўлжаллар тизимидир²⁴.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий борлиқнинг ўзига хос усуллари (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иши, конституциявий назорат ва ҳ.к.)ни²⁵, ҳуқуқий фаолияти натижаси бўлган қонунлар ва қонунчилик тизимлари ҳамда суд амалиётини ўз ичига олади. Қонунларнинг яратилиши ҳам ҳуқуқий маданият маҳсули, ҳуқуқий қадрият сифатида тушунилиши лозим. Зотан, ҳуқуқий маданият – жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва жамият томонидан қафолатланганлик даражаси, шунингдек жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқни билиши,

²¹ Морозова Л.А. Теория государства и права/ Учебник. – М.: Юристь, 2005. – С.369.

²² Сальников В.П. Социалистическая правовая культура. Методологические проблемы. – Саратов, 1989. – С.74

²³ Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политико-правовое исследование. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Казань, 2005. – С.7-8.

²⁴ Аграновская Е.В. Правовая культура и обеспечение прав личности. – М., 1988. – С.15.

²⁵ Общая теория государства и права: Учебник для юридических вузов / Ю.А.Дмитриев, И.Ф.Казьмин, В.В.Лазарев и др. / Под общ.ред. А.С. Пиголкина. – М., 1996. – С.150

тушуниши ва унга риоя этиши намоишидир²⁶. Ҳуқуқшунос олим Э.Қодировнинг фикрича, ҳуқуқий маданият ижтимоий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у шахснинг ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий институтлар таъсирида, миллий менталитет асосида миллий ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини замон талаблари даражасида ўзлаштирганлиги, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ижтимоийлашуви, шунингдек ўз ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги индивидуал ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий хулқ-атворнинг амалдаги йиғиндисидир. Бунда олимнинг фикрича, ҳуқуқий маданият тушунчаси соф ҳуқуқ доирасидан четга чиқиб, қатъий тартиб интизом, шахсий жавобгарлик жамиятда чинакам ижтимоий адолат ўрнатиш, жамият ҳуқуқий ҳаётининг энг муҳим томонларига дахлдор қадрият сифатида аҳамиятга молик бўлган хулқ-атвор қарор топишига сабаб бўлади²⁷.

Ҳуқуқий маданият тушунчасини таърифлашга нисбатан бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Бироқ барча таърифларда ҳуқуқий маданият инсон ва унинг фаолиятига, ушбу фаолиятнинг ижобий йўналиши ҳамда илғор тафаккур билан узвий боғлиқ ижтимоий ҳодиса сифатида тавсифланади.

Ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни масаласига келсак, ҳуқуқшунос олимлар орасида бу хусусда ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Масалан, В.П.Сальников ҳуқуқий маданиятнинг мазмунига жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор андозаларини, шунингдек ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик, субъектларнинг қонуний фаолиятини киритади²⁸. Бунда у ҳуқуқий маданиятнинг функционал жиҳатига алоҳида эътибор қаратади ва ҳуқуқий жабҳадаги бевосита фаолият ҳамда ноҳуқуқий хусусиятга эга, бироқ ҳуқуқнинг амал қилиши билан боғлиқ фаолият (ҳуқуқий ғоялар, ёндашувлар, туйғуларни акс эттирувчи телевидение, журналистика, кино, адабиёт ва ҳ.к.)ни фарқлайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий маданият мазмунига шунчаки қонунийлик, ҳуқуқий онг эмас, балки уларнинг ривожланиш даражаси ҳам киради. Шунингдек, аҳоли ҳуқуқий онгининг юксаклиги, яъни аҳоли ҳуқуқдан қай даражада хабардорлиги, ҳуқуқий қадриятларни қай даражада ўзлаштирганлиги, ҳуқуқий фаолиятнинг қанчалик ривожланганлиги, жамият аъзоларининг

²⁶ Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Хрестоматия: Учебное пособие. – М., 1998. – С.372.

²⁷ Қадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари(академик лицей ва касб-хунар коллежлари мисолида). Юрид. фан докт. дисс... Автореферати. –Т., 2019. – 62 б.

²⁸ Сальников В.П. Правовая культура сотрудников органов внутренних дел. – Ленинград, 1988. – С.26-27.

ҳуқуқи мустаҳкамланган қонун ҳужжатларининг мукамаллиги ҳам ҳуқуқий маданият мазмунига мансуб бўлади. Уларнинг орасида давлат қонунчилиги ўта муҳим аҳамият касб этади²⁹. Жамият ҳуқуқий маданияти даражасини ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳам акс эттиради. Ҳуқуқий маданиятнинг ушбу элементлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқаларида ҳам намоён бўлади, шу сабабли уларнинг фарқланиши шартлидир.

Муайян социологик нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти қуйидагиларни:

– ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қонун даражасига кўтарилган хоҳиш-иродасини ифодаловчи нормалар тизимини;

– ҳуқуқий борлиқнинг маънавий инъикоси тизими сифатидаги ҳуқуқий онгни;

– ҳуқуқий муассасалар, ҳуқуқий назорат ва ҳуқуқни амалга оширишни таъминловчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари тизимида фаолият юритувчиларнинг ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлик даражасини;

– ҳуқуқий хулқ-атвор ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ўз ичига олади.

Одатда ҳуқуқий маданият мазмунида ҳуқуқ ҳақидаги билим, ҳуқуққа муносабат, ҳуқуқий хулқ-атвор кўникмалари ифодаланади. Шундай қилиб, юксак ҳуқуқий маданиятга эга инсон қонунчилик борасида мўлжал олиши, ижобий ҳуқуқий онга эга бўлиши, ҳуқуқни онгли тарзда ҳурмат қилиши, зарур ҳолда, шу жумладан, низоли вазиятларда уни тўғри амалга ошира билиши лозим. Бинобарин, ҳуқуқий маданият тафаккур услуби, меъёр, хулқ-атвор андозаси, умуман олганда жамиятнинг ҳуқуқий менталитетидир.

Ҳуқуқий маданият – бу кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиши ва унга риоя қилишидир.

Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Шу боис, **ҳуқуқий маданият** деганда, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти, унинг ҳуқуқий воқелиги, норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг ривожига эришилган даражасини ифодаловчи маънавий–ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими ҳамда унга мувофиқ тарзда қарор топадиган қонунга итоатгўйлик ва мамлакатда ҳуқуқий–тартибот муҳитини ўрнатиш учун ижтимоий

²⁹ Семитко А.П. Правовая культура общества // Правоведение. – М., 1997. – №4. – С.9.

муносабатларни тартибга солишнинг амалга оширилиши тушунилади.

Субъектив таркибига кўра шахс (индивидуал), гуруҳ, жамият ҳуқуқий маданиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ҳуқуқий маданиятга эга шахс: 1) юридик нормаларни муайян даражада билиши; 2) ижобий ҳуқуқий онг эгаси бўлиши, яъни ҳуқуқни ҳурмат қилиши; 3) ҳуқуқни ҳурмат қилишга асосланган хулқ-атвор билан тавсифланади.

Шахс ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқдан лозим даражада хабардорликни назарда тутати.

Бинобарин, шахс ҳуқуқий маданияти – бу ҳуқуқий билимлар, ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабат ва қонуний хулқ-атвор бирлигидир. Амалий тажриба, атроф-муҳит, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар ҳуқуқий билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар шахснинг маълумот даражаси, ёши, касб-кори ва шу кабиларга бевосита боғлиқдир. Қонунни билиш қонуний хулқ-атвор омили ҳисобланади. Шахснинг юксак маънавий фазилатлари, қонуний хулқ-автор кўникмалари ва ҳуқуқий фаоллигисиз юксак ҳуқуқий маданиятни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Гуруҳ ҳуқуқий маданияти айрим ижтимоий гуруҳларга, хусусан, профессионал юристларга хос. У мазкур гуруҳнинг ҳуқуқий онгига боғлиқ. Унга жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий кадриятлар, айрим шахсларнинг ҳуқуқий интилишлари бевосита таъсир кўрсатади. Гуруҳий ҳуқуқий маданият айрим ижтимоий гуруҳларга, аввало, профессионал юристларга хос. У мазкур гуруҳнинг ҳуқуқий онгига боғлиқ. Унга жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий кадриятлар, айрим шахсларнинг ҳуқуқий интилишлари бевосита таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти гуруҳий маданиятнинг мустақил ва жуда муҳим қисмини ташкил этади³⁰. У ўқув юртларида ва жамоат бирлашмаларида шаклланади. Айрим ҳолатларда мазкур ҳуқуқий маданият жамиятга нисбатан маргинал хусусият касб этади, унда умумий эътироф этилган хулқ-атвор нормаларидан четлашиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Ҳуқуқшунос олим Э.Қодировнинг фикрича, ёшлар ҳуқуқий маданияти адолат, аҳиллик, инсоф,

³⁰ Қаранг: Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодежи. Автореф. дисс... канд.юр.наук. –Т., 2000. –24 с.; Хамраев А.У. Правовая культура личности. Автореф. дисс... канд. юрид. Наук. –Т., 1999. –21 с.; Кадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари(академик лицей ва касб-хунар коллежалари мисолида). Юрид. фан докт. дисс... Автореферати. –Т., 2019. –62 б.

масъулият, фаоллик, шаън, ғурур ва қадрият каби ижтимоий маданиятнинг элементлари асосида шаклланадиган ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий ижтимоийлашуви натижасидир. Маданиятнинг ушбу тури ёшларнинг қонунларга муносабати, ҳуқуқий саводхонлик даражаси, ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини англатадиган, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий хулқ-атворни ёш хусусиятига кўра ўзида мужассам этадиган тушунча³¹.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти – бу жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисмидир. У ўз ичига ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хулқ-атвор ҳамда ҳаракатларнинг барча турларини қамраб олади. У ижтимоий онг даражаси, қонунчиликнинг ҳолати ва хусусияти, мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамлик даражаси билан белгиланади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳоли маданиятининг сиёсий, маънавий, эстетик ва бошқа турлари билан ўзаро алоқадор ҳамда инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқлиги, ривожланганлиги ва таъминланганлиги; қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланади.

Юқоридагилар билан бирга, субъектларнинг ҳуқуқий маданияти савиясига (даражасига) кўра унинг одатдаги, профессионал (касбий), назарий турларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Одатдаги даража ҳуқуқий маданият кишиларнинг кундалик ҳаёт доираси билан чегараланади. Кишилар ундан ўз кундалик фаолиятида субъектив ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, юклатилган вазифаларни бажаришда фойдаланадилар.

Касбий даражадаги ҳуқуқий маданият юридик фаолият билан ўз касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида доимий шуғуланувчи шахсларга хосдир. Мазкур даража ҳуқуқни билиш ва ҳуқуқий муаммолар, ҳуқуқий фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Касбий-ҳуқуқий маданият – бу махсус юридик билимга эга бўлиш, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек ҳуқуқ манбаларини чуқур билиш, ҳуқуқ принциплари ва ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини

³¹ Кадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мисолида). Юрид. фан докт. дисс... Автореферати. –Т., 2019. – 62 б.

тўғри тушуниш, ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётига нисбатан касбий ёндашув, яъни муайян амалий фаолиятда ҳуқуқни англашнинг юксак даражасидир. Тегишли равишда ҳар бир юрист учун бу касбни ўзлаштириш ва махсус тайёргарлик даражаси касбий-ҳуқуқий маданиятнинг талабидир. Юристарнинг ҳуқуқий, шу жумладан касбий-ҳуқуқий маданиятига икки хил нуқтаи назардан: нисбий (аксиологик) категория сифатида ва мазмунли категория сифатида ёндашиш мумкин. Биринчи ёндашувда у ривожланишнинг ҳар бир муайян босқичида жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифат ҳолати тарзида тушунилади. Бу умуман ҳуқуқий ҳаётни ва ҳуқуқий фаолиятнинг асосий жабҳаларини қамраб олиш ва баҳолаш имконини беради.

Назарий даража – бу нафақат ҳуқуқни билиш, балки унинг теран хоссалари ва қадриятлари, амал қилиш механизми, ҳуқуқнинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни тушунишнинг юксак даражасидир.

Ҳуқуқий маданиятнинг учала даражаси ҳам жамият ҳаёти ривожланиши учун муҳимдир. Бироқ касбий ҳуқуқий маданият алоҳида аҳамиятга эга, чунки у барча давлат муассасалари ва бутун давлат аппаратининг ишини белгилайди. Назарий ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти шундан иборатки, у ўзида юридик фаннинг ривожланиш даражасини акс эттиради. Юридик фан мамлакат юридик ҳаётининг ривожланиш стратегияси ва тактикасини белгиловчи давлат ҳуқуқий сиёсатини шакллантиришнинг илмий заминини ташкил этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов қайд этганидек, “ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир”³².

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти – бу жамият яратган маънавий қадриятларнинг таркибий қисмидир. У ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ хулқ-атвор ва ҳаракатларнинг барча

³² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.175.

турларини қамраб олади. Жамият ҳуқуқий маданияти ижтимоий онг даражаси, қонунчиликнинг ҳолати ва хусусияти, мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тартиботнинг мустақамлик даражаси билан белгиланади. У аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳоли маданиятининг сиёсий, маънавий, эстетик ва бошқа турлари билан ўзаро алоқадор ҳамда инсон (фуқаро) ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқлиги, ривожланганлиги ва таъминланганлиги; қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланади.

Ҳуқуқий маданият – бу аслини олганда, одамлар ижодий-назарий ва амалий фаолиятининг ўзига хос маданий-ҳуқуқий ифодасидир. Ўз ўрнида дунё фанида маданиятга нисбатан мавжуд бўлган барча ёндашувларни уч гуруҳга: антропологик, социологик ва фалсафий, бўлиш мумкин³³.

Антропологик ёндашувда маданият, табиат яратганидан фарқли равишда, инсон томонидан яратилган барча неъматлар мажмуи сифатида тушунилади.

Социологик ёндашувда маданият маънавий қадриятлар мажмуи сифатида изоҳланади ва бунда маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида таърифланади. Ва ниҳоят, фалсафий ёндашувда маданият ҳодисалар ижтимоий ривожланишга боғлиқ бўлмаган, соф таҳлилий ҳолда ажратилиб талқин этилади.

Жамият ҳуқуқий маданияти ҳуқуқнинг ўзига, ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий муносабатларга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига, юридик воқеликнинг таркибий қисмлари амал қилиши ва ривожланишида уни сиёсий жиҳатдан баҳолаш мезонларига, шунингдек бошқа ҳуқуқий фаолиятга сингиб кетади. Ҳуқуқий маданият шаклланиб бораётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат шароитида ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий устқурманинг амал қилиш механизмига тобора қўшилиб боради. Аммо уларни инсон иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий маданиятни инсонсиз ва унинг дунёқараши билан белгиланадиган фаолиятсиз, ушбу фаолият ва тафаккурнинг илғор йўналишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, инсон ҳуқуқий воқеликнинг амал қилиши ва ривожланишида намоён бўлувчи, яққол ифодаланган ижтимоий шахс сифатида иштирок этади. Бунда эътиборни шахс ва жамиятнинг истиқболли ривожланишига қаратиш

³³ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. –Т.: ИИВ Академияси, 1998. – Б.28-29.

жуда муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт билан умумий боғлиқ ҳолдагина тўла намоён бўлиши мумкин. Чинакам маданиятни ўтмишдаги энг яхши нарсаларнинг мерос бўлиб ўтишисиз ва ҳозирги вақтда унинг ижобий йўналишда амал қилишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Акс ҳолда ҳуқуқий маданият ўз мазмунидан маҳрум бўлади.

1.3. Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга оид ташкилий-ҳуқуқий асосларнинг ривожланиши

Жамиятда аҳоли ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Бинобарин, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, уларнинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик хисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишининг муҳим омилдир.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи воситадир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас тарқибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Ҳуқуқий маданият фуқаролар томонидан амалдаги қонунчиликка юксак ҳурмат, уларга тўлиқ риоя этиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлишда ифодаланадиган ижтимоий маданиятнинг ўта муҳим шакллари билан биридир. Айниқса, ҳуқуқий давлатни барпо этиш биринчи навбатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан бошланади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасидаги ислохотларнинг қуйидаги босқичларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи босқичда (1991 – 1996) маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унинг мафкураси сингдирилган дастурлар, дарсликлар, тадқиқотлар, бир сўз билан айтганда, эски тизимдан воз кечиш ишлари амалга оширилди. Шу билан биргаликда мустақиллик мафкураси, ҳуқуқий демократик давлат талабларига жавоб берувчи янги фан ва таълим тизими яратилди. Собиқ тузум даврида юридик фанни, аниқроқ қилиб айтганда миллий давлатчилик ва ҳуқуқимизнинг вужудга келиши, ривожланиши ва истиқболнинг қонуниятларини тадқиқ этиш мумкин эмас эди. Шу боис бу босқичда сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий ҳуқуқ масалалари, халқаро ҳуқуқ масалалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш учун тегишли норматив-ҳуқуқий база, институционал тузилмалар яратилди.

Иккинчи босқич (1997 – 2000). 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар билан учрашганда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов юридик фан ва таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг малакаси, онги ва тафаккури ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: “Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир”³⁴.

Мазкур босқичда юридик фан ва таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди: фан соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиш; тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориғ қилиш; илмий тадқиқотларнинг ўзаро узвийлиги, узлуксизлиги ва мувофиқлашишини таъминлаш; фундаментал, назарий тадқиқотлар-изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус академик жамғарма ташкил этиш; мамлакатимизда фундаментал тадқиқотлар

³⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.25.

кўламини кенгайтириш, узоқни мўлжаллаб, олис истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутиш; илмий-тадқиқотлар натижаларини ҳаётга татбиқ этиш; фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш; ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш; давлат томонидан энг асосий устувор тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш; таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиш; сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурларини яратиш; одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантириш; барча ўқув юртларининг таҳсил дастурларига “Инсон ҳуқуқлари” махсус курсини киритиш, шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик ғоясига бўйсундириш; юридик таълим тизимини жиддий тарзда ислоҳ қилиш; юридик олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишни анча кенгайтириш; юристларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ўқув марказини ташкил этиш; юридик таълим ва илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан уйғунлигини кучайтириш; ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; узлуксиз юридик таълим тизимининг мажбурий босқичига айланишини таъминлаш; ўқув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши ва фуқаролар жамияти шаклланиши масалаларига, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларига жиддий эътибор қаратиш; юридик олий ўқув юртларида ёшларга таълим бераётган профессор ва ўқитувчиларимизнинг онги ва тафаккурини ўзгартириш, малакасини ошириш; эски дастур ва дарсликлар ўрнига янгиларини яратиш ишларини тезлаштириш; чет эл мутахассисларини таклиф этиш.

Бу даврдаги белгилаб берилган ислоҳотларнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 август), Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил 29 август), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони, 1997 йил 25 июнда “Ҳуқуқий тарбияни

яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги, 1997 йил 6 октябрда “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги, 1997 йил 11 ноябрдаги “Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги, “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги қарори, “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январда қарори, “Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1998 йил 11 мартдаги қарори, 1999 йил 7 апрелда “Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 1999 йил 20 июлда “Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маошини ошириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фаолиятини эркинлаштириш ва самарали ривожланишини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 июндаги қарори қабул қилинди.

Учинчи босқич (2001 – 2004). Ушбу босқичда таълим жараёни ҳамда юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқшунослик фанини замон талаблари асосида ташкил қилишга асосий эътибор қаратилди. Мазкур босқичда юридик фан ва таълимни ривожлантиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди: ҳуқуқшунослик соҳасида кадрларни замон талабларига мос ҳолда тайёрлаш; малакали ҳуқуқшунос кадрларни тарбиялашда эскича услуб, тафаккур билан ёндашишдан воз кечиш; ўқув дастурларининг мазмунини ҳуқуқнинг янги устувор йўналишларини ўзида қамраб олишини таъминлаш; профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш услуги ва энг асосийси тафаккур тарзини янгича қараш ва ёндашувлар асосида ўзгартириш; ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш; жойларда етарлича илмий салоҳият бўлмагани ҳолда олий маълумот берувчи олий ўқув юртлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш; Адлия вазирлиги ва юридик кадрлар тайёрлайдиган бошқа ўқув ва илмий марказлар томонидан юридик кадрлар тайёрлашга қўйилаётган талабларни қайта кўриб чиқилишини таъминлаш; Тошкент давлат юридик институтининг

жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланишига эришиш; Тошкент давлат юридик институтининг ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очик ва кенг баҳс-мунозаралар олиб бориладиган, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланадиган марказга айланишига эришиш.

Бу даврдаги белгилаб берилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш мақсадида 2001 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2003 йил 16 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралда “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, 2002 йил 4 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2004 йил 13 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида”ги фармойиши, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 сентябрдаги қарори, “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 20 июлдаги қарори каби қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Тўртинчи босқич (2005-2016 йиллар). Бу босқичда мустақил ривожланиш йилларида тўпланган амалиётни таҳлил этиш ва умумлаштириш, ривожланган давлатларнинг юридик фан ва таълим бўйича тажрибаларини чуқур тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврдаги белгилаб берилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий

базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ПҚ – 24-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш зарурки, ҳуқуқий таълим тизимида олий юридик билим юртларининг ўрни ва роли каттадир. Мамлакатимизда олий ҳуқуқий таълим фаолиятининг натижасини ўзида ифодалайдиган юридик кадрларни тайёрлаш давлатимизнинг диққат марказида турган масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сонли “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда ўтказилаётган демократик давлат-ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қарорга кўра Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилиб, у олий юридик таълим тизимида етакчи ўқув муассасаси мақомига эга бўлди. Шунингдек, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви, жиноят ҳуқуқи ва процесси, фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), халқаро, халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқ ва юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал базавий, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлайдиган дастур ва ўқув режалари асосида бакалаврлар, магистрлар тайёрлаш; давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, ушбу соҳадаги халқаро тажрибани ўрганиш; талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва

онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш кабилар университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ўқув жараёнини таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда талабаларда таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил қилиш ва юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Энг муҳими талабаларда мустақил мушоҳада, таҳлилий ёндашув кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган дарс ўтишнинг энг замонавий шакли – модуль тизими жорий этилди. Айти пайтда талабалар билимини баҳолашнинг бутунлай янгича тизимига ўтилди. Ушбу тизимнинг моҳияти талабалар билимини баҳолашда субъективизм ҳолатларининг олдини олишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Бешинчи босқич (2016 – ҳозирги кунга қадар). Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шубилан бирга, бугунги кун талаблари юқорида қайд этиб ўтилган жамиятда ҳуқуқий таълим тизимини , ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ – 5618-сон фармонида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги кўрсатиб ўтилган:

1. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида

қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

2. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

3. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

4. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

5. Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

6. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларида, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти³⁵.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон билан бир катор янгиликлар жорий этилмоқда. Ҳужжатга мувофиқ жамиятда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 январгача қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда кўшимча ҳуқуқий маълумотлар етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет портали, шунингдек 2019 йил 1 июлгача аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz

³⁵ <http://uza.uz/oz/documents/zhamiyatda-u-u-iy-ong-va-u-u-iy-madaniyatni-yuksaltirish-tiz-10-01-2019>

ҳуқуқий ахборот тизими яратилади. “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони таъсис этилади. Мазкур нишон билан ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳисса қўшган шахслар тақдирланади.

Фармонга кўра, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланди. Концепция доирасида болалар учун махсус ҳуқуқий портал яратилади. Шунингдек, оилада ҳуқуқий саводхонликни оширадиган, кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма бепул тарқатилади. Маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот куни” ташкил этилади. Таълимнинг барча босқичида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ҳамда “Инсон ҳуқуқларини ўрганиш” махсус ўқув курслари бўйича ўргатиш жорий этилади. Ёшлар орасида “Street law” (“Кўча ҳуқуқи”) лойиҳасини жорий қилиш учун ҳуқуқшунос талабалар, юридик коллежлар ўқувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларида иборат кўнгиллилар гуруҳи шакллантирилади. Ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий саводхонликнинг минимал талаблари тасдиқланади. Аҳолини қизиқтирган ҳуқуқий мавзулар юзасидан “Сўров бўйича ҳуқуқий тарғибот” лойиҳаси амалга оширилади.

II БОБ. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ – ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

2.1. Ҳуқуқий тарбия тушунчасининг назарий-методологик асослари таҳлили

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсадларидан бири – бу мамлакатимизда ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунда ҳуқуқни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида, ҳуқуқий тарбиянинг ўрни ва ролини илмий жиҳатдан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга молик. Ваҳоланки, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш авлодни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш жараёнида ҳуқуқий тарбиянинг ўрни беқиёсдир.

Ҳозирги кунда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида ҳуқуқий тарбий билан боғлиқ масалаларни ўрганишнинг долзарблигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги кунда ҳуқуқий тарбия фолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурати мавжудлигини қайд этиш жоиз. Айни вақтда замонавий юридик фан ва амалиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий тарбияни давлат ва ҳуқуқ назариясининг муҳим категорияси сифатида чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ушбу муаммоларни таҳлил этиш орқали вояга етмаган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш йўллари ва истиқболларини белгилаб олиш мумкин.

Иккинчидан, вояга етмаган шахслар онгида ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш ва ҳуқуқий тарбияни ташкил этишнинг амалий механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Учинчидан, юридик фан олдида турган биринчи даражали ва энг муҳим вазифалардан бири бу умумдавлат ҳуқуқий тарбия концепциясини ишлаб чиқишдир. Шунингдек, ушбу концепцияни амалга ошириш дастурини ҳамда давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вояга

етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, ушбу концепцияни мамлакатимизнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароитларда ривожланиш йўллари ва истиқболларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурати юзага келмоқда. Хусусан, бу борада вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялаш концепциясини ҳамда ҳуқуқий педагогиканинг шакллари ва методларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия тизимининг амал қилиш хусусиятлари ва бу борадаги бошқарув механизмининг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда вояга етмаган шахсни ҳуқуқий ижтимоийлашуви жараёнига таъсири муаммоларини ўрганиш ҳам долзарб масаладир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илмий ва ўқув адабиётларида ҳуқуқий тарбия тушунчаси талқини юзасидан турли хил ёндашувлар илгари сурилади. Хусусан, ҳуқуқий тарбия – бу ҳуқуқий тажриба алмашиш бўйича давлат, жамоат ташкилотлари, алоҳида фуқароларнинг бир мақсадга йўналтирилган фаолияти: ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, уларни бажариш ва бу нормалардан фойдаланишни таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қарашлар, қадриятларни тушуниш, йўл-йўриқларни шакллантириш мақсадида одам онгги ва хулқ-атворида доимий таъсир ўтказиб боришдир. Бироқ вазифа фақат ҳозирги шароитларга мос қонунларни ишлаб чиқишдангина иборат бўлмай, балки уларга оғишмай амал қилишни таъминлашдан ҳам иборат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Эндиликда шундай ҳуқуқий тартибни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий маданиятнинг шундай даражасига эришиш керакки, унда қонунларга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлиб, уларни бузиш эса мутлақо мумкин бўлмай қолсин.

Ҳуқуқий тарбиянинг юридик моҳиятига баҳо беришда, унинг турли маъноларда тушунилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, ҳамма жиҳатларга, жумладан, субъект атрофидаги кишиларнинг она қорнида пайдо бўлишидан тортиб вафот этгунига қадар тараққий қилдиришга диққат қилиш лозим. Чунки барча ҳолатлар инсон характерининг шаклланишига таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан ҳам ҳар бир болани тарбия қилиш тақозо этилади.

В.Момовнинг таъкидлашича, “мураккаб тарбия жараёнида шахсни тарбия объекти ва бу таъсирнинг предмети – онг ва хулқнинг воситаси ва сифати тариқасида аниқ белгилаб қўймоқ зарур. Бу ерда

шахс тарбия предметига нисбатан таъсир субъекти бўлади”³⁶. Бироқ шахс тизимли таъсирнинг фаол субъекти бўлиши лозимлигини била туриб, унга таълим жараёнида амалий юридик фаолият татбиқ этилмаган эди. Л.В.Савченко ҳуқуқий тарбиянинг предмети ҳуқуқий маданият деб ҳисоблайди³⁷. Бироқ уни ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули сифатида қараш мақадга мувофиқ бўлади. А.С.Гречкин³⁸ бу юридик атама билан шахс психологиясига тизимли таъсир қилишни ифодалаш лозим деб ҳисоблайди. А.В.Мицкевич ҳуқуқий тарбия моҳиятини аниқлаш масаласига кенг ва тор маънодаги ёндашув хусусида фикр юритади. Шу билан бирга, шахс фазилатларининг шаклланишида инсон ҳаётининг барча омиллари таъсирини кўрсатиш кенг маъно касб этган. Тор маънода одамлар онгига, уларнинг маънавияти, характери, ахлоқига жамиятнинг мақсадга йўналтирилган таъсири ҳақида сўз боради.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва ўзгаришида муҳим восита ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий билимларни ёйиш, тўғри хулқнинг муҳимлиги ва қиммати, уларни қабул қилиш ва кейинчалик ўзлаштириб олиш мақсадида шахс ва жамият ҳаётидаги қонунийлик ва бошқа ҳуқуқий ҳолатлардан иборат.

Мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия масалаларига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири бу ёшларни ижтимоий фаол ҳуқуқий хулққа эга шахс сифатида шакллантириш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, ушбу мақсадга жамиятда самарали ҳуқуқий тарбия тизимини яратиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишимиз лозим бўлади.

Ўз навбатида, ёшлар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарбия жараёни ўз ичига қуйидагиларни камраб олишини таъкидлаш жоиз:

– ҳуқуқ ва унда мужассамлашган инсонийлик принциплари, жамиятда амал қилувчи ҳуқуқий нормалар тизими, уларни қўллаш тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тизими, уларни амалга ошириш усуллари, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш йўллари юзасидан тушунчалар бериш;

³⁶ <http://www.bestreferat.ru/referat-50669.html>

³⁷ Савченко Л.В. Правовое воспитание – один из видов профилактики правонарушений // www.ref.net

³⁸ <http://ref.net.ua/work/det-30544.html>

– ҳуқуқни ҳурмат қилиш, ҳуқуқ-тартиботни бузишга фаол салбий муносабат, қонунга бўйсунмишга қараб мўлжал олиш, шахсий ҳаётини муаммоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билимлардан фойдаланиш, ҳуқуқий қоидаларни шахсий аҳамиятга молик деб қабул қилиш ҳамда уларни бажариш кўникмаларини ёшлар онгига сингдириш;

– ҳуқуқ ва эркинликларни онгли равишда рўёбга чиқариш, ҳуқуқлар бузилган тақдирда уларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тадбирларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бурчларини виждонан ва сидқидилдан бажариш, турли ҳаётини вазиятларда шахсини юридик жиҳатдан тўғри ҳаракат қилиш қобилиятида намоён бўлувчи ижтимоий фойдали хулқ-атворини шакллантириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбия – ўзига хос усул ва воситаларига, ижтимоий институтларнинг бошқа функцияларидан фарқ қилувчи белгиларига эга жараён. У мавҳум инсонни эмас, балки аниқ шахсни, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини шакллантиради. Бу ўринда икки босқичдаги вазифалар бажарилади:

1) ёшларнинг сиёсий институтлар, энг аввало, давлат ва жамиятни бошқариш билан боғлиқ сиёсий фаоллигини шакллантириш; 2) ёшларнинг шахсий ташаббуслари билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий фаолиятини йўналтириш. Биринчи йўналишда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги давлат ва жамият ишларини бошқаришни тўлдириб келади, лекин у бошқарув ишларига ҳалақит бермаслиги зарур. Сиёсий фаоллик ўзбошимчалик, бошбошдоқлик, ҳокимиятсизликни келтириб чиқармаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгилаб берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида давлат ва жамиятни бошқаришга ҳалақит бермайдиган миқёсда амалга оширилади. Иккинчи йўналиш эса тез ўзгариб бораётган дунё, янгиланиб, замонавийлашиб бораётган ижтимоий ҳаётда фуқаронинг ҳуқуқий онгини, психологиясини янгилаш орқали унда ижтимоий-сиёсий, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги фаолликни шакллантиришни тақозо этади. Ушбу йўналиш билан боғлиқ ҳуқуқий тарбия демократик жараёнларда кенг иштирок этиши учун шахсда зарур ҳуқуқий-руҳий ҳолат ўрнатишни, эътиқодни тарбиялашни назарда тутлади.

Ҳуқуқий тарбия жамиятнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан бевосита боғлиқдир. У ҳуқуқий фаолиятнинг барча кўринишларини, борлиқни ҳуқуқий англаш жараёнлари ҳамда давлат ва ҳуқуқий муассасаларнинг барча фаолиятини қамраб олади. Ушбу муассасаларнинг фаолияти жамиятнинг умумий ҳуқуқий ҳаётига киришининг боиси шуки, у ижтимоий борлиқдаги ҳуқуқий онга дахлдордир³⁹. Ушбу дахлдорлик, энг аввало, давлат ва ҳуқуқ институтларининг умумий ҳуқуқий ҳаётини шакллантириш учун масъул қилиб қўяди. Шунинг учун “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да “давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усул ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради”⁴⁰ деб белгилаб қўйилган.

Айни вақтда биз ҳуқуқий тарбиянинг муҳим мақсадларидан бири бу маънавий етук инсонни камол топтиришдан иборат эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишимиз ўринли бўлади: “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”⁴¹.

Ҳозирги замон илмий изланишларида ҳуқуқий тарбиянинг марксча-ленинча талқини ҳуқуқшунос олимлар томонидан рад этилган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини тушунишга доир турли таърифлар шаклланган. Ушбу нуқтаи назарларни таҳлил қилиш орқали ҳуқуқий тарбиянинг ижтимоий моҳияти бугунги кунда мураккаб ва серқирра аҳамият касб этаётганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. У.Т.Таджиханов ва А.Х.Саидовлар таъкидлаб ўтганларидек, “ҳуқуқий тарбия мураккаб ва серқирра ҳодисадир; уни бир маъноли

³⁹ Бельский К. Т. Формирование и развитие правового сознания в гражданском обществе. – М.: Изд-во МГУ, 1992. –С. 30-31.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. – № 4. –256.

⁴¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, –1999. – Б.381

қилиб таърифлаб бўлмайди. Унинг таърифи бу жараённинг қайси томонини: умумижтимоий жиҳатини ҳуқуқнинг ижтимоий амал қилиш тизими сифатида ёки давлатнинг ижтимоий бошқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш унсури сифатидаги вазифасини ва шу кабиларни тадқиқ қилишимизга боғлиқ бўлади”⁴².

Бизнингча, ҳозирги замон ҳуқуқий тарбия назариясини икки хил, яъни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Бу фикрни А.В.Малько ҳам қўллаб-қувватлайди. Унинг таъкидлашича, ҳуқуқий тарбияни тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Тор маънодаги ҳуқуқий тарбия ҳуқуқ тарбиявий функциясининг амалга ошиши билан боғлиқдир. Кенг маънодаги (педагогик-ҳуқуқий маънода) ҳуқуқий тарбия деганда ҳуқуқий воситалар билан махсус ўқув-тарбиявий шаклларда ва муассасаларда махсус субъектлар томонидан амалга ошириладиган ташкилий ва бошқариладиган жараёндир⁴³.

Фикримизча, ҳуқуқий тарбияни кенг маънода тушуниш тарбияни жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг умумий жараёнини ва бу жараёнга жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий тартиботи, сиёсий режим, мафкуравий фаолият, ахлоқий муҳит, қонунчилик тизими ва бошқа омилларнинг таъсирини ўз ичига қамраб олади. Кенг маънодаги ҳуқуқий тарбия шахснинг оила ва боғчада ҳуқуқий билим олиши, ўқиши, ўзининг ҳуқуқий билимларини мустақил бойитиши, умуман, ўз устида мустақил ишлаши орқали олинadиган ҳуқуқий билимларидир. Ҳуқуқий тарбияга кенг таъриф бериш ўзбек ҳуқуқшуносларининг ёзган дарсликларида учратиш мумкин: “Ҳуқуқий тарбия фуқароларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилишга қаратилган, ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланиб, фуқаролар онгида чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, эътиқодлар, эҳтиёжлар, қадриятлар, қонунга мос феъл-атвор, одатларни шакллантириш жараёнидир”⁴⁴.

Ҳуқуқий тарбияни тор маънода тушуниш ҳуқуқий тарбияни жамоат органлари ва жамоат ташкилотларининг (мақсадга йўналтирилган ишлашида намоён бўладиган) ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашга қаратилган фаолиятлари сифатида талқин қилишни назарда тутди. Бунда

⁴² Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –Б.189.

⁴³ Малько А.В. Теория государства и права. – М.: Кнорус, 2009. – С.305.

⁴⁴ Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. –Б.188.

ҳуқуқий тарбиянинг назарий ва методологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, вазифалари, моҳиятига тавсиф берилади. Бундан ташқари, ҳуқуқий тарбиянинг шакллари ва методлари, шунингдек унинг самарадорлигини аниқлаш усуллари тадқиқ этилган.

Шу ўринда З.М.Исломов томонидан шакллантирилган ҳуқуқий тарбия таърифи ҳуқуқий тарбияни тор маънода тушунишга мисол бўлиши мумкин. Унинг фикрича, “Ҳуқуқий тарбия – бу ҳуқуқий тажриба алмашиш бўйича давлат, жамоат ташкилотлари, алоҳида фуқароларнинг бир мақсадга йўналтирилган фаолияти: ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, уларни бажариш ва бу нормалардан фойдаланишни таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қарашлар, қадриятларни тушуниш, йўл-йўриқларни шакллантириш мақсадида одам онги ва хулқ-атворида доимий таъсир ўтказиб боришдир”⁴⁵. Х.Т.Одилқориев ҳуқуқий тарбияга берилган изоҳларни таҳлил қилган ҳолда, уни қуйидагича таърифлайди: “ҳуқуқий тарбия – давлат органлари, нодавлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида шахслар гуруҳининг аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус фаолияти тушунилади”⁴⁶. Юқоридаги тушунчага ўхшаш таъриф А.Н.Чашин томонидан таклиф этилган бўлиб, унинг таъбирича, ҳуқуқий тарбия инсон руҳиятига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида таъсир ўтказувчи чора-тадбирлар тизимидир⁴⁷.

Шунингдек, ҳуқуқий тарбия ҳодисасини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганган бошқа рус олимларининг ҳам таърифларини келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, А.А.Кваша ҳуқуқий тарбияни унинг таркибий элментларига урғу берган ҳолда, қуйидагича таърифлайди: “ҳуқуқий тарбия ҳуқуқ принциплари ва нормаларини ўтказиш, тўплаш ва ўзлаштириш ҳамда ҳуқуққа ва уни амалга ошириш амалиётига тегишли муносабатни, ўз ҳуқуқларини қўллаш, тақиқларга риоя қилиш ва мажбуриятларни бажариш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир”⁴⁸.

Ҳуқуқий тарбия тўғрисида ўзига хос фикрни Т.Н.Радько билдирган: ҳуқуқий тарбия тегишли субъектларнинг шахсинг юқори ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган,

⁴⁵ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. – Тошкент: ТДҶОИ, 2005. –Б.154.

⁴⁶ Одилқориев Х.Т., И.Т.Гультеев ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Sharq, 2009. –Б.305.

⁴⁷ Чашин А.Н. Теория государства и права. – М.: Дело и Сервис, 2008. – С.332.

⁴⁸ Кваша А.А. Правовые установки граждан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Волгоград, –2002. – С.18.

турли хил восита ва усуллар билан амалга ошириладиган ҳамда ҳар хил шаклларда ифодаланадиган фаолиятдир. Ҳуқуқий тарбия, унинг фикрича, бевосита амалдаги ҳуқуқ томонидан амалга оширилади, чунки ҳуқуқий актлар жамиятда амал қилади, хулқ-атворни тартибга солади ва одамларнинг фикрлашига, ҳиссиётларига, иродасига ва онгига объектив таъсир ўтказди⁴⁹.

Ҳуқуқий тарбия муаммосини ўрганган ва бу жараёнга ўзининг муаллифлик таърифини берган яна кўплаб тадқиқотчиларни тилга олиш мумкин. Бу таърифларнинг ҳар бирида субъектив қараш акс этган, бироқ уларнинг ҳаммаси инсонда ҳуқуқ, қонун ва ҳуқуқий тартиботга ҳурмат билан қараш ғояларини шакллантириш зарурлигини эътироф этади. Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбияга берилган аксарият таърифларда давлатнинг “ҳуқуқий тарбиявий фаолияти”, “ҳуқуқий тарбия институти” каби тушунчалар тилга олинмадики, бу ҳолат ҳуқуқий тарбияни давлат фаолиятининг бир тури сифатида талқин қилишни тақозо этади.

Ҳуқуқий тарбия – бу инсонда юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда қонун ва ҳуқуқий тартиботга ҳурмат билан қараш ғояларини шакллантириш мақсадида шахс онги ва хулқ-атворига доимий таъсир ўтказиб бориш билан боғлиқ махсус фаолият.

Бизнингча эса, ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, энг аввало, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборат. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳуқуқий тарбия мақсади сифатида ижтимоий фаол шахсни шакллантиришга борган сари эътибор қаратилмоқда. У.Таджиханов ва А.Саидовлар таъбирича, ҳуқуқий тарбия нафақат қонунга итоаткор хулқ - атворни таъминлаш, балки фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишга кўмаклашиши ҳам керак⁵⁰. Ҳуқуқий тарбиянинг бошланғич мақсади бўлиб фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлик даражасини кўтариш ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳуқуқий хабардорлик деганда шахс манфаати билан белгиланувчи ҳуқуқ, унинг институтлари ва муассасалари тўғрисидаги қарашлар, тасаввурлар, хулосалар, тушунчаларда

⁴⁹ Қаранг: Радько Т.Н. Теория государства и права. –М.: Проспект, 2009. – С.632.

⁵⁰ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –Б.206.

ифодаланган ҳуқуқий ахборотни қабул қилиш ва англаш даражаси тушунилади⁵¹.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тарбиянинг мақсади фақат фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлигини таъминлашдангина эмас, балки энг аввало, фуқароларни ҳуқуққа, қонунга нисбатан ҳурматда бўлиш, уларга онгли ва ихтиёрий риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат. Ҳуқуққа, қонунга ахлоқий баҳо бермасдан уларни ахлоқий ҳиссиёт ва кечинмалар орқали қабул қилмасдан ва маъқулламасдан туриб уларга нисбатан ҳурматнинг бўлиши мумкин эмас.

Тарбиянинг бош мақсади бўлиб жамиятда ҳаёт кечириш учун шахсга зарур бўлган сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, тарбиявий жараённинг ғоявий негизи сифатида инсонпарварлик тамойилларига катъий риоя этиш лозим бўлади. Яъни инсонда тарихий ва давлат чегараларини билмайдиган “умуминсоний қадриятлар”ни тарбиялаш керак. Айнан улар инсоният тараққиётининг турли даврларида тарбия мақсадларини белгилаб беради. Бу мақсадлар асосан ахлоқ ва одоб тушунчалари, шу билан бирга шахсда ва унинг атрофида рўй бераётган воқеликлар билан боғлиқ. Шу билан бирга, “умуминсоний қадриятлар” билан бир қаторда тарбия ўз ичига жамиятдаги жорий жараёнлар ва тенденциялар, мазкур давлат тузуми кўндаланг қўйган мақсадларни ҳам қамраб олиши мумкин.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқилса, тарбия олдида қўйилган ва қўйилаётган мақсадлар унинг мазмуни ва тарбиявий жараён методикасини аниқлашдаги назарий ёндашувларни ишлаб чиқишга таъсир этиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Ҳуқуқий тарбия мақсадига даврий нуқтаи назардан ҳам ёндашиш мумкин. Жумладан, И.В.Лескованинг фикрича, ҳуқуқий тарбия назарияси ва методикасида ҳуқуқий тарбия мақсадининг учлик иерархиясини кўрсатиб ўтиш мумкин: 1) яқин муддатли мақсад-ҳуқуқий билимлар тизимини шакллантириш; 2) оралик муддатли мақсад ҳуқуқий ишончни шакллантириш; 3) якуний мақсад-ҳуқуқий-ижтимоий фаол хулқ-атвор мотивлари ва одатларини шакллантириш⁵².

Шунингдек, баъзи олимлар тарбия мақсади деганда фаолият субъекти сифатида инсон шахсининг қўйидаги: ақл-идроки, ҳиссий

⁵¹ Гойман В.И. Правовая информированность граждан: состояние, пути улучшения // Советское государство и право. – Москва, 1988. – №9. – С.33.

⁵² Лескова И.В. Социокультурная идентичность и правовое воспитание личности // Государство и право. – Москва, 2007. – № 4. – С.98.

доираси, руҳий зарбаларга бардошлилиги, ўзига ишониши, ташқи оламга ижобий муносабати ва бошқалар билан мурося қила олиши, мустақиллиги, масъулиятлилиги; ўзини қадрлаш ва ўзини такомиллаштириш мотивациялари ва бошқа жиҳатларининг ривожланишини кўрсатадилар.

Бизнинг фикримизча, тарбия мақсадлари доимо муайян тарихий характерга эга бўлиб, уларнинг хусусияти муайян давр, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлари, муайян ижтимоий тизимлар, институтлар ва муассасаларга боғлиқ бўлади. Айнан шу ҳолат гарчи мазмун жиҳатидан тарбия мақсадининг ягона мукамал таърифини яратишга бир неча марта уринишлар бўлишига қарамай, бу мураккаб эканлигини англатади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тарбия тушунчасига берилган таърифлар, ҳуқуқий тарбия мақсад-вазифалари, методлари ва воситалари, шаклларининг таҳлили ҳуқуқий тарбиянинг моҳиятини аниқлаш имконини беради, яъни ҳуқуқий тарбиянинг моҳиятини тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий онгида барқарор ҳуқуқий ғоялар ва тамойилларни ишлаб чиқариш жараёни деб белгилаш мумкин.

2.2. Ҳуқуқий тарғибот – ҳуқуқий тарбиянинг муҳим воситаси

Ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш шаклари сифатида ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт, ўзини ўзи тарбиялаш каби шаклларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Маълумки, ижтимоий-ташкилий нуқтаи назардан қараганда ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим ўзида барча соҳаларидаги ҳуқуқ нормаларни ва уларни қўллаш кўникмаларини англаш, тушуниш, ўзлаштириш ва айнан тасаввур этишининг махсус жараёнини намоён этади. Ушбу жараённинг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этишда, энг аввало, унинг таркибий қисмларини (ҳуқуқий тарғибот, тарбия ва таълим) алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тегишли адабиётларда тарғибот тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар илгари сурилади. Кўпчилик бунда тарғибот (пропаганда) ва ташвиқот (агитация) атамалари ўртасидаги фаркли жиҳатларга (дефинициялар) эътибор бермайди. “Агитация” сўзининг луғавий маъноси (лотинча agitation ҳаракатга келтириш) сиёсий

ғоялар ва шиорларни кенг халқ оммаси онгига таъсир этиш мақсадида ёйишни билдиради⁵³. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тарғибот (пропаганда) сўзига “бирор ғоя, таълимот ва шу қабиларни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган тушунтириш ишлари”⁵⁴ деб изоҳ берилса, ташвиқот (агитация) атамасига “оммага сиёсий таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар” деган тавсиф берилган⁵⁵. Кўриниб турибдики, тарғибот (пропаганда) ва ташвиқот (агитация) тушунчалари ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Хусусан, тарғибот бу бир неча ғояларни тингловчилар кенг доирасига илмий ва тизимли тарзда сингдириш бўлса, ташвиқот эса муайян ғоянигина кишиларнинг ҳиссиётига таъсир этиш орқали етказилишидир.

Ҳуқуқшуносликда ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий тарбиянинг бир шакли эканлиги ҳамда у ўзида ҳуқуқий билимларни етказиш, ҳуқуқ нормаларининг мазмунини ва уларни қўллаш амалиётини тушунтиришга қаратилган фаолиятини ифода этиши ҳақида сўз боради⁵⁶. Бу борада З.М.Исломов таъкидлаганидек, “ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт ва ўз - ўзини тарбиялаш ҳуқуқий тарбия воситаларига киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган барча воситаларни қўллаш асосида ҳуқуқ ҳақидаги ахборотларни етказиш, қабул қилиш, ўзгартириш ва ундан фойдаланиш ҳамда уни амалда рўёбга чиқаришни кўзда тутувчи ҳуқуқий хабардорликни амалга ошириш масалалари ётади”⁵⁷.

Ҳуқуқий тарғибот тушунчасига берилган таърифларда унинг элементлари тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, лекин изоҳидан келиб чиқиб, ундаги субъект, объект ва мазмунни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ҳуқуқий тарғиботнинг субъектлари деганда ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда тарғибот фаолиятини амалга оширувчи шахсларни тушуниш зарур. Бундай субъектлар қаторига ўзининг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари тимсолида намоён бўладиган давлат, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларни киритиш мумкин.

⁵³ Словарь иностранных слов. – М.: Рус.яз., 1985. – С.15

⁵⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Т.2. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – Б.130

⁵⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Т.2. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – Б.130–137.

⁵⁶ Григонис Э.П. Теория государства и права: Курс лекций. – СПб.: Питер, 2002. –320 с.; Теория государства и права. Курс лекций. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. –М.: Юристъ, 1999. – 672 с.; Общая теория права. Под общ.ред. А.С.Пиголкина. –М.: МГТУ, 1995. –384 с. ва бошқалар.

⁵⁷ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. –Б 578.

Хуқуқий тарғиботни амалга ошириш объектига келадиган бўлсак, бу масала фанда анча баҳсли ҳисобланади. Бундаги фикрлар хилма-хиллиги асосан объект деганда бевосита жисмоний шахснинг ўзини тушуниш керакми ёки унинг ички субъектив мушоҳада этиш хусусиятиними деган масала юзасидан келиб чиқмоқда. Бизнинг фикримизча, хуқуқий тарғиботнинг объекти деганда муайян индивидни эмас, балки унинг онгини шакллантирадиган биопсихофизик хусусиятни тушуниш лозим. Чунки хуқуқий онг ўзининг табиатига кўра кўпроқ индивидуал характерга эга бўлади. Демак, уни шакллантириш жараёнида индивиднинг этник, ёш, ахлоқий, рухий ва бошқа хусусиятлари эътиборга олинishi лозим.

Хуқуқий тарғиботнинг мазмунига келадиган бўлсак, у ўзида тарғибот мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган воситалар мажмуасини ифода этади.

Мазкур воситалар ёрдамида кишиларнинг одатий даражада билимларни ўзлаштириш, англаш ва ифода этишлари учун уларнинг онгига таъсир ўтказилади. Ўз навбатида, хуқуқий тарғиботга мажбурийлик белгиси хос эмас. Чунки, мазкур жараёнда эгалланадиган билимлар доираси чегараланмаган ҳамда у хилма хил шаклларда намоён бўлади.

Хуқуқий тарғибот оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиёт, семинарлар ва лекциялар каби воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Хуқуқий тарғибот эпизодик характерга эга эканлигига қарамасдан, унинг мазмуни ва аҳамияти кўп жиҳатдан шахсларнинг хуқуқий муаммолар юзасидан илмий, оммабоп ва бадиий адабиёт, радио ва телекўрсатувлар орқали доимий маълумотларга эга бўлишида намоён бўлади.

Албатта, хуқуқий тарғиботни амалга оширувчи субъектлар юқорида таъкидланганидек, фуқароларнинг яшаш жойи, одатлари, ёши, менталитети, меҳнат фаолияти тури ва бошқа хусусиятларини эътиборга олишлари лозим. Ушбу талабларга амал қилиш, ўз навбатида фуқароларнинг хуқуқий онгини шакллантириш жараёнини янада самарали бўлишини таъминлайди.

Ижтимоий борликда инсон унда шаклланган қадриятлар, дунёқараш, хуқуқий маданиятга таянган ҳолда ўз юриш туришини белгилайди. Айтиш жоизки, қадриятлар тизимини ва унга мос билимлар ва онг савиясини ташқаридан киритиб бўлмайди. Бунга

ҳуқуқий билимларни изчил тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали эришилади.

Ҳуқуқий тарғибот деганда, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа субъектларнинг фуқароларнинг юқори даражали ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, қонунга мос хулқ-атвор кўникмаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган, мақсадга йўналтирилган ва тизимли фаолиятини тушуниш лозим.

Ҳуқуқий билимларни, тасаввурлар, маҳорат ва кўникмалар, шунингдек ҳуқуқий эътиқодлар (ҳуқуқий онглилик)ни шакллантириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуққа мос хулқ-атворини ва ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш ҳуқуқий тарғиботнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий билимларни ёйиш ва уларни кишилар онгига сингдиришда, ҳуқуқий тарғиботнинг долзарблиги ва алоҳида аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, уни фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришнинг мустақил воситаларидан бири сифатида ажратиб кўрсатиш лозим.

Жамиятда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш тушунчаси ва унинг юридик мазмунини тадқиқ этиш, аввало, амалий характерга эга бўлган вазифалар, яъни аҳолини ҳуқуқий хабардорлигини таъминлаш механизмларини яратиш ва уларни жамиятда кечаётган ҳуқуқий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда ривожлантириб бориш зарурати билан боғлиқдир. Ўз навбатида, ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун бу борадаги механизм тушунчаси ва унинг таркибига кирувчи восита ва усулларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш лозим бўлади.

Жамиятда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш механизми муайян даражада ҳуқуқшунослик фанларининг тадқиқот предмети бўлиб келганлигини қайд этиш билан бирга, бунда асосан унинг муайян бир йўналишига, яъни оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориладиган жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилганлигини қайд этиш жоиз. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда бу борада шакланган назария ва амалиёт жамиятда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш механизмини бир бутунлигича, яъни унинг барча восита ва усулларини қамраб олган ҳолда комплекс тадқиқ этишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, унинг предмет доирасини янада кенгроқ тарзда ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

“Механизм” атамаси муайян даражада техник характерга эга бўлсада, у ҳуқуқшунослик фанида ҳам кенг қўлланилади. Хусусан, “давлат механизми”, “давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми”, “давлат функцияларини амалга ошириш механизми”, “ҳуқуқий тартибга солиш механизми”, “ҳуқуқ ижодкорлиги механизми” ва ниҳоят мазкур тадқиқот предмети бўлган “ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш механизми” кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида механизм тушунчасининг этимологик мазмуни қуйидагича ифодаланган, яъни “механизм – машина, асбоб, аппарат ва шу кабиларнинг ишга солувчи қисмлари, ички тузилишидир”⁵⁸. Дарҳақиқат, ҳар қандай механизм – бу ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракатланувчи қисмлар ва элементларнинг мажмуидир. Шу жиҳатдан олганда, жамиятда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш механизмини ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга қаратилган усуллар, услублар ва воситалар тизими сифатида тавсифлаш мумкин.

Ҳуқуқий тарғиботнинг мазмунига келадиган бўлсак, у ўзида тарғибот мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган воситалар мажмуасини ифода этади. Мазкур воситалар ёрдамида кишиларнинг одатий даражадаги ҳуқуқий билимларини ўзлаштириш, англаш ва ифода этишлари учун уларнинг онгига таъсир ўтказилади. Ўз навбатида, ҳуқуқий тарғиботга мажбурийлик белгиси хос эмас. Чунки мазкур жараёнда эгалланадиган ҳуқуқий билимлар доираси чегараланмаган ҳамда у хилма хил шаклларда намоён бўлади. Ҳуқуқий тарғибот оммавий ахборот воситалари, учрашувлар, семинарлар ва лекциялар каби воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ўз навбатида, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда асосий эътиборни фуқароларнинг кундалик ҳаёт давомида дуч келадиган вазиятлардаги ҳуқуқий масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий тарғибот мактаб, коллеж, лицей, корхона, ташкилот ва муассасаларда олиб борилади. Ҳуқуқий тарғибот ишлари бевосита тингловчиларнинг ёш ва етуқлик даражасига қараб турли усул ва воситаларда амалга оширилади. Ҳуқуқий тарғибот асосан маъруза тарзида амалга оширилади. Ҳуқуқий тарғибот орқали шахснинг ҳуқуқий онги оширилади. Бу эса, ўз навбатида, шахсда ўз

⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.1. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. –Москва: Рус тили, 1981. – Б. 461.

ҳуқуқларини билиш ва уни амалга ошириш ҳиссини уйғотади. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг бошқаларнинг ҳам шу каби ҳуқуқларини билиш, уларни ҳурмат қилиш ҳақида билимларга эга бўлади. Инсон ҳуқуқларини билиш, уларга амал қилиш ва уларни ҳурмат қилиш орқали инсон ҳуқуқлари маданияти шаклланади дейиш мумкин⁵⁹.

Маълумки, қонун ҳужжатлари нормалари кенг аҳоли оммасига етказилиши билан аҳолининг ҳуқуқий онги ортади. Қонуннинг қабул қилиниши муҳим жараён бўлгани каби унинг оммалашуви ва кенг аҳоли оммасига етказилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Миллий қонунчилик тизимида қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмаслиги тўғрисидаги норманинг мустаҳкамланганлигини, қонун нормаларини халқ оммасига янада кенг ёйишнинг аҳамиятли эканини англатади. Қонун ҳужжатларини аҳолига етказишнинг энг кенг тарқалган усули ҳуқуқий тарғиботдир. Айтиш жоизки, бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот ишлари қатор давлат органлари ва нодавлат органлари томонидан олиб борилмоқда. Жумладан, адлия органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамиятининг турли хил институтлари томонидан ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, барча давлат органлари ўз йўналишлари доирасида маълум бир ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширадилар. Хусусан, адлия вазирлиги унга бўйсунувчи идоралар орқали ҳуқуқий тарғибот соҳасида қатор ишларни амалга оширади. Яъни адлия органлари давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

– ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳолини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

– жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимлар аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

– ҳуқуқ соҳасида таълим ишлари методик жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

– олий ва ўрта махсус ҳамда касб-хунар ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув

⁵⁹ Бекчанов Р. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни // Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масалалари (Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида) // Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 394 б.

қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек, илмий-оммабоп ва бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

– жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

– адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг улардан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

– ҳуқуқий ахборотлар давлатлараро алмашилишини амалга оширади;

– кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларини, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” расмий нашр этилишини ташкил этади;

– давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

– тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Мазкур вазифалар адлия тизимига қарашли идоралар орқали амалга оширилиб, бунда ФҲДЁ органлари, нотариат ва адвокатура органлари алоҳида ўрин тутади. Мазкур органлари томонидан бевосита соҳага оид қонун ҳужжатлари ва бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар кенг аҳоли оммасига етказилади. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳам ҳуқуқий тарғиботнинг катта катта қисмини ташкил этади. Прокуратура ва ички органлари томонидан

жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тарғиботи амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, прокуратура тизимида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат бошқармаси мавжуд бўлиб, ушбу бошқарманинг фаолият йўналиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш билан бир қаторда, ушбу қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий тарғиботини ҳам амалга оширишдир.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласида маҳаллий ҳокимият органларига ҳам қонунга биноан бир қатор муҳим вазифалар юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига биноан ҳокимларга қонунларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларнинг ижросини ташкил этиш; жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳавфсизларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўриш ваколатлари юклатилган.

Турли хил субъектлар томонидан ҳуқуқий тарғиботнинг муайян усул ва шаклларини танлашда энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ нормаларини тушуниш, кундалик ҳаёт давомида улар томонидан дуч келинадиган вазиятлар ва турли хил фактларга ҳуқуқий баҳо бера олиш қобилиятларидан келиб чиқиш лозим. Тарғибот ишларида шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясига, улар орасида турли зарарли ғояларнинг тарқалишига қарши курашишга алоҳида эътибор берилмоқда. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг, нарқобизнес ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бундай тарбиянинг асосини ташкил этади.

Шунингдек, ёшлар орасида миллий-маънавий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тарғиб қилиш ҳам ана шундай зарарли одатларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу борада бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан изчил ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Бош прокуратура ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот

ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум ишлаб чиқилган.

Ушбу меморандум бу борада олиб борилаётган ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Ҳамкорлик натижасида тарғибот ишларининг савияси янада ошди.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ ҳаётнинг ўзи қўйган янги ва янги вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Хусусан, ёшлар тарбиясининг муҳим бўғини – миллий ғояни шакллантириш ва ҳозирги замон мафкуравий таҳдидларига қарши курашиш бўйича назарий, фундаментал дунёқарашни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади.

XXI аср бошига келиб, жаҳонга мафкуравий ҳукмрон бўлиб олишга уринишлар авж олди. Очиқ ҳарбий куч ишлатиш усулидан кўра, халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилишга бўлган интилиш кучайди. Диний, сиёсийлашган диний, сиёсий, бадий мазмундаги адабиётлар тарқатиш, видеофильмлар, реклама эълонлари ваколатхоналари очиш, турли жамғармалар ташкил этиш орқали ва бошқа кўплаб усуллар воситасида мафкуравий хуружлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, ёшларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқарашни қанчалик юксак бўлса, миллий ғоя кишилар дунёқарашда қанчалик мустаҳкам ўрин олса, жамиятимизда ижтимоий-ғоявий муҳит шунчалик мусоффо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”нинг 2-боби “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш” деб номланади.

Унда ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Қуйидаги масалаларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш:

қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;

барча миллий ҳуқуқий сайтлар;

юримдик луғат ва ҳуқуқий электрон кутубхона;

мақсадли аудиториялар (давлат хизматчилари, педагоглар ва бошқалар) учун мажбурий курслар (mandatory courses).

2. Турли ҳаётӣ ҳолатлар бўйича ҳуқуқий ечим таклиф этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими билан боғланадиган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини (“Ўзбекистон ҳуқуқий форуми” сайтини) яратиш ва ишга тушириш.

3. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқий билим даражасини синаш мақсадида Интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Ҳуқуқий тест” лойиҳасини яратиш.

4. Интернетдаги ижтимоий тармоқларда (Facebook, Telegram, Twitter, Youtube, Mytube.uz ва ҳ.к.) давлат органлари ва ташкилотларнинг каналларини ташкил қилиш ва ушбу каналларда веб-технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда соҳа фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғибот материалларини жойлаб бориш. Ижтимоий тармоқлардаги каналларда эълон қилиш учун материалларни тайёрлаш, жойлаштириш ва қайта алоқани таъминлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш.

5. Интернет тизимида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Ҳуқуқий ахборот” телеграм каналини ташкил қилиш ва унда қонун ҳужжатлари мазмунини қисқача таҳлилий ёритиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга доир ҳуқуқий материалларни бериб бориш.

6. Мамлакатимиз аҳолиси кўп фойдаланадиган ижтимоий тармоқларда сўровлар ўтказиш орқали ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг даражасини таҳлил қилиш ва унинг натижасида ҳуқуқий ахборотни манзилли етказиш ишларини ташкил этиш⁶⁰.

Фикримизча, юқоридагилар билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғиботнинг қуйидаги шакл ва усулларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

– ҳуқуқий характердаги босма нашрлар, радио ва телеканаллар ташкил этиш ёки мавжуд ОАВларда ҳуқуқий рукнлар орқали давлат ҳуқуқий сиёсатининг турли жиҳатлари ва фуқароларни қизиқтирадиган масалалар бўйича экспертлар ва ҳуқуқшунослар томонидан тушунтиришлар бериш;

– радио, телеканалларда қонунга итоаткор ва ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий шахсни тарбиялашга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳурмат хиссини уйғотишни тарғиб қиладиган ижтимоий роликларни мунтазам равишда бериб бориш;

⁶⁰ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайтларини модернизация қилиб бориш, айниқса, уларда шу идоралар фаолиятига тегишли бўлган ҳуқуқий ахборотларни мунтазам жойлаштириб бориш;

– аҳоли гавжум бўладиган жойларга ҳуқуқий мавзуларга оид баннерлар, паннолар ва рекламаларни ўрнатиш;

– ОАВларда раҳбарлар ва мутахассисларнинг энг долзарб ҳуқуқий масалаларга доир чиқишларини доимий тарзда уюштириб бориш;

– идоравий босма нашрларни таъсис этиш ва уларни ривожлантириш;

– таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий усул ва воситалардан фойдаланиб бориш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шарҳларини тайёрлашга ва чоп этишга кенг эътибор бериш;

– корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳамда маҳаллаларда ҳуқуқий мавзуда маърузалар ўтказишга ҳуқуқшунос-педагоглар, давлат органлари ходимлари, амалиётчи ҳуқуқшуносларни кенг жалб этиш;

– давлат ҳуқуқий сиёсатида оид долзарб масалалар юзасидан халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

– “ишонч телефонлари” тизимини кенг жорий этиш ва ривожлантириш ва бошқалар.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг энг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Бу кўп жиҳатдан умумий ахборот жараёнларида оммавий ахборот воситаларининг роли билан белгиланади. ОАВлар ахборот етказишнинг тезкорлиги, аҳолини кенг қамраб олиши, ҳар кунлик таъсири ва у бераётган ҳуқуқий ахборотга фуқаролар танишишининг қулайлиги билан ҳуқуқий тарғиботнинг бошқа воситаларидан ажралиб туради.

Маълумки, жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни биринчи галда ОАВда акс этади, шунинг учун ОАВда тарғибот-ташвиқот ишларининг энг асосий вазифаларидан бири инсонларнинг айрим бир ходисаларга, воқеаларга, юртимизда жадал қадамлар билан кечаётган барча соҳадаги ўзгаришларга ва ёки уларнинг алоҳида бир томонларига эътиборини жалб қилиш, ушбу

жараёнларда бевосита иштирок этиши мумкинлигини ва ушбу воқеаликларга ўз ҳиссани кўшиш ҳуқуқига эга эканлиги ва, шу билан бирга жамиятнинг ажралмас бўлаги сифатида бошқа инсонлар олдидаги юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтишдир. Натижада фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оммавий ахборот воситалари ўз фаолияти орқали фуқароларнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларда юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини ўстириш, кишиларда айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириш билан жамоатчилик фикрини шакллантиришга муносиб ҳисса кўшиб келмоқда. Шундай экан фуқароларнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини, уларга нисбатан муносабатини билдиришда оммавий ахборот воситалари асосий минбар вазифасини ўтайди.

Аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида доимий хабардор қилиш мақсадида барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ва интернет тармоғида веб-сайтлари ташкил этилди. Бу эса нафақат республика аҳолисини, балки мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси тўғрисида халқаро жамоатчиликнинг ахборот олиш даражасини ошириш учун шароитлар яратиб бермоқда. Оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилаётган бу каби сабъ-ҳаракатлар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини руёбга чиқариш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Шу билан бирга, кечаётган сиёсий модернизация жараёнлари, демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, аҳоли ва кенг жамоатчилик давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб бориши, жамият ҳаётида фаол бўлиши, давлат бошқарувида бевосита ёки билвосита иштирок этиши ҳам оммавий ахборот воситаларининг бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишига боғлиқ.

ОАВда ҳуқуқий тарғиботни олиб боришдаги алоҳида хусусиятлардан яна бири бу нафақат жамиятнинг ислоҳотларга эътиборини жалб қилиш, балким давлат, ҳокимият ва мутассади вакиллар олдида ҳам бир қатор мажбуриятларни юзага келтиради. Нодавлат телерадиостанцияларнинг қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини ёритишдаги иштироки, айти пайтда парламентда шаклланган фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда муҳим бўғин сифатида хизмат қилмоқда. Бизнинг фикримизча, ҳозирги замон кишисининг мураккаб ҳуқуқий маконда ўз ўрнини топишида, биринчи навбатда, ОАВ томонидан етказиладиган ахборотлар муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Айтиқса, ҳозирги кунда фуқароларнинг онгини шакллантиришда телевидения алоҳида ўрин тутди. Шу ўринда унинг жамият онгига сиёсий, ҳуқуқий таъсир этишининг асосий воситалардан бири эканлигини белгиловчи бир қатор омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчидан, телеаудиториянинг кенглиги. Бинобарин, телевидениянинг аудиторияси барча ёшдаги фуқароларни ва ижтимоий гуруҳларни қамраб олади.

Шу боис унинг ёрдамида бутун миллатга (баъзида эса халқаро жамоатчиликка) мурожаат этиш мумкин. Иккинчидан, телевидения технологик нуқтаи назардан ахборотни узатишда жуда самарали бўлиб, у англаш учун қулайлик яратадиган, муайян воқеликни тушунтирадиган ва акс эттирадиган овозли ҳамда кўргазмали динамик восита ҳисобланади. Унинг юқоридаги хусусиятларидан ҳуқуқий онгни ошириш, сиёсий умумлаштириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида кенг фойдаланилади. Учинчидан, унинг хусусияти жамоатчиликда экран орқали узатиладиган ахборотга ишонини даражаси бошқа ҳар қандай манбага бўлган ишончига нисбатан анча юқори эканлигида кўринади.

Телевидениянинг ижтимоий онгга таъсирчанлиги юқоридагилар билан бирга, унинг нархи газета, журнал, китобларга қараганда анча арзонлиги билан ҳам тавсифланади. Бу борада В.А.Мальцев тўғри таъкидлаб ўтганидек, инсон табиатан эшитган ва ўқиган нарсасидан кўра ўз кўзи билан кўрган воқеликни эса сақлай олиши сабабли ҳам асосий эътиборни телевиденияга қаратади. Хусусан, Германияда фуқаролар телевизор кўришга газета-китоб ўқишга қараганда 5,3 маротаба кўп вақт сарфлайдилар⁶¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий

⁶¹ Мальцев В.А. Основы политологии: Учебник для вузов. –М.: ИТРКРСПП, 1998. – С.292

маданиятни юксалтириш концепцияси”нинг 3-боби “Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш” деб номланади. Унда ОАВ томонида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятини (шу жумладан ҳуқуқий тарғибот) такомиллаштириш борасида куйидаги вазифалар белгиланган:

1. Ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш.

2. Оммавий ахборот воситаларининг (матбуот, телевидение, радио) ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3. Ҳуқуқий даврий нашрларни интернет тармоғига интеграция қилиш ва уларнинг электрон нусхалари жойлаб борилишини таъминлашни йўлга қўйиш.

4. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот” радио лойиҳасини ташкил этиш ва амалга ошириш.

5. Ҳуқуқий соҳани ёритувчи журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ҳамда муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоу, баҳс-мунозара йўналишидаги кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш.

7. Аҳоли ўртасидаги долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммолардан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини оширишга хизмат қиладиган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ҳамда ҳуқуқий мавзудаги лойиҳаларни тайёрлаш ва тарқатиш.

8. Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ташкил этиш.

9. Давлат органлари ахборот хизматларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатишдаги роли ва ўрнини кучайтириш, шу жумладан,

давлат органи нуфузига таъсир кўрсатадиган салбий хабарлар бўйича зудлик билан муносабат билдириб бориш механизмини яратиш⁶².

Ҳуқуқий тарғибот ишлари бевосита тингловчиларнинг ёш ва етуклик даражасига қараб турли усул ва воситаларда амалга оширилади. Маълумки, қонун ҳужжатлари нормалари кенг аҳоли оммасига етказилиши билан аҳолининг ҳуқуқий онги ортади. Қонуннинг қабул қилиниши муҳим жараён бўлгани каби унинг оммалашуви ва кенг аҳоли оммасига етказилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Миллий қонунчилик тизимида қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмаслиги тўғрисидаги норманинг мустаҳкамланганлигин, қонун нормаларини халқ оммасига янада кенг ёйишнинг аҳамиятли эканини англатади. Қонун ҳужжатларини аҳолига етказишнинг энг кенг тарқалган усули ҳуқуқий тарғиботдир. Айтиш жоизки, бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот ишлари қатор давлат ва нодавлат органлари томонидан олиб борилмоқда. Жумладан, адлия органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамиятининг турли хил институтлари томонидан ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, барча давлат органлари ўз йўналишлари доирасида маълум бир ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширадilar. Хусусан, адлия вазирлиги унга бўйсунувчи идоралар орқали ҳуқуқий тарғибот соҳасида қатор ишларни амалга оширади. Шунингдек, адлия тизимида қарашли идоралар орқали амалга оширилиб, бунда ФҲДЁ органлари, нотариат ва адвокатура органлари алоҳида ўрин тутаяди. Мазкур органлари томонидан бевосита соҳага оид қонун ҳужжатлари ва бу борада олиб борилаётган ислохотлар кенг аҳоли оммасига етказилади. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳам ҳуқуқий тарғиботнинг катта катта қисмини ташкил этади. Прокуратура ва ички органлари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тарғиботи амалга оширилади.

Турли хил субъектлар томонидан ҳуқуқий тарғиботнинг муайян усул ва шаклларини танлашда, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ нормаларини тушуниш, кундалик ҳаёт давомида улар томонидан дуч келинадиган вазиятлар ва турли хил фактларга ҳуқуқий баҳо бера олиш қобилиятларидан келиб чиқиш лозим. Тарғибот ишларида

⁶² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон

шунингдек ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига, улар орасида турли зарарли ғояларнинг тарқалишига қарши курашишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, диний экстремизм ва фундаментализмнинг нарқобизнес вагиёҳвандликнинг олдини олиш бундай тарбиянинг асосини ташкил этади.

Бундан ташқари, ёшлар орасида миллий-маънавий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тарғиб қилиш ҳам ана шундай зарарли одатларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу борада бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан изчил ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Бош прокуратура ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум ишлаб чиқилган. Ушбу меморандум бу борада олиб борилаётган ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Ҳамкорлик натижасида тарғибот ишларининг савияси янада ошди.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ ҳаётнинг ўзи қўйган янги ва янги вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Хусусан, ёшлар тарбиясининг муҳим бўғини миллий ғояни шакллантириш ва ҳозирги замон мафкуравий таҳдидларига қарши курашиш бўйича назарий, фундаментал дунёқарашни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқий тарғибот биринчидан, ҳуқуқий тарбияни шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси, иккинчидан, фуқароларнинг давлат ҳаётига ўз хиисаларини қўшиш ғояларини шакллантирувчи асос ҳисобланади.

2.3. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва аҳамияти

Ҳуқуқий таълим ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг зарурий воситаси, ҳуқуқий давлатнинг таянчидир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, демак, юридик таълимнинг мукамал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифа бўлмоғи лозим. Шунингдек, юридик таълим ва ҳуқуқий тарбия ҳуқуқ борасидаги билимларни (ахборотни) жамлаш,

уларни муайян тизимга солиш, ўзлаштириш ва узатишдан, шунингдек ҳуқуққа, уни амалга оширишга нисбатан ижобий муносабатни, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш, чеклов (тақиқ) ларга риоя этиш ва мажбуриятларни бажаришга тегишли муносабатни шакллантиришдан иборат⁶³.

Бу борада ҳуқуқшунос олим Г.Маткаримованинг фикрича, юридик таълим, таълимнинг бошқа турлари сингари давлат ва жамият томонидан амалга оширилиб, инсонни энг юксак маърифий ва илмий фазилатларга эга бўлган шахс сифатида тарбия қилишнинг муҳим усулидир⁶⁴. Шу сабабли жамият ва давлат ижтимоий фаол, ҳуқуқий жиҳатдан билимли ҳамда саводли, қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Айнан шунинг учун давлат фуқароларга ҳуқуқий таълим беришнинг самарали тизимини яратиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш хусусида тинимсиз ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилади. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлади, маънавий ҳамда баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олади, келгусидаги таълим мобайнида мазкур билимлар кенгайтирилади, аниқ ифодаланган ҳуқуқий мазмун ва хусусият касб этиб боради.

Бизнинг фикримизча, республикамызда юридик таълимнинг сифат жиҳатдан янги андозаси (моделли) вужудга келтирилмоғи зарур. Ҳуқуқшунос олимлар У.Таджиханов ва А. Саидовлар юридик таълимнинг, ҳуқуқнинг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар:

– қонун ва халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларига оид нормалар ва принципларнинг устунлигидан келиб чиқадиган мунтазамлик ва илмийлик;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига асосланганлик;

– таълимнинг миллий хусусияти, ўтмиш давлатчилигимизнинг илғор тарихий ҳуқуқий анъаналарига ҳамда ҳозирги ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқини ривожлантириш тажрибаларига таяниш;

⁶³ Проблемы общей теории права и государства. / Под ред. проф. В.С.Нерсесянца. – М.: Инфра – Норма, 2004. – С.410

⁶⁴ Маткаримова Г. Таълим тизимини ривожлантириш истикболлари. / Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий – амалий конференция материаллари. / Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.369

– жаҳон юридик таълими, ҳуқуқшунослиги илғор тажрибасига йўл очиш;

– юридик таълим билан мутахассис юрист фаолиятида ҳуқуқий, ахлоқий, фуқаролик ва ватанпарварлик тарбиясининг узвийлиги;

– юридик таълим барча соҳаларининг яхлитлиги, узлуксизлиги ва ўзаро боғлиқлиги;

– юридик таълим соҳасидаги халқаро стандартларга риоя қилиш⁶⁵.

Ҳозирги кунда давлатимизнинг ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тарбияни кучайтириш соҳасидаги амалга оширилаётган асосий чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

– давлатнинг ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши ҳамда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам бериши;

– аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш;

– ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

– ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг фақат таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органлари ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга ошириш;

– ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг уларни мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив на ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

– ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли

⁶⁵ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Тошкент, 1998. – Б.71-72

мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омилларни эътиборга олган ҳолда аниқлаш;

– дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг давлат таълим стандартларини белгилаш;

– таълим ва тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш;

– юридик ўқув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”нинг 3 бўлимида таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш юзасидан қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ва “Инсон ҳуқуқларини ўрганиш” махсус ўқув курсларини барча таълим турлари бўйича тизимли ўргатиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ўргатилишини ташкил қилиш.

Махсус ўқув курслари якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида синовлар ташкил қилиш.

2. Болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ва инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича кўрғазмали қўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этиш.

3. Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга болалар ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир машғулотларни жорий этиш. Бунда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ҳуқуқ асослари ва бола ҳуқуқлари бўйича бепул малакасини ошириш ҳамда машғулотларни ўтказиш учун турли инновацион лойиҳаларни яратиш чораларини кўриш.

4. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳуқуқнинг илк тушунчаларини ўргатиш бўйича намунавий қўлланма яратиш.

5. Янги авлод ҳуқуқий дарсликлари ва ўқув қўлланмалари тизимини яратиш. Бунда умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун ҳуқуқий билимларни содда ва кўргазмали ўргатишга қаратилган ўқув қўлланмаларини, шунингдек, таълим муассасалари учун ҳуқуқ фанлари бўйича ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини тайёрлаш чораларини кўриш.

6. Ёшларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган “Street law” (Кўча ҳуқуқи - оддий ҳуқуқ) лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича қуйидаги ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш:

ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабалари, юридик коллежлар ўқувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат кўнгиллилар (волонтер) гуруҳини шакллантириш;

“Street law” лойиҳаси амалга оширилишини методик таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўнгиллилар гуруҳлари учун интерактив машғулотлар олиб бориш методикаси бўйича тренинглари ўтказиш;

кўнгиллилар томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун машғулотлар ўтказиш.

7. Таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари орасида ҳуқуқ фанидан республика миқёсида қуйидаги танловларни ташкил қилиш ва ўтказиш:

умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари ўртасида “Ҳуқуқ – бу тўғрилиқдир” мавзусидаги расмлар танловини ташкил қилиш;

умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим” республика кўрик-танловини ташкил этиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловини ташкил қилиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;

олий таълим муассасаларида “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик танловини ташкил қилиш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш.

8. Ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш.

9. Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилиш.

10. Болалар ва ёшларга уларнинг ҳуқуқлари ва одоб-ахлоқ нормалари ҳақида маълумот берувчи кўргазмали тарғибот бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш:

флаерлар, буклетлар, комикслар, тақдимот слайдлари, видеороликлар ишлаб чиқиш ва ҳар бир таълим муассасасига етказиш (ҳар чоракда);

кўргазмали ҳуқуқий тарғибот материалларини болалар ва ёшлар эътиборига етказиш.

11. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёшларни ўз ҳуқуқий саводхонлигини юксак даражада шакллантириш ва оширишдек эзгу мақсадлар атрофида бирлаштирувчи “Ҳуқуқ билимдонлари” ёшлар ҳуқуқий клубларини ташкил этиш, кейинчалик уларнинг ижтимоий тармоқларда ҳам фаолият кўрсатишини таъминлаш.

12. Умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида ҳуқуқ фанидан олимпиадалар ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш.

13. Тарбияси оғир вояга етмаганларга кучайтирилган ҳуқуқий таълим бериш ва тарбиялашга оид махсус дастурларни қўллаш.

14. Ёшларда соғлом турмуш тарзига бўлган интилишни шакллантиришга, ижтимоий жихатдан хавfli касалликларга, гиёҳвандликка, чекишга ва бошқа зарарли одатларга қарши курашишга доир профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли уюштиришга, оммавий ёшлар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

15. Болалар ва ёшларда давлат рамзларини эъзозлаш, унинг қадр-қимматини англаш, шунингдек шахсий эҳтиёжлар ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилишга доир аниқ режалар асосида “очиқ дарслар” ва ўқув машғулотлари ўтказилишини таъминлаш.

16. Диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустақам иммунитетни шакллантиришга қаратилган махсус видеороликлар тайёрлаш.

17. Ёшлар томонидан содир этилаётган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, ноқонуний автопойгалар ўтказиш ва бошқа

нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида “Энг тартибли ёш ҳайдовчи” лойиҳасини ташкил этиш⁶⁶.

Юқоридагиларга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, XXI аср ёшлари мустақил равишда янгича ҳуқуқий доктрина асосида фикрлай оладиган, кенг ҳуқуқий дунёқарашга эга бўлган, шахслараро муносабатларни маърифий тарзда йўлга қўя оладиган, халқаро ҳуқуқнинг устувор стандартларидан хабардор бўлган, низоли вазиятларга ҳуқуқий ечим топа оладиган ҳар томонлама маълумотли ҳамда малакали касб эгаси бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, юридик таълим сифати ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёнлардир. Шу сабабли, таълим стандарти ҳуқуқий ва умумий маданий тафаккур доираси кенг юридик кадрларни тайёрлашга қаратилиши даркор.

Ўзбекистонда олий юридик таълимни ривожлантиришнинг қуйидаги долзарб масалаларини муҳокамадан ўтказиш зарурияти етилди деб ҳисоблаймиз, яъни:

1) юридик таълимнинг алоҳида мажбурий давлат стандарти ва олий ўқув юрти мустақиллигининг, ташаббускорлигининг ўзаро нисбатини аниқлаш;

2) юристларни ўқитишда умумий ижтимоий ва махсус юридик таълимнинг ўзаро нисбатини оқилона белгилаш;

3) юридик таълим беришда мамлакатимиз (шунингдек, тарихий ҳуқуқий меросимиз) ва чет эл тажрибасини уйғунлашган ҳолда ҳисобга олиш;

4) юристларни тайёрлашда таълим стандарти қандай кўрсаткичларни назарда тутиши кераклиги (илгариги бўлганидек ўқув юртлари битирувчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлашга тайёрлаш ёки умумий академик юридик маълумотга эга қилиш нисбатини ҳал этиш);

5) олий юридик таълим даражаси қандай бўлиши кераклигини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”нинг 4 бобида юридик таълимни, шунингдек юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш юзасидан қуйидаги вазифалар белгиланган:

⁶⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон

1. Ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш, талабаларда таҳлилий фикрлашни, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг замонавий шакллари ва услублари ҳамда технологиялари асосида ташкил этиш.

2. Юридик олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот институтлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқаларини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Замонавий хорижий тажриба асосида юридик соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги инновацион шакл ва институтларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Илғор хорижий тажриба асосида миллий юридик таълим ва юридик фан соҳасини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга фахрий доктор даражасини бериш тартибини жорий этиш.

5. Ўқув жараёнига клиник юридик таълимни татбиқ этиш юзасидан етакчи хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан кенг ва унумли фойдаланиш.

Тармоқлараро таълимни кучайтириш ва бу борада Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичида “Ҳуқуқ ва Тиббиёт”, “Ҳуқуқ ва Қурилиш” каби мутахассисликлар очилишини таъминлаш.

6. Ҳуқуқий мавзулар бўйича таълим берувчи педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Модомики, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётган экан, ундаги ҳар бир фуқаро ҳуқуқ асосларини, унинг амал қилиш тамойилларини, асосий ҳуқуқий норма ва қоидаларини билиши зарур деб ҳисоблаймиз. Бу жараён, айниқса, таълим муассасаларида амалга ошириладиган ҳуқуқий билим беришнинг пировард мақсадини ташкил этмоғи лозим. Зотан, ҳуқуқий тарбияда қуйидаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш: биринчидан, таълим олувчиларга ўзини ва бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда, амалий фаолиятда олинган ҳуқуқий билимларни мустақил татбиқ қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; иккинчидан, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ фақат

қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш йўл-йўриқларини шакллантириш; учинчидан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан қатъий муносабатда бўлиш фазилатини тарбиялаш имконини беради. Ана шундагина олинган ҳуқуқий билим ҳар қандай шароитда фақат қонунга монанд ҳаракат қилишга қатъий одатланиш тизимини яратишга, ҳуқуқбузарликка қарши жадал кураш олиб боришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юридик фанларни ҳуқуқий тартибга солиш предмети, услуби ва тамойиллари нуқтаи назаридан илмий тадқиқ қилиб ўрганиш, уларни ривожлантиришнинг ташкилий-амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий таълим – тарбиянинг мукамал замонавий тизимини яратиш устувор вазифамиз бўлмоғи лозим.

III БОБ. ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий нигилизм ҳолатларини бартараф этиш масалалари

Нигилизм (лотинча “*nihil*” сўздан келиб чиққан бўлиб, “ҳеч нарса”, “инкор” деган маънони англатади) ҳуқуқ субъектларининг, ижтимоий гуруҳларнинг муайян ҳуқуқий қадриятларга, нормаларга, белгиланган тартиб-қоидаларга салбий муносабатини, менсимаслик, беписандлик ва ишончсизлик кайфиятини ифодалайди⁶⁷.

Ижтимоий хулқ-атворнинг шаклларида бири бўлган нигилизм мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш демакдир. Инкор этиш нигилизм барча шаклларида умумий белгиси ҳисобланади. Бироқ нигилистик инкор этиш билан диалектик инкор этиш ҳар хил ҳодисалар эканлигини назарда тутиш лозим. Зеро, эскилик ва турғунликни, разолат ва зулмни табиий тарзда инкор этувчи нигилизм том маънода нигилизм ҳисобланмайди.

Мавжуд илмий ва ўқув адабиётларида ҳуқуқий нигилизм ҳодисаси қуйидаги хусусиятлар асосида таҳлил этилиб келинмоқда:

– нигилизм объектив ижтимоий қадриятларни ва қонуниятларни тан олмаслик ёки инкор этишдир;

– ҳуқуқий нигилизм нафақат объектив ижтимоий қадриятларни ва қонуниятларни тан олмаслик ёки инкор этиш, балки ушбу инкор асосида ўзининг мустақил қарашлари, ғоялари ва мафқурасини илгари суриш ҳамдир;

– нигилизмга ижтимоий муносабатларнинг барқарорлиги ва тизимлилигини издан чиқарувчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаралади;

– нигилизм мафқуравий-руҳий ҳодиса сифатида ўзининг тузилишига, мустақил шакл ва ташувчиларига эга бўлган ижтимоий онгнинг бир шаклини намоён этади;

– ҳуқуқий нигилизм ижтимоий онгнинг мустақил ҳодисаси сифатида инкор этиш объектдан келиб чиқиб, ўз намоён бўлиш

Ҳуқуқий нигилизм – ижтимоий нигилизмнинг кўринишларидан бири. У моҳиятан ҳуқуқга, қонунларга, норматив тартибга салбий, инкор қилувчи, ҳурматсизлик муносабатида бўлиш демакдир.

⁶⁷ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Адолат, 2007. – Б .555.

шаклларига эга.

З.М.Исломовнинг фикрича, ҳуқуқий нигилизм сабабият нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, бу моҳият аҳолининг юридик жаҳолати, мутаассиблиги, ҳуқуқий тарбиясизлигида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, бу ўринда гап жамиятда ҳуқуқга нисбатан талабнинг йўқлиги ҳақида бормоқда⁶⁸.

⁶⁸ Исломов З.М . Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Адолат, 2007. –В . 555.

Шунингдек, ҳуқуқий нигилизмнинг юзага келиши жараёнида

Ҳуқуқий нигилизм қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: назарий шакли (олимлар, мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқнинг инкор қилиниши); амалий шакли (фаол ва суст (пассив); фаол ҳуқуқий нигилизм-ижтимоий муносабатларда ҳуқуқни очикдан очик инкор қилиш; суст ҳуқуқий нигилизм – жамиятдаги кишилар томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслик.

ҳуқуқни шунчаки билмасликнинг ўзи ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқий маданиятнинг тескариси (антиподи) бўлиб, унинг фуқаролар ҳуқуқий маданиятига, умуман ҳуқуқий тизимга таъсирини таҳлил қилмасдан ва лозим даражада баҳоламасдан туриб, мазкур ҳодисанинг моҳиятини тушуниб бўлмайди. У серқирра ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий мафкурада намоён бўлади, яъни назарияларда, ғояларда, шунингдек ҳуқуқий психологияда ўз аксини топади ҳамда ўзига хос ички нуқтаи назарлар, йўл-йўриқлар, андозалар, ҳуқуқий идеалларга ишонмаслик кўринишида намоён бўлади. У юридик амалиётда яққол намоён бўлиб, бу аҳолининг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий кўрсатмалардан чекинишининг турли шакллари, ҳуқуқий пассивлик хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Давлат ва жамият тараққиётининг ўтиш босқичи шароитида фуқаролар ҳуқуқий онгининг турли-туман қирралари салбий таъсирларга дучор бўлади. Бунда гап нафақат ҳуқуқий билимлар тўғрисида, балки ҳуқуқий мафкура ҳақида ҳам бормоқда. Ҳуқуқий онг деформацияси турли сабабларга кўра қандайдир ўзга, ноҳуқуқий тузилмаларга айланган ёхуд номигагина ёки қисман ҳуқуқий бўлиб қолган, ўз табиатида кўра ҳуқуқий қарашлар, билимлар, йўл-йўриқларнинг муайян захираси мавжуд бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқий нигилизм қонунийликнинг сиёсий, мафкуравий ёки прагматик мақсадга мувофиқлик билан алмаштирилишида, давлат тузилмаларининг ҳуқуқий майдондан четда фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат бу ҳуқуқ билан чегараланган ва ҳуқуқий доираларда фаолият кўрсатадиган давлатдир. Ҳуқуқий нигилизм жамият ҳуқуқий тараққиётининг тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ ривожланишига жиддий хавф туғдирувчи ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига тўсиқ бўлувчи салбий ҳодисалардан биридир.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга тўсик бўлувчи ҳолатлардан бири бу ҳуқуқдаги идеализм ҳисобланади. Ҳуқуқий идеализм ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборилиши билан ажралиб турадиган ҳуқуқий онг ҳолатидир. Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм битта илдиздан, яъни юридик билимсизликдан, ривожланмаган ва бузилган ҳуқуқий онгдан, сиёсий-ҳуқуқий маданият етишмаслигидан озиқ олади. Мазкур ҳолатда ҳуқуқий онг деформациясининг юқоридаги шакллари бир-бирига нисбатан қарама-қарши йўналишга эгадек кўринсада, пировард натижада улар бирлашади ва ҳуқуқий онгнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Россиялик олим Н.И.Матузовнинг таъбири билан айтганда, бизнинг олдимизда битта медалнинг икки томони намоён бўлади⁶⁹. Гарчи ҳуқуқий идеализм ижтимоий воқеликда нисбатан камроқ намоён бўлсада, ушбу ҳодиса давлат ва жамиятга худди ҳуқуқий нигилизм сингари зиён етказди.

Ҳуқуқий нигилизмга қарши кураш олиб борилад экан, бунда бошқа томонга, яъни ҳуқуқий идеализм, волюнтаризмга берилиб кетмаслик лозим. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ва маънавий вазият кўп ҳолатларда ижтимоий амалиётда юзага келаётган муаммоларни қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида осонгина ҳал этиш мумкин, деган сохта тасаввурларни келтириб чиқаради. Ўз ўрнида, жамиятни оқилона қонунлар ёрдамида жиддий ўзгартириш мумкинлиги тўғрисидаги ғоялар узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этиш жоиз. Хусусан, қадимги юнон файласуфи Афлотун оқсуяклар ва аслзодаларнинг яхши қонунлар амал қиладиган, давлат ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қиладиган ва қайғурадиган адолатли бошқарув сифатида идеал давлат моделини кўриб чиқишда айнан ушбу ишонч асосида фикр юритган⁷⁰. Лекин ўтган тарих тажрибаси ижтимоий муносабатларни фақат қонунлар ёрдамида ўзгартириш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларнинг нотўғри эканлигини исботлаб берди.

Шу сабабли ҳуқуқга ҳаддан ташқари умид боғламаслик керак, чунки унинг қудрати ҳамма нарсага ҳам етавермайди. Бинобарин, ҳуқуқнинг объектив имкониятларидан келиб чиқадиган ўрни ва вазифасини ажратиш зарур. Ҳаддан зиёд вазифалар ҳуқуқнинг

⁶⁹ Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм/ Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М., 2001. – С.712.

⁷⁰ История политических и правовых учений. Хрестоматия для юридических вузов и факультетов / Состав и общая ред. Г.Г.Демиленко. – Харьков, 1999. – С.26.

обрўсини тўкиши мумкин, холос. Нафақат оддий, балки касбий онг даражасида ҳам қонунлар қабул қилинса бас, ҳамма нарса маромида бўлади, ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасидаги барча қийинчилик ва муаммолар барҳам топади деган фикр юради. Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллари мобайнида парламент томонидан қатор қонунлар қабул қилинди, кўпгина ижтимоий муносабатлар концептуал жиҳатдан янги асосларда тартибга солинди. Аммо қонунчилик соҳасидаги ушбу ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги аҳволни буткул яхшилади, барча муаммоларни ҳал этди дегани эмас. Шу сабабли ҳуқуқий нормаларнинг “тезкор” яратилишидан умидвор бўлиш, у барча муаммоларни ҳал қилади деб ўйлаш ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Яхши қонун тегишли иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа шарт-шароитлар бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин.

Ўз навбатида, “Қонунларнинг заифлиги яна ўша нигилизмни, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг чинакам аҳамиятига, уларнинг вазиятни ўзгартира олишига ишончсизликни келтириб чиқаради. Қонунлар ишламас, демак, уларга нисбатан муносабат ҳам жуда

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятларига ортиқча баҳо бериб юборилиши билан ажралиб турадиган ҳуқуқий онг ҳолатидир.

совуқ бўлади, уларнинг нуфузи ҳокимият нуфузи билан биргаликда пасайиб кетади”⁷¹. Ҳар қандай қонун муайян фактни (ҳолатни) расмий эътироф этишдир. Ҳуқуқ иқтисодий тузумдан ва жамиятнинг у билан боғлиқ равишдаги маданий тараққиётдан юқори бўлиши мумкин эмас. Ш.Монтескье ўз даврида шундай деб ёзган эди: “Қачонки мен бирон-бир мамлакатга жўнаб кетаётган бўлсам, у ернинг қонунлари яхши-ёмонлигини эмас, балки улар қандай амалга оширилаётганини аниқлайман, чунки яхши қонунлар ҳамма жойда бор”⁷². Дарҳақиқат, кишилиқ тараққиёти исботга муҳтож бўлмаган ушбу ҳақиқатни бир неча бор исботлаган.

Ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм битта илдиздан, яъни ҳуқуқий билимсизликдан, ривожланмаган ҳамда бузилган ҳуқуқий онгдан, сиёсий-ҳуқуқий маданият етишмаслигидан келиб чиқади.

⁷¹ Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм / Теория государства и права. Курс лекций. Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М., 2001. – С.713.

⁷² Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – С.318.

Ҳуқуқий идеализм худди ҳуқуқий нигилизм каби қуйидаги бир қатор шаклларда намоён бўлади:

биринчидан, қонунчиликнинг олдин кетиши, яъни жамият ҳаётида ҳали юзага келмаган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ нормаларининг яратилиши. Жамият ҳаётида мавжуд бўлган объектив ва субъектив шарт-шароитларни эътиборга олмаган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларни олдиндан нотўғри қўллашга ёки умуман уларга амал қилмасликка олиб келади;

иккинчидан, ҳуқуқий идеализмнинг кейинги шакли юридик нормаларни амалга ошириш учун зарур бўлган реал механизмларнинг йўқлиги натижасида юзага келади. Агар қонуншунос ўзи қабул қилаётган қонуннинг ижросини таъминлаши лозим бўлган давлат органини аниқ белгилаб қўймаса ҳамда ушбу орган қонун нормаларининг ижросини таъминлаш механизмлари назарда тутилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмаса, ушбу қонун қоғозда қолиб кетади;

учинчидан, юридик нормаларни қабул қилишда жамиятда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларни эътиборга олмаслик оқибатида ҳам ҳуқуқий идеализм ҳолатлари юзага келиши мумкин. Қонуншунос тегишли ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш жараёнида бу борадаги жаҳон амалиётини атрофлича таҳлил этиши, илмий жамоатчиликнинг мазкур масалалар бўйича илгари сураётган таклиф ва тавсияларини эътиборга олиши ҳамда юридик техниканинг барча талаб ва мезонларига амал қилиши лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, бир-бирини озиклантирувчи ҳуқуқий нигилизмга ҳам, ҳуқуқий идеализмга ҳам барҳам бериш муҳим ва зарурдир. Зеро, ҳуқуқий нигилизм ҳам, ҳуқуқий идеализм ҳам ҳуқуқий маданиятсизликнинг умумий нохуш кўринишидир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам қонунлар назар-писанд қилинмайди, очиқ-ойдин бузилади, ижро этилмайди, қадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди; аксинча, қонунларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўъжизакор кучга эга бўлган ҳужжат сифатида қаралади. Демак, уларни бартараф этмасдан туриб ҳуқуқий давлат ғоясини рўёбга чиқариш мумкин эмас.

Ҳуқуқий нигилизм жамият ҳуқуқий тараққиётининг тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ ривожланишига жиддий хавф туғдирувчи ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига тўсиқ

бўлувчи салбий ҳодисалардан биридир. Бу борадаги муаммоларга тўхталиб ўтар экан, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Индивидуализм ҳар бир кишининг психологиясига кириб боради, бевосита таъсир кўрсатади. Инсон табиатидаги онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатларнинг ҳаммасидан фойдаланади. Ёшларнинг айрим қисми ўқишга, юксак касб маҳоратини эгаллашга интилиш ўрнига енгил-елпи ҳаётни излашга, бозорда савдо-сотик қилиб мўмай даромад орқасидан қувиб, бозор муносабатларининг ибтидоий йўлларида фойдаланиб, мол-дунё орттиришга интилаётганлиги тасодифий эмас. Нигилизм, шафқатсизлик даражасига бориб етаётган худбинлик ҳоллари юз бераётганлиги ҳам тасодифий эмас. Буларнинг барчаси, бизнинг назаримизда, яна ўша индивидуализмнинг бузилган кўриниши, тарбиядаги нуқсонлар ва атроф-муҳит таъсиридан бошқа нарса эмас⁷³.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий нигилизм ҳолатларининг олдини олиш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Уни мумкин қадар камайтиришнинг махсус воситаларига: қабул қилинаётган қонунларнинг лозим даражадаги сифатини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, суднинг ролини ошириш ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш, юридик таълим ва тарбияни давр талаблари билан мувофиқ ҳолатга келтириш кабилар киради. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими барча субъектларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича изчил иш олиб бориш лозим бўлади. Бевосита мақсад қонуний хулқ-атворга, шу жумладан фуқароларнинг қонуний хулқ-атвори, юристлар ва бошқа давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида юридик аҳамиятга молик вазиятларда касбий фаоллигига эришишдир.

Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда давлат идоралари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида қатор институтлар ва марказлар фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика юристлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академияси, Тошкент давлат

⁷³ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.160-161.

юримдик университети, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси қошидаги Ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш Олий академик курслари, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти шулар жумласидандир.

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ шахс ҳуқуқий онги ва маданиятини, унинг ҳуқуқий фаоллигини, ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимининг мустаҳкам қонунчилик асосларини белгиловчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида”ги 296-сонли қарори, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 235-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги, “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январь фармойиши шулар жумласидандир.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида олиб борилаётган ислоҳотлар ижтимоий муносабатларнинг, шу жумладан шахс – жамият – давлат муносабатлари тизимининг мазмун ва моҳияти муайян даражада ўзгаришига олиб келганлигини қайд этиш жоиз. Айниқса, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок доирасининг кенгаяётганлиги, бунда фуқаролик жамияти институтлари, яъни сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳам шахс сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини кафолатловчи, ҳам давлат ҳокимияти ва мансабдор шахслар устидан жамоат назоратини ўрнатувчи тузилма сифатидаги ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

3.2. Ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда оила, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги

Жамиятда аҳоли ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Зотан, мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик хисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишининг муҳим омилидир.

Таъкидлаш жоизки, шахс ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнида турли хил субъектлар, хусусан, оила, мактаб, маҳалла, жамоатчилик ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаол иштирок этадилар.

Шу жиҳатдан олганда, юқорида қайд этиб ўтилган субъектлар ўртасидаги бу борадаги ҳамкорлик масалаларини таҳлил этиш ва бу борадаги мавжуд муаммолар юзасидан илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда оила, жамият, ҳуқуқий маданият масалалари билан шуғулланувчи ижтимоий фанларнинг вакиллари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда уч асосий омил: “оила – маҳалла – таълим муассасалари” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оилада – ота-оналар, маҳаллада – кўни-кўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги йўлида ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулдирлар.

Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сонли қарори билан тасдиқланган таркиб асосида Ўзбекистон

Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида оила – маҳалла – таълим муассасаси Жамоат кенгаши тузилган. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Халқ таълими бошқармалари ҳузурида ҳам ҳудудий Жамоат кенгашлари тузилган. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлимлари ҳузуридаги Жамоат кенгашлари таркиби маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда тузилиб тасдиқланган. Шунингдек, таълим муассасалари ҳузурида ҳам Жамоат кенгашларининг фаолият юритиши белгиланди⁷⁴.

Жамоат кенгаши маънавий-маърифий ишларни тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ўз фаолиятини ўқувчи-ёшлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик иштирокида олиб боради. Ушбу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад – ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялашда оилалар, ота-оналар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб борадиган фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик фаоллигини оширишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, уни амалга оширишда жамоатчилик ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳуқуқий-тарғибот органлари ҳамда ота-оналарнинг вазифалари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига эътибор қаратилган⁷⁵. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида “Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар”, деб белгилаб қўйилган⁷⁶. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг 3.2-бандида таълим олувчиларга шарт-шароит яратишда жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга, 4.4-бандида эса

⁷⁴ Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди. / Г. Алимова, Ж. Камолов, Ш. Абдуллаева. “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги. –Т., 2014. – 64 б.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда

жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, оила, маҳалла фуқаролар йиғинлари, Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, кўплаб жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилган⁷⁷.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб, масаланинг моҳияти, аввало, ўқувчи-ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият вакиллари билан ҳамкорликда ташкилий-педагогик ишларни йўлга қўйиш билан боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, ҳуқуқий-тарбиявий фаолият самарадорлигини ошириш манфаатлари бундай фаолият йўналишлари ва мазмуни ҳақида янада батафсил тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги вазифаларни ажратиб кўрсатиш зарур бўлади:

биринчидан, давлат ва ҳуқуқ масалаларига доир билимларнинг зарур тизимини шакллантириш, фуқароларни ҳуқуқий воқеликнинг жорий ва долзарб масалалари юзасидан хабардор қилиш;

иккинчидан, фуқароларда адолат, тенглик, қонунийлик каби принципларга нисбатан ҳурматни шакллантириш;

учинчидан, фуқароларга қонунга мувофиқ хулқ-атвор кўникмаларини сингдириш;

тўртинчидан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва уларда ҳуқуқбузарликларга нисбатан тоқатсизлик муносабатини тарбиялаш;

бешинчидан, қонунда белгиланган тартибда ўзининг, давлат, жамият ва бошқа шахсларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишга эҳтиёжни ва бундай қобилиятни шакллантириш ва бошқалар.

Маълумки, қадимги Юнонистон (Греция) ва Римда болалиқдан бошлаб фуқароларга қонунлар ўргатилган. Рим давлатида 14 ёшгача бўлган ёшлар қонунларнинг 12 жадвалини ёд олганлар. Эрамиздан олдинги III аср бошларида мавжуд бўлган ва бизгача етиб келган “Фуқаро Херсонеснинг қасамёди”да, жумладан, шундай дейилади: “Мен фуқароларнинг ҳеч бирига нисбатан ҳеч қандай адолатсиз ишни хаёлимга келтирмайман... ва бунақа ишга йўл қўймайман, уни яширмайман ҳам, лекин уни суд эътиборига етказаман ва судда

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

қонунларга мувофиқ овоз бераман”. Бу ўринда гап нафақат қонунларга риоя этилиши ҳақида, шу билан бирга бошқа шахсларнинг қонунларни бузишларини фош қилишга жалб этилиши тўғрисида ҳам борган.

Франция, Италия, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларда ҳуқуқий тарбия масалалари доимо жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келган. Бунда ҳуқуқий тарбиянинг айна бир вақтда ўсиб келаётган авлодга ҳам сиёсий, ҳам маънавий таъсир кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Францияда 1879 йилда жорий қилинган мактабларда ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўқитилиши “фуқаро”, “мамлакат”, “аскар”, “қонун”, “жамият”, “адолат” каби ва бошқа бир қатор шундай сўзларнинг маъносини тушунтириб беришдан бошланган. Болалар 9-11 ёшида давлат қурилиши, шунингдек ҳарбий хизмат, солиқлар ва шу кабилар ҳақида оддий тасаввурларга, кейинроқ эса давлат ва ҳуқуқ тўғрисида анча батафсил маълумотларга эга бўлишган. Мамлакатимизда ҳам буюк мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бобур, Авлонийлар таълим тарбия масалалари жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиши ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Хусусан, буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобийнинг бу борадаги қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Уйда, оиласида яхши тарбия кўрган бола ихлос ва ишонч билан таълим олишга, илм-фанни ўрганишга интилади. Ёшларни тарбиялаб, меҳнат қилишга ва касб-ҳунарни ўргатиб, кейин таълим бериш лозим”².

Шу ўринда ёшларда ҳуқуқ ҳақида билим ва кўникмаларни қандай ҳажмда шакллантириш ва уни қандай етказиш керак, деган савол туғилади. Гап агар таълим тизими ҳақида кетадиган бўлса, умумий таълим мактаби доирасидаги ҳуқуқий тарбия биринчи навбатда вояга етмаганларни улар ҳозирда татбиқ этаётган ва келгусида бажариши лозим бўлган умумий ижтимоий ролларни (давлат фуқаролари, оила аъзоси, ўқувчи, ишчи, хизматчи, уй-жой, хонадон ижарачиси ёки эгаси, фуқаролик-ҳуқуқий битимлари: олди-сотди, ижара битимлари субъектлари ва ҳ.к.) адо этишга тайёрлашга хизмат қилиши керак.

Ёшлар бевосита уларга тегишли бўлган Умумий ўрта таълим мактаби низоми, Ўқувчилар учун қоидалар, Болалар ва ўсмирларнинг жамоат жойларидаги хулқ-атвор қоидалари, болалар билан оналар муносабатларини тартибга соладиган никоҳ-оила ҳуқуқи

²Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, 1998. – Б.130-134.

нормалари, соғлиқни сақлаш ҳақидаги қонунлар, фуқаролик, жиноий, маъмурий қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан билим ва тасаввурларга эга бўлишлари лозим. Ўсмирлар катта бўлганларида уларнинг ҳуқуқий аҳволи ўзгаради. У пайтда уларга, масалан, никоҳ-оила ҳақидаги қонунларнинг никоҳдан ўтиш, эр билан хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга соладиган нормалари; фуқаролик ҳақидаги қонунларнинг уй-жой майдонидан фойдаланиш тартибига тегишли нормалари тааллуқли бўлади.

Турли касблар ва лавозимларга тегишли махсус ўзига хос ҳуқуқий қоидалар хусусида гапириладиган бўлса, улар билан ёшларни касбий тайёргарлик жараёнида таништириш мақсадга мувофиқ. Академик лицейлар, касб ҳунари коллежлари ва олий ўқув юртлири талабалари, ҳар хил малака ошириш курсларидаги тингловчиларига нисбатан олиб бориладиган ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари ана шундан иборат бўлади.

Ҳуқуқий тарбия табақалаштирилган тарзда ёндашувни, нафақат ёши ва бўлғуси мутахассисликни, шу билан бирга жинсни, яшаш жойини, ижтимоий-психологик хусусиятлар, шу жумладан, қайси миллатга ёки диний эътиқодга мансублик билан боғлиқ хусусиятларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Маълумки, айрим ёшлар олган ҳуқуқий билимларини амалиётда қўллаш, муайян ҳаракатларга тўғри баҳо бериш қобилияти ва кўникмасига эга бўлмайдилар. Масалан, ўқувчилар тенгдошларининг мактабда кийимлари чўнтақларини титкилашлари ва топилган пулларни олиб қўйиш, рогаткадан отиш, оёғини чалиб йиқитиш натижасида жиддий тан жароҳати етказилиши кабиларни ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолай олишмайди. Шу жиҳатдан олганда, вояга етмаганларни ўзларига маълум бўлган ҳуқуқий нормаларни муайян ҳаётий вазиятларда қўллаш ва улар дуч келадиган хатти-ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашга ўргатиш зарур.

Ўсмирларнинг муайян бир қисмида билимлар, шахсий эътиқодлар ва хулқ-атвордаги тафовутлар мавжудлиги эътиборни жалб этади. Шу нуқтаи назардан олинганда, вояга етмаганларни у ёки бу баҳони қонун нуқтаи назаридан бериш, ўзининг шахсий фикрини билдириш каби кўникмаларга ўргатиш ниҳоятда муҳим. Қонундан хабардорлик ҳали ўсмирнинг ўзининг масалани қонун томонидан шу тариқа ҳал этиш билан рози эканлиги, бунинг устига унинг қонун талаб қиладиган тарзда ҳаракат қилишга тайёрлигини англатмайди. Демак, ёшларнинг нафақат ҳуқуқий онгини шакллантириш, шу билан

бирга билимлар, эътиқодлар ва қонуний хулқ-атворга тайёргарликнинг ягона ҳосиласи сифатидаги ҳуқуқий дастурларни ҳам ҳосил қилиш зарур.

Таълим муассасаларида ёшларнинг қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, уларнинг умумий маданиятини, ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида бир қатор камчиликлар борки, уларни ҳал этмасдан туриб бу борада муайян ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Хусусан, ўқувчиларда меҳнатни ва меҳнат кўникмаларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш, қонунчилик асосларини тушунтиришга қаратилган аниқ, чора-тадбирларнинг йўқлиги; фанларни ўзлаштира олмаган ва интизомни бузган ўқувчиларни синфда қолдирилмаслиги, айрим мактаб раҳбарларининг шу йўл билан “ўқув кўрсаткичларини” яхшилашга интилиши, болаларнинг назоратдан четда қолиши каби камчиликларни ҳал этиш бу борадаги фаолиятнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шахс ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳаллаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Маҳаллалар ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тарихан таркиб топган миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш, соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб келаётир. Бу борада, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларининг аҳамияти салмоқли бўлмоқда.

Аҳолимизнинг асосий қисми маҳаллада ҳаёт кечиради. Шу жиҳатдан олганда, ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда энг кенг тарқалган нодавлат ташкилоти ҳисобланган маҳаллаларга алоҳида ўрин берилади. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан. Бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашда уч асосий омил: “оила – маҳалла – таълим муассасалари” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оилада – ота-оналар, маҳаллада – қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги йўлида ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулдирлар. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида тасдиқланган Низом асосида “Ота-оналар университетлари” фаолият юритмоқда. “Ота-оналар университетлари” фаолиятининг асосий мақсади – фуқаролар йиғини ҳудудидаги оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишда ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашишдан иборат⁷⁸. Эндиги масала ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялашда оилалар, ота-оналар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб борадиган фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик фаоллигини оширишдир. Шу боис ушбу Кенгашларнинг фаолиятида формализмга йўл қўймаслик лозим.

Иккинчидан. Ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига, тарбиянинг янги шакллари, услубларини амалга оширишда педагог ходимлар, ўқувчилар, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш зарур:

– тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ҳунар ўрганишини ташкил этиш, тарбияси оғир ёшларга жамоатчилик фаолларини бириктириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини

⁷⁸ Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди. / Г. Алимова, Г. Йўлчиева, М. Мирахмедова. Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги “Ота-оналар университетлари” ишини ташкил этиш. – Т., 2014. – 56 б.

тинглаш;

– оилалар, мактаб, маҳалла аҳли ҳамкорлигида тадбирлар, байрамлар, ҳашарлар, Хотира куни, Наврўз, ҳосил байрамларини ўтказиш ва уларда ёшларнинг кенг иштирокини таъминлаш;

– маҳаллалардаги хунармандлар оилаларида устоз-шоғирдлик муносабатларини йўлга қўйиш;

– ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан тарбияси қийин болаларни оталиққа олиш, уларга ёрдам бериш, уларнинг ота-оналарини кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиш;

– ҳар бир хонадондаги ўқишдан четда қолган, ўқимай, ишламай юрган балоғат ёшига етган болаларни ҳисобга олиш, уларга нисбатан зарур чоралар қўриш;

– ибратли оилаларнинг ёшлар тарбиясида қўлга киритган ютуқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантириш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарори 4-иловаси “Фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссияси тўғрисида”ги намунавий низомнинг 5 банди 11 хатбошисида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ҳамда уларнинг жамиятимиз тараққиёти ва фуқаролар ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини очиқ беришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиш, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

“Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 2 бўлим 5 банд 3 хатбошисида “аҳолида, энг аввало, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар йиғини ҳудудида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли амалга оширишга кўмаклашиш; гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар

содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига тушишларини таъминлаш мақсадида мазкур йўналишдаги ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи шахсларни, турли ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ёшларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституциявий тузумга қарши турли ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб боришда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш” масалалари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорига 12-илова “Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида”ги Низомда ҳам маслаҳатчи фаолиятининг мақсади ва асосий вазифалари сифатида фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш ҳақида сўз боради.

Ўз навбатида, маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларнинг тўла ва муваффақиятли бажарилишини таъминловчи восита уларнинг кучли молиявий асосга эга бўлишидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий жиҳатдан етарли салоҳиятга эга бўлмаса, улар биринчидан, қонунчиликда белгилаб берилган ваколатларини тўлиқ амалга ошира олмайдилар, бундай ҳолатда уларнинг давлат органларига қарамлиги сақланиб қолаверади. Шу сабабли, ўзини ўзи бошқариш органларига давлат органларининг айрим ваколатларини олиб бериш баробарида, уларнинг молиявий асосларини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Маҳалланинг шахс ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ фаолиятига хулоса қиладиган бўлсак, ушбу тузилма томонидан олиб бориладиган тадбирлар оилада ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ тарбия тизимидаги айрим бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади. Маҳаллалардаги бу борада амалга ошириладиган фаолият яна шуниси билан ҳам муҳимдирки, у ҳуқуқий таълимнинг ташкилий шаклларига жалб этилмаган ёшларнинг катта доирасини ва аҳолининг бошқа гуруҳларини ҳуқуқий тарғибот билан қамраб олиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”нинг 1 бобида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалла институтининг ролини кучайтириш юзасидан қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Маҳаллаларда энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган ва муурожаатларда кўтарилаётган муаммоли масалаларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қонун ҳужжатлари мазмун ва моҳиятини етказиш бўйича чоралар кўриш.

2. Маҳаллаларда аҳоли орасидаги турли муаммоли масалалар, хусусан, миграция, моддий ёрдам, ер олиш, уй-жой олиш, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича ҳуқуқий ахборотни буклет, флаер, лифлет ва плакатлар шаклида аҳолига етказиш.

3. Маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини ташкил этиш, бунда аниқ бир кунда режалаштирилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар (адвокатлар, нотариуслар, юридик хизматлар ходимлари ва бошқалар) томонидан аҳолига ҳуқуқий тушунтиришлар берилишини таъминлаб бориш.

4. Жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролик низоларини кескин камайтириш ҳамда аҳолида, айниқса, тарбияси оғир бўлган фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида судлар томонидан маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотларни тизимли равишда ташкил қилиш ва сайёр суд мажлислари ўтказиш кўламини кенгайтириш.

5. “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда аҳоли орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар кўлами ва сифатини ошириш.

6. Профилактика инспекторларининг ёрдамчилари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзоларининг янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида тегишли тадбирларни амалга ошириш⁷⁹.

Бугунги кунда жамият ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан, оилада ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва бу борада

⁷⁹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон

тизимли тарбия ишларини олиб бориш – бутун жамоатчиликнинг долзарб вазифаси саналади. Болага муносабатда ота-онанинг ҳам, муаллимнинг ҳам, маҳалла аҳлининг ҳам ўз Ватанига бўлган муносабати акс этади. Эскидан “Бир болага етти кўшни ота-она” – дея бежиз айтилмаган. Ўғил ёки қиз бола вояга етар экан, унинг табиати, аввало ўзи яшаётган жойда, ён атрофдагиларнинг таъсирида шаклланиб боради. Шу сабабли, маҳалла, жамоатчилик, мактаб ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари келажак авлод тарбияси билан боғлиқ ишларни баҳамжиҳат олиб боришгандагина баркамол ёшларни вояга етказиш мумкин.

Фуқаролик жамиятининг негизини жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар ташкил этади. Демак, кишиларнинг ихтиёрий уюшмаларга, ўзини ўзи бошқариш органларига бирлашиши уларнинг кучини ташкилий нуқтаи назардан бирлаштиради, уларнинг тарқоқ, заиф ҳаракатларига мақсад, йўналиш бахш этади. Жамоат ташкилотларининг фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ўз йўналишига кўра жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлар. Хайрия, ижтимоий-иқтисодий, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, спорт, экология, маданий-маърифий соҳалардаги йўналишлар шулар жумласидандир. Хўш, мазкур жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва роли нималарда кўринади? Улар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қандай уйдлашяпти? Албатта бунда, юқорида санаб ўтилган барча жамоат ташкилотларининг фаолиятини битта рисола доирасида таҳлил этишнинг имконияти йўқ. Миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқурасини жорий этишда фуқаролик жамиятининг институтлари ҳисобланган жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, оила имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Оиладаги ҳуқуқий маданият, жамият ва шахс умумий маданиятининг кўрсаткичидир. Бинобарин, жамият маданиятининг юксак даражаси, ҳуқуққа нисбатан ҳурмат ва уни теран билиш ҳамда уларга риоя этиш фуқаролик жамияти маданиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти ўзлигини намоён этишда, муайян мақсад ва эҳтиёжларига эришишда асосан оила каби ижтимоий муассасалар кўмагидан фойдаланилади. Оила фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми бўлиб, у муайян ижтимоий вазифани ўтайди.

Оила жамиятнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Оила инсонларнинг турмуш кечириш ва ҳаёт давомийлигини таъминлаш тарзидир. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Тарбия шакллари аналга оширишнинг яна бир энг қулай йўли, аввало, ота-оналарнинг маънавий ва ҳуқуқий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва тарбиялаш дунёқарашини шакллантиришдир. Бинобарин, ота-оналик шундай маъсулиятли вазифаки, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда амалга ошириш учун инсон ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам психологик жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Ёшлар давлат ва жамиятнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи ижтимоий қатлам саналади ва ҳар бир жамиятнинг истиқболи унда яшаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онглилик даражаси билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир. Зеро, барча даврларда ҳам ёшлар жамиятнинг энг фаол қисми бўлиб келган.

Шу боис ёшлар тарбияси ҳаётини зарур масаладир. Ўтмишнинг буюк донишманд мутафаккирлари ўз давридаги ижтимоий тузумнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий асослари қандай бўлишдан қатъи назар, бола тарбияси масаласига биринчи даражали иш деб қараганлар. Шундан маълумки, исталган бир тузумни насл-авлодсиз ёки унинг тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида, ҳуқуқий тарбия узлуксиз бўлиб, уни ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Болалар мактабгача тарбия муассаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгуси таълим олиши жараёнида эса бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши зарур.

Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришдан кўзланган асосий мақсад ҳар бир ёш инсоннинг ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириб олишига эришишдан иборатдир. Ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланишининг шакл ва усуллари ҳар хил бўлгани билан мақсади битта. У ҳам бўлса, ёшларни ҳуқуқбузарлик содир қилишдан қайтариш, уларга қонун, жиноят, жазо нима эканлигини, ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари нималарга олиб келишини тушунтиришдан иборат. Токи, ёшларда қонунларимизга ҳурмат

уйғониб, қонун талабларига қатъий амал қилиш ва қонунбузарликка нисбатан мурасасиз бўлиш туйғуси шакллансин. Худди ана шундай туйғугина комил инсон тарбиясида муҳим ўрин тутаети. Зеро комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятида узвий бир қисм бўлиб келаети⁸⁰.

Ушбу масалага фалсафий ёндашадиган бўлсак, тарбиялаш яшашга ўргатиш демакдир. Том маънода, ўзи ҳаёт кечиришни билмайдиган киши бировни яшашга ўргата олади дея ҳеч ким қафлат бера олмайти. Демак, фарзанднинг комил инсон бўлиб шаклланишида, бугунги кунда оилада айнан ота-онанинг маънавий-ҳуқуқий саводхон тарбиячи бўлиши талаб этилайти. Холисона фикр юритиладиган бўлинса, ота-она ўз боласини ахлоқий ва ҳуқуқий маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Чунки, болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солих фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни миллий ғоя руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масаладир. Негаки, ижтимоий ҳаётга юз берадиган ўзгаришлар, ундаги ютуқ ва камчиликлар, салбий оқибатлар, мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топайти. Оила – жамият негизи, ҳар бир инсонда илк ёшлигидан бошлаб онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ният-маслаклар, қадриятлар такомил топадиган, ҳуқуқий ва маънавий тарбия амалга ошириладиган муҳитдир. Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз равнақ топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидандир. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига миллий истиқлол ғояларини, қонун устуворлигини сингдириш учун қулай шарт-шароит яратилган бўлайти.

Бизнинг миллатимизга хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби туйғулар нафақат тарбия вазифасини, балки инсоний фазилатларни шаклланишида ҳам муҳим омил родини ўтайти. Бундан ташқари, Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда оилавий муносабатларда жамоатчилик, маҳалланинг, донишманд қарияларимизнинг фикрлари доимо эътиборга олинган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, маънавий қадриятларимиз ҳамда урф-

⁸⁰ Миллий истиқол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, 2000. – Б.9

одатларимизнинг сақланишида, авлоддан-авлодга етказилишида оила ва маҳалла тизимининг ролини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бугунги кунда олимлар олдида турган энг катта муаммо, бу ҳар бир оила аъзоси онгига жамиятимиз маънавияти ва ривожини учун никоҳнинг мустаҳкамлиги катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириш, ёшларда оила институтига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш ва ҳар бир оилада соғлом мафкуравий тарбия муҳитини шакллантириш масаласидир.

Айниқса, носоғлом оилаларнинг вужудга келиши оқибатида аёллар ва вояга етмаганлар томонидан ҳар турдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганлиги жуда ачинарли ҳолатлардандир. Носоғлом муҳитнинг вужудга келишига ўз-ўзидан маълумки, эр-хотиннинг ажралиши туфайли ёки оила аъзоларининг доимий можаролари сабабдир. Бунинг натижаси ўлароқ оиладаги фарзандлар ўзини ҳаётнинг мураккаб синовларига чидаш бераолмасдан ёмон йўлларга кириб кетиши, ҳуқуқбузарлик содир этиши табиий. Айрим оилалардаги бетартиблик, эр-хотиннинг низоли муносабатлари туфайли болаларнинг назоратдан четда қолаётганлиги айни ҳақиқат. Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, қолаверса, уларнинг ёт оқимларга қўшилиб қолаётганлари носоғлом оила муҳити ва оилавий тарбияда йўл қўйилаётган жиддий нуқсонларга боғлиқ бўлмоқда.

Шаклланиб бўлган дунёқараш кейинги ўзгаришларни қийинчилик билан қабул қилади. Оддийроқ қилиб айтганда, дунёқарашни ўзгартириш ишонч ёки фикрлашни ўзгартиришдан анча қийинроқ кечади. Оила – бу ривожланиб, ўсиб келаётган ёш шахснинг мукаммал камол топишининг асосий институти ҳисобланади. Агар разм солиб кўриладиган бўлса, ҳеч қайси давлат органи ёки таълим муассаси ёш ўсиб келаётган шахсга оиласи каби уни комил инсон сифатида шакллантира олмайди. Ота-онанинг йўқлиги ёки оиладаги келишмовчиликлар шахснинг ривожланишига доимо салбий таъсир кўрсатиб келган.

Таъкидлаш жоизки, оилада амалга ошириладиган ҳуқуқий тарбия вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбия шахсларнинг нафақат онгига, балки уларнинг юриш-туришига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Оилада ҳуқуқий маданиятни шакллантириш нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан, балки ёш ўсиб келаётган авлодларда қатъий

тамойилларнинг шаклланиши, жамият қабул қилган нормаларни (хоҳ у ахлоқ нормалари, хоҳ қонун кўринишида бўлсин) ҳурмат қилишга ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ–5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”нинг 1-бобида оилада ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш юзасидан қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Болалар учун махсус ҳуқуқий портал яратиш. Унда:

Конституцияни ўргатишга доир илк тушунчалар;

кундалик ҳаётда қўллашга мўлжалланган бошланғич ҳуқуқий билимлар;

ҳуқуқни тарғиб қилувчи турли хил ўйинлар, машғулотлар ва дастурлар бўйича услубий қўлланмалар ва бошқа зарур маълумотларни бериш.

2. Оилада болаларга ҳуқуқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг бошланғич қоидаларини ўргатиш бўйича ота-оналар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тарқатиш.

3. Оила даврасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган, ҳар бир элементар ҳуқуқий билимларни ўргатишга қаратилган ва кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма тайёрлаш ва бепул тарқатиш.

4. Болалар учун ҳуқуқий мавзуларда ва одоб-ахлоқнинг оддий ва кундалик қоидаларини билишни, ватанпарварлик, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзбек халқининг тарихи ва миллий кадриятларини ўргатишни тарғиб қилувчи турли мультипликацион фильмларни яратиш.

5. Болалар учун ҳуқуқий ахборотни етказишга ҳамда кундалик турмушда қўлланиладиган нормалар ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатишга қаратилган аудиоэртақлар, кинофильмлар ва киножурналлар ишлаб чиқиш.

6. Оилавий нотинчлик ҳамда болалар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, болалар орасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг салбий оқибатлари тўғрисида телекўрсатувлар, ток-шоулар тайёрлаш.

7. Кундалик турмушда кўп учрайдиган масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари ва янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини уйма-уй юриб тарғиб қилиш, шунингдек ҳуқуқий маълумотларни

ётказишга қаратилган флаер, буклет ва бошқа тарқатма материалларни оилаларга бепул тарқатиш.

8. Ёшлар ва ота-оналар ўртасида никоҳ ёши, алимент тўлаш шартлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш⁸¹.

Оилада ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган тарбияни амалга оширишда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур:

– ёшларни энг аввало демократия асосларига ўргатиш керак, чунки у нафақат ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, бошқа шахсларни ҳурмат қилиш, шахс эркинлиги, ҳуқуқий давлат кабиларни ўрганмоғи даркор;

– ҳуқуқий нормалар яхши ва ёмон, тўғри ва нотўғри каби ахлоқий тушунчалар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабдан, ҳуқуқий тарбия этик ва маънавий тарбия билан бирга олиб борилиши лозим;

– ҳуқуқ нормалари ҳақида қизиқарли ва ҳаётда учраб турадиган аниқ вазиятлар ва мисоллар асосида билим бериш зарур. Чунки, мавҳум тусдаги қуруқ маълумотлар тарбияланувчининг онгида ҳазм қилинмайди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия масалаларига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири бу ёшларни ижтимоий фаол ҳуқуқий хулққа эга шахс сифатида шакллантириш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, ушбу мақсадга оилада самарали ҳуқуқий тарбия тизимини яратиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишимиз лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оилада ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали оила ҳуқуқий маданиятининг юксалишига эришиш, ушбу жараёнда таълим муассасалари, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш талаб этилмоқда.

⁸¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон

3.3. Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги муаммолар ва ечимлар

Жамиятда аҳоли ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Зотан, мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишининг муҳим омилдир.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи воситадир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажралмас тарқибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Ҳуқуқий маданият фуқаролар томонидан амалдаги қонунчиликка юксак ҳурмат, уларга тўлиқ риоя этиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлишда ифодаланадиган ижтимоий маданиятнинг ўта муҳим шаклларида биридир. Айниқса, ҳуқуқий давлатни барпо этиш биринчи навбатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан бошланади.

Ҳуқуқий давлатдаги муҳим мезон, яъни қонун устуворлиги тамойилини ёшларнинг онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз тилидаги “ёшликда олинган билим – тошга ўйиб битилган нақш кабидир” хикмати бежиз бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмайди. “Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча

информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5 – 7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”⁸². Буни ўз вақтида англаган мамлакатимиз раҳбарияти ёшларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва доно бўлишига юксак даражада эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси учун етарли шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратиб берилмоқда.

Ёшлар онгида ҳуқуққа оид илк қарашлар, тасаввурлар айнан оилада шаклланади. Оиладаги ҳуқуқий маданият даражаси фарзандлар ҳуқуқий онгининг шаклланишида бирламчи асос бўлади. Вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялашда “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш баробарида инсон ҳуқуқлари маданиятини ва ҳуқуқий онгини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, бу борадаги давлатимиз томондан белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича вазифаларни амалда тўлиқ таъминламасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби буюк мақсадимизга эриша олмаймиз.

Сир эмаски, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шубҳасиз, бунда аввало, унинг ижобий таъсирини эътироф этиш лозим. Хусусан, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулкчилик мафқурасининг ижтимоий онга сингиши, мулкий мустақиллик ва юридик тенглик, иқтисодий муносабатларда қонун устуворлиги каби илғор ғоялар ҳуқуқий онг ва маданият мазмунига сингиб кетади.

Шу билан бирга, шахсларнинг фаоллигига “ёввойи бозор”нинг салбий ғоялари ҳам кириб келиши мумкин. Баъзилар учун қандай қилиб бўлсада, бойлик орттириш ахлоқий ва маънавий қадриятлардан устун бўлиб қолади. Жумладан, шартнома муносабатларида фирромлик қилиш, бозорларда харидорларнинг ҳақидан ёки тарозидан “уриб қолиш”, сифатсиз маҳсулотларни ўтказиб мўмай пул ишлаш, пул ва бойлик қаршисида инсон қадр-қимматини “ерга уриш”, тижорат мақсадида олинган қарзларни вақтида қайтармаслик ёхуд қарзни ундириш учун қонунсиз усуллардан фойдаланиш ва

⁸² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.53.

бошқа нохуш ҳолатлар маънавиятимизга ҳамда ҳуқуқий онгга анча салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолатларда ҳуқуқий билимсизлик эмас, балки айнан ҳуқуқий маданиятсизлик, ҳуқуқни менсимаслик, қонунга ҳурматсизлик ҳоллари намоён бўлади.

Маълумки, ёшларнинг фаоллиги нафақат ижобий саъй-ҳаракатларида, балки унинг номақбул, хато, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Бирок, охиргиси бузилган, деформациялашган ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ифодаланишидир. Таассуфки, ҳар доим ҳам шахснинг камол топиши исталган ижобий кўринишда бўлмайди. Аксарият ҳолларда жамият ривожига турғунлик, иқтисодий қийинчиликлар, инқирозли вазиятлар ёки адолатсизлик каби салбий ҳолатлар ҳуқуқий онгнинг бузилишига сабаб бўлади. Шахс хулқ-атворининг деформацияланиш шакллари юридик лаёқатсизлик (ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги), ҳуқуққа (унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули сифатидаги ижобий ролига) нотўғри баҳо бериш хусусиятлари, ноҳуқуқий ва ғайриқонуний хулқ-атвор кўникмалари ва андозаларининг тарқалганлик даражасига кўра фарқ қилади. Шахсларнинг ҳуқуқий фаоллигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида, аввало, ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги воқеликни назарда тутиш лозим. Булар сирасига ҳуқуқ нормалари билан реал ҳаёт ўртасидаги тафовут, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги малакасизлик, номукамаллик, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги тўрачилик, суистеъмолчилик, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга бепарволиги, жамият аъзоларининг ҳуқуқбузарлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий нормаларга зид даражада бузилиши фуқаролар ҳуқуқий онги салбий ўзгаришининг энг хавfli шаклидир. Кўпгина хусусиятларига кўра бундай салбий ўзгариш ҳуқуқий нигилизмга ўхшаш бўлади, негаки ҳар икки ҳолатда ҳам ҳуқуқий асос онгли равишда инкор қилинади. Бу борада ҳуқуқшунос олим И.Исмоиловнинг фикрича, кескин бузилган онг ижтимоий хавfliлик даражаси билангина эмас, балки келиб чиқиш сабаблари билан ҳам ажралиб туради, чунки у таъмагирлик, шафқатсизлик, очкўзлик замирида қонунни онгли равишда инкор қилишга асосланади⁸³. Зеро, “индивидлар томонидан

⁸³ Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. –Тошкент, 2005. – Б.10.

турли жиноятлар содир этилиши улар ҳуқуқий онги айнишининг асосий шакли ҳисобланади”⁸⁴.

Мазкур вазиятдан халос бўлиш учун, бугунги ҳаётий қадриятларни жамият олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифалардан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш лозим. Таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш ва омма онгига сингдириш ва энг муҳими фуқароларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, ҳуқуқий масалалар доирасида ҳам фаоллигини ошириш вазифасига сафарбар этишлари лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ва демократик қадриятлар тизимини шакллантириш, ҳуқуқий тарбия ва функционал ҳуқуқий маданиятнинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда уни турли йўналиш ва ҳудудлар бўйича махсус дастурлар орқали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда полиция ёки ички ишлар идораларининг иштироки минимал даражада бўлиб, амалга оширилаётган дастурларнинг ижроси, асосан, аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятига асосланади. Шунингдек, ушбу дастурлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг классик усуллари – полиция патрули, тарғибот ва тушунтириш ишларига нисбатан анча амалий ва самарали эканлиги маълум бўлмоқда. Хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия, Австралия каби давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда “Қўшнилар назорати” (neighborhood watch), “Синдирилган ойналар” (broken windows), “Жиноятчиликни тўхтатувчилар” (crime stoppers) каби дастурлар, шунингдек муайян тоифадаги шахслар, масалан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ёки жиноятчилик даражаси нисбатан юқори минтақаларга (“Weed&Seed”, “Safety City”) дастурлар самарали татбиқ этилмоқда.

Ушбу дастурлар орасида АҚШда қабул қилинган “Синдирилган ойналар” дастури бошқа бир неча давлатларда ҳам жорий этилган. Мазкур концепциянинг асосчилари Ж.Вильсон ва Г.Келлинг бўлиб, улар ўз ғоялари мазмунини қуйидагича ифодалядилар: “Агар

⁸⁴ Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание /Общая теория права. Курс лекций. – Ниж. Новгород, 1993. – С.483.

бинонинг битта ойнаси синган бўлса ва уни ҳеч ким таъмирламаса, қисқа вақт ичида бинонинг барча ойналари ҳам синдирилади, бинонинг ўзи тўлиқ ҳаробага айланади ва бу жой жиноятчилар маконига айланади”. Кенгроқ қилиб айтганда ушбу концепция муаллифлари кўчалардаги тартиб ва озодалиқнинг мавжуд эмаслиги девиант хулқ-атворнинг намоён бўлишига олиб келишини таъкидлайдилар. Яъни ташқи тартибсизлик (ойналар, электр чироқларининг синганлиги, қаровсиз ташлаб кетилган автомобиллар, биноларнинг ташқариси ва йўлларнинг узок вақт таъмирланмаганлиги, чиқиндиларнинг кўчанинг исталган жойига ташлаб кетилганлиги) ўша ҳудудда жамоатчилик назоратининг йўқлиги, ахлоқсизлик ва ҳуқуқбузарлик учун таъсир чоралари қўлланилмаслиги ҳамда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмалари мазкур ҳолатга бепарво муносабатда бўлишларидан далолат беради. Бундай белгилар эса одамларнинг онги остида ушбу ҳудуд назорат остидан ташқари, бу ерда давлат ва жамоат ҳокимиятининг кучи йўқ деган фикрни шакллантиради. Агар битта ойна синган ва бу ҳеч кимни безовта қилмаётган бўлса, демак иккинчи, учинчи ва бошқа ойналарни ҳам синдириш мумкин. Шу тариқа, одамнинг ичидаги яширин девиант хулқ-атвор унинг хатти-ҳаракатларига кўчади. Мазкур гипотезага асосланган ҳолда, ушбу дастурда аҳоли пунктларида тозалик ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, қаровсиз автомашиналар, бино ва иншоотлар пайдо бўлишига, чиқиндиларнинг тўпланиб қолинишига йўл қўймаслик чоралари белгиланади. Бунда дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари доимий равишда аҳоли пунктларидаги ҳолатни ўрганиб борадилар, аста-секинлик билан аҳолининг ўзи ушбу дастурнинг ҳам ижрочиси, ҳам назоратчисига айланади. Дастурнинг ўзи эса аҳолининг кундалиқ турмуш тарзига сингиб боради⁸⁵.

Ўз навбатида, мамлакатимизда ҳам бу борадаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

– ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш, ушбу

⁸⁵ Ҳамроев Э. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий турлари/ <http://navoiy.adliya.uz/navoi/uz/publikatsii/detail.php?ID=9793>

фаолиятни мувофиқлаштириш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш;

– ёшлар билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш;

– ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг фақат таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилишини таъминлаш;

– ёшларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатларидан оммавий ахборот воситалари орқали кенг хабардор бўлиб боришини тизимли равишда йўлга қўйиш, уларни кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишни ташкил этиш;

– жойлардаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда раҳбарлар, давлат хизматчилари, ходимлар ўртасида ҳар ҳафта ўтказиладиган маърифат соатларида ҳуқуқий мавзулардаги масалаларни кўпроқ тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш ва бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг кенг иштирокини таъминлаш;

– ҳуқуқий таълим жараёнида ёшлар ҳуқуқ нормаларини идрок этишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш. Бунда таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг ёши, воқеликни идрок этиш қобилияти ва бошқа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда улар дуч келиши мумкин бўлган вазиятларда ҳуқуқий масалаларни ҳал этишнинг аниқ мисоллари билан етказиб бериш самара бериши мумкин;

– барча босқичдаги ўқув муассасалари учун ҳуқуқий адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш. Бунда адабиётларнинг матни, кўриниши, машқ ва масалаларнинг берилишини замонавий таълим олувчининг хоҳиш-истаги, диди, материалларни қабул қила олиш қобилияти ва замонавий усуллар асосида тайёрланишига алоҳида эътибор қаратиш;

– таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли

телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, шунингдек бундай илғор ютуқлар фақатгина мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига эмас, балки ҳар бир оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин тайёрлаш;

– мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган дафтарлар (12, 48, 96 варақли ва бошқа) ва бошқа ўқув қуроллари устига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бола ҳуқуқларига оид нормалар, давлат рамзларини акс эттириш;

– ҳуқуқий онгни юксалтириш мақсадида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг мажбуриятларини акс эттирувчи маълумотлар, қонунчиликдаги янгиликларнинг уяли алоқа компаниялари томонидан қисқа SMS хабарлар тарзида юбориш тизимини жорий этиш;

– фуқаролик паспортини илк марта олаётганларга Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини бериш, никоҳдан ўтаётганларга Оила кодексини тақдим этиш амалиётини жорий этиш;

– маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда “Сайёр судлар” ўтказиш амалиётини кенгайтириш;

– раҳбар ходимлар ишга тайинланаётганда уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ҳам синовдан ўтказиш;

– йил давомида “Энг ҳуқуқий саводхон оила”, “Энг қонунга итоаткор маҳалла”, “Ҳуқуқбузарликлар кам бўлган туман (шаҳар)” номли танловларни ўтказиб бориш муҳим;

– ҳар ойнинг бир кунини “Ҳуқуқий саводхонлик куни” деб эълон қилиш. Корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда маҳаллаларда ушбу кунда юридик адабиётлар кўргазмасини ташкил қилиш, ҳуқуқшунослик соҳасига оид мутахассисларни тарғибот ишларига жалб қилиш ва бошқалар.

Бизнинг назаримизда, юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим яҳамият касб этиши мумкин. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳуқуқий саводхонликнинг мукамал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Дарҳақиқат ушбу тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳуқуқий давлатчилиқни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши муқаррар.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт. Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни бузишдан кўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлишлари лозим”⁸⁶.

⁸⁶ Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир// Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>

ХУЛОСА

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш нафақат ижтимоий зарурият, балки жамият демократик тараққиётининг муҳим шартидир. Ислоҳотларнинг бугунги босқичида ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини, айниқса инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, бу борадаги ҳуқуқий тарбия ишларини амалга оширишда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш ҳуқуқшунослик фани олдида турган вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда, ушбу олий мақсад йўлида катта тарихий ўзгаришлар амалга оширилди: иқтисодий соҳада – мулкнинг турли шакллари вужудга келтирилиб, бозор муносабатларига янги демократик институтлар ва давлат ҳокимияти органлари тизими шаклланиб, фаолият юргизмоқда, ижтимоий соҳада – чуқур инсонпарвар ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсат амалга оширилмоқда; маънавий соҳада – фикрлар хилма-хиллигига асосланган қарашлар ва ўзида ҳам умуминсоний, ҳам шарқона жиҳатларни ифодалаган умуминсоний қадриятлар чуқур илдиз отмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон харитасидан ўз ўрнини эгаллаши биланок, демократик ҳуқуқий тараққиёт йўлини тутганлигини барча давлатларга эълон этган. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ғояси ҳуқуқий мафкурамизнинг мағзини ташкил этади. Ҳуқуқий давлат – бу ҳуқуқ ҳукмронлигига асосланадиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, мустақил суд ҳокимиятига эга бўлган, давлат ва фуқаро ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланадиган демократик адолатли давлатдир.

Шу билан бирга, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнларига муносабати ва дахлдорлик даражаси, бугунги кун мураккабликларига тўла монанддир, деб айтиш қийин. Ваҳоланки, модернизациялаш ва демократик жараёнлар жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юқори даражада бўлишини ва ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини тақозо этади.

Шу муносабат билан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини кўтариш йўлида қандай тўсиқлар мавжуд? –деган савол туғилиши табиий.

Ҳуқуқий нигилизмни бартараф этиш ҳаётий ва адолатли қонунларни қабул қилиш билангина бартараф этилмайди. Бунинг учун ёшларда ҳуқуқга ҳурмат, қонунга итоаткорлик ҳисларини кучайтириш керак. Ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишнинг муҳим омилларидан бири – бу жамиятнинг иқтисодий ривожланиши, аҳоли моддий турмушининг кўтарилиши ҳам эканлигини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади ҳам шу масалага қаратилган.

Фақат яхши қонунлар қабул қилиш билангина мақсадга эришиши мумкин бўлса, аллақачон жамият жуда илгарилаб кетган бўлар эди. Бироқ, бу яхши қонунлар яхши натижа беришлари учун, шароит, яъни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий омиллар пишиб етилган бўлиши лозим. Қонунларнинг кучсизлиги, уларнинг ҳаётий эмаслиги аҳоли орасида унга ишончсизликни, лоқайдликни шакллантириши мумкин. Қонунга лоқайдлик эса аста-секин ҳокимиятга лоқайдликка олиб келади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм жамиятнинг умумий ҳуқуқий онги ва умумий ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ ҳодисалардир. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий нигилизм нафақат ёшлар, балки мансабдор шахслар фаолиятида ҳам учраб туради. Ҳуқуқий нигилизм оддий кундалик ҳаётда, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, ижро ва тўловлар интизоми даражасида ҳам ўзини кўрсатади. Масалан, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш борасида мутассади ташкилотлар томонидан аҳолининг манфаатларига лоқайдлик ва бу хизматнинг истеъмолчилари бўлган аҳолининг маълум қисми томонидан тўлов интизоми масаласидаги ҳолат ҳам маиший турмуш даражасидаги ҳуқуқий нигилизм кўринишига мисол бўла олади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари ҳам бу соҳадаги қонун-қоидаларга менсимай қараш натижасидир.

Муайян ҳудудда ёшларнинг турмуши, иш билан таъминланиши каби вазифаларга масъул бўлган мансабдор шахслар фаолиятидаги ҳуқуқий нигилизм ўзининг келтирган зараридан ташқари, аҳолида қонунларнинг кучига, адолат тамойилининг қарор топишига шубҳа

уйғотиши, оқибат натижада лоқайдлик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасининг мукамал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Дарҳақиқат ушбу тадбирлар пировард натижада, жамоат тартиби ва интизомини мустаҳкамлашга, миллий ҳуқуқий давлатчиликни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 226 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 346 б.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.25.
4. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манаатлари – энг олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 321 б.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –2010, –12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 326 б.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. // Халқ сўзи. –2014, –6 декабрь.
9. Каримов И.А. 2015 йилда Иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи, –2015, –17 январь.
10. Каримов И.А. Она-юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.– Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва

шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.– Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

14. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда.

3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997 йил, 9-сон, 227-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ–4732-сон “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 312-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5618-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни

ташқил этиш тўғрисида”ги Фармойиши // “Халқ сўзи” газетаси. – 2001. –5 январь.

III. Ўқув-методик ва илмий адабиётлар:

1. Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодежи. Автореф. дисс... канд.юрид.наук. –Т., 2000. –24 с.

2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент, 1998. –Б.130-134.

3. Аграновская Е.В. Правовая культура и обеспечение прав личности. – М., 1988. – С.15.

4. Азизхўжаев А.А. Мустақил Ўзбекистон Республикасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш муаммолари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1992. – №1. – Б. 29-35.

5. Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия. –М., Статут, 2000. –С.15-16.

6. Ачилова Г. Теоретические аспекты правового сознания. // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2001.- №1-2. -С. 49-51.

7. Баранов П.П. Правосознание и правовое воспитание /Общая теория права. Курс лекций. –Ниж. Новгород, 1993. –С.483.

8. Бекчанов Р. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни// Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масалалари (Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида) // Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 394 б.

9. Бельский К. Т. Формирование и развитие правового сознания в гражданском обществе. – М.: Изд-во МГУ, 1992. –С. 30-31.

10. Вопленко Н.Н. Правосознание и правовая культура: Учебное пособие. – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2000. –52 с.

11. Гафаров З.М., Каримова О.А. Методика правового обучения. Учеб.пособие. – Ташкент: Ўқитувчи, 1996. – 232 с.

12. Гойман В.И. Правовая информированность граждан: состояние, пути улучшения //Советское государство и право. – Москва, 1988. –№9. –С.33.

13. Головистикова А.Н. Правосознание и правовая культура. / Проблемы теории государства и права. – Москва: Изд.ЭКСМО, 2005. –С.664-665

14. Григонис Э.П. Теория государства и права: Курс лекций. – СПб.: Питер, 2002. –320 с.
15. Демократия: савол-жавоб/ Ўқув методик кўлланма. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.36.
16. Дмитриев Ю.А. Правосознание и правовая культура. / Теория государства и права. Под. ред. Пиголкина. – Москва: Юрайт-Издат, 2006. –С.547.
17. Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.30-31
18. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 916 б.
19. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б.154.
20. Исмоилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. –Тошкент, 2005. – Б.10.
21. История политических и правовых учений. Хрестоматия для юридических вузов и факультетов / Состав и общая ред. Г.Г.Демиленко. – Харьков. 1999. – С.26.
22. Кадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (акдемик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мисолида). Юрид. фан докт. дисс... Автореферати. – Т., 2019. –62 б.
23. Каримова О.А. Ёшлар ҳуқуқий тарбиясининг асосий йўналишлари. – Тошкент: ТДПУ, 1999. – 21 б.
24. Кваша А.А. Правовые установки граждан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –Волгоград, –2002. – С.18.
25. Кудрявцев И. В. Ҳуқуқий онг, маданият, мафкура. // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2004. – № 9. – Б. 18–19.
26. Кудрявцев И.В. Проблемы формирования правовой идеологии Республики Узбекистан в условиях независимости. Автореф. дис... канд. юрид. наук. –Ташкент, 2010. –24 с.
27. Лескова И.В. Социокультурная идентичность и правовое воспитание личности // Государство и право. – Москва, 2007. –№ 4. – С. 98.
28. Мадалиева З.Д. Проблемы формирования и повышения правосознания молодежи: Автореф. дис ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1991. – 21 с.

29. Малько А.В. Теория государства и права. – М.: Кнорус, 2009. – С.305.

30. Мальцев В.А. Основы политологии: Учебник для вузов. – М.: ИТРКРСПП, 1998. – С.292

31. Маматов Х. Ҳуқуқий маданият, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни. – Т.: Yurist-media markazi, 2008. – 144 б.

32. Матжанов И.А. Ҳуқуқий маданият ва огоҳлик/ XXI аср - интеллектуал авлод асри. Ёш олимлар ва талабаларнинг ҳудудий илмий-амалий конференцияси материаллари. – Нукус, Қорақалпоқ давлат университети, 2015. – 237 б.

33. Маткаримова Г. Таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари. / Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий – амалий конференция материаллари. / Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.369

34. Матузов Н.И. Правовой нигилизм и правовой идеализм/ Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – М., 2001. – С.712.

35. Миллий истиқол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, 2000. – Б.9

36. Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – С.318.

37. Морозова Л.А. Теория государства и права / Учебник. – М.: Юристь, 2005. – С.369.

38. Насириддинова О.Т. Ҳуқуқий маданият – фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил (ёшлар мисолида): Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 22 б.

39. Общая теория государства и права: Учебник для юридических вузов / Ю.А.Дмитриев, И.Ф.Казьмин, В.В.Лазарев и др. / Под общ.ред. А.С. Пиголкина. – М., 1996. – С.150

40. Общая теория права. Под общ.ред. А.С.Пиголкина. – М.: МГТУ, 1995. –384 с.

41. Одилқориев Х. Фуқаровий жамиятнинг ҳуқуқий маданияти. // Аёл ва ҳуқуқий маданият: – Тошкент, 1999. – Б. 90–97.

42. Одилқориев Х.Т., И.Т.Тулътеев ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Sharq, 2009. –Б.305.

43. Покушалова Л.В. Метод Case-study как современная технология профессионально-ориентированного обучения студентов. // Ж. Молодой ученый, 2001. № 5-2. – С. 155–157.

44. Проблемы общей теории права и государства. / Под ред. проф. В.С.Нерсесянца. – М.: Инфра – Норма, 2004. –С.410

45. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. – М.: Новый юристь, 1999. – С.90
46. Радько Т.Н. Теория государства и права. –М.: Проспект, 2009. – С.632.
47. Сабиров Б. Конституциявий ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш – ҳуқуқий давлат куришнинг муҳим омили. // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2006. – № 2. –Б.13–16.
48. Сабуров Н. Шахс сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 131 б.
49. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б.74.
50. Савченко Л.В. Правовое воспитание – один из видов профилактики правонарушений // www.ref.net
51. Садыкова Ё.С. Ҳуқуқий онгни шакллантиришда демократик кадриятларнинг роли. Юрид.фан.номзоди... Автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.
52. Сайдалиходжаева Н.Ф. Система правового воспитания учащихся старших классов (на основе субъект-субъектных отношений): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2008. – 23 с.
53. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.324.
54. Сальников В.П. Правовая культура / Общая теория права. Под общ.ред. проф. В.К.Бабаева. – Ниж. Новгород, 1993. – С.500-502.
55. Сальников В.П. Правовая культура сотрудников органов внутренних дел. – Ленинград, 1988. – С.26-27.
56. Сальников В.П. Социалистическая правовая культура. Методологические проблемы. – Саратов, 1989. –С.74
57. Семитко А.П. Правовая культура общества // Правоведение. –М., 1997. –№4. –С.9.
58. Словарь иностранных слов. – 12-е изд, стереотип. – М: Рус.яз., 1985. –С.15
59. Соколова Н.С Правосознание, правовая культура и правовое воспитание// Проблемы общей теории права и государства. –М.: 1999. – С. 406-407.
60. Социология права. – М., Юстицинформ, 2004. – С.80-82.

- 61.** Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томли. 2-том. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –Б.189.
- 62.** Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1, –Т.: ИИВ Академияси, 1998. –Б.28-29.
- 63.** Теория государства и права. Курс лекций. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. – М.: Юристъ, 1999. – 672 с.
- 64.** Туйчиева Ҳ.Н. Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2009. – Б. 3.
- 65.** Туманов В. А. Правовой нигилизм в историко-идеологическом ракурсе // Государство и право. – М. –1993. –№8. – С.52.
- 66.** Турдибаева Р.Э. Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2001. – 23 б.
- 67.** Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Т.1. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – Б. 461.
- 68.** Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Т.2. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва: Рус тили, 1981. – Б.130
- 69.** Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди. / Г. Алимова, Г. Йўлчиева, М. Мирахмедова. Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги “Ота-оналар университетлари” ишини ташкил этиш. – Т., 2014. – 56 б.
- 70.** Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди. / Г. Алимова, Ж. Камолов, Ш. Абдуллаева. “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги. –Т., 2014. – 64 б.
- 71.** Уразаев Ш.З. Перестройка и правовая культура. – Ташкент: Фан, 1988. – С.5-6.
- 72.** Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгининг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 48 б.
- 73.** Хамраев А.У. Правовая культура личности. Автореф. дисс... канд. юрид. Наук. –Т., 1999. –21 с.
- 74.** Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политико-правовое исследование. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Казань, 2005. –28 с.

75. Ходжаева С. А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: Академия МВД РУз, 2004. – 23 с.

76. Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Хрестоматия: Учебное пособие. – М., 1998. – С.372.

77. Ҳалилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.12

78. Чашин А.Н. Теория государства и права. – М.: Дело и Сервис, 2008. – С.332.

79. Юридический энциклопедический словарь. – Москва: ИНФРА-М, 1997. – С.240.

80. James L. Gibson and Gregory A. Caldeira. The Legal Cultures of Europe //Law & Society Review, Vol. 30, No. 1 (1996), pp. 59. (<http://www.jstor.org/stable/3054034>).

Электрон таълим ресурслари

- 3.** www.lex.uz
- 4.** www.edu.uz
- 5.** www.uza.uz

М.К.НАЖИМОВ

**ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир: Н.Ниязова, К.Абдувалиева, Х.Юлдашева, Р.Юнусова
Техник муҳаррир: Д.Мустафоқулов, М.Акрамова
Компьютерда саҳифаловчи: А.Садиков

Босишга рухсат этилди: 10.01.2019 й. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табағи 7,5. Нашр ҳисоб табағи 5.
Адади 100 нусхада.